

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 890. 322 ўзб-8

Абдуллаева Сайёра Собитхон қизи

**“БОБУРНОМА” СЮЖЕТИ ВА
КОМПОЗИЦИЯСИНИНГ СТРУКТУРАЛ ТАҲЛИЛИ**

**5A120101 – Адабиётшунослик
(тиллар ва тадқиқот йўналишлари бўйича)**

МАГИСТР

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

проф. Ҳ.БОЛТАБОЕВ

Тошкент-2014

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I боб. “Бобурнома” ва структурал таҳлил имкониятлари.....	8
1.1. Мумтоз матнларнинг структурал таҳлили	8
1.2. “Бобурнома” асарининг структураси.....	19
II боб. “Бобурнома” сюжети ва композициясининг структурал таҳлили	28
2.1. “Бобурнома” сюжетининг структурал таҳлили	28
2.2. “Бобурнома” композициясининг структурал таҳлили.....	38
III боб. “Бобурнома” сюжети ва композициясида образлар	60
тизимининг ўрни	60
3.1. Тарихий сиймоларнинг ўрни	60
3.2. Ижодкор шахсларнинг ўрни	70
3.3. Аёллар образининг ўрни	81
ХУЛОСАЛАР.....	87
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	93

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Маънавият масалалари инсоннинг ҳар томонлама камол топиши учун зарур бўлган омиллардан бири саналади. Бу ҳақда Президентимиз Ислом Каримов: “Маънавият – инсоннинг руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир...”¹ дея таъкидлайдилар. Миллат маънавиятининг юксалишида эса буюк тарихимизни, ўтмишимизни ўзида акс эттирган шоҳ асарларнинг ўрни беқиёсдир.

Бугунги кунда ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассам этган нодир қўлёмалар жиддий ўрганилмоқда. Эндиликда биз аждодларимиз ҳақида хорижда яратилган илмий-тарихий ва адабий асарлар билан ҳам бевосита танишиш имконига эгамиз. Улар орасида Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари ва у ҳақда яратилган юзлаб илмий ва маърифий асарлар мавжуд.

Ўзбек мумтоз адабиётининг XV аср охири XVI аср бошларида яшаб ижод этган атоқли намояндаларидан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг мураккаб ва қисқа ҳаётида (1483-1530) салмоқли асарлар яратган бўлса-да, уларнинг ҳаммаси бизгача етиб келган эмас. Бобурнинг маънавият хазинасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган илмий ва бадиий асарларининг ҳар бири ўзбек назми ва насри тараққиёти ривожига муҳим босқични ташкил этиш билан бирга, адабий-бадиий тафаккур тараққиётига қўшилган катта ҳиссадир.

“Бобурнома” Бобурнинг шоҳ асари бўлиши билан бир қаторда Марказий Осиё, Эрон ва Афғонистон, Ҳиндистон ва Покистон халқларининг тарихи, маданияти ва бадииятига дохил нодир манбадир.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 19-б.

“Бобурнома” жаҳон адабиётида мемуар жанрининг нодир намунаси бўлиш билан бирга қомусий асар сифатида ҳам эътироф этилади. Сабаби асарда ўз давридаги Фарғона, Кобул, Ҳиндистон ҳудудлари ҳақида асар структурасига мос равишда шундай маълумотлар бериладик, уларни бошқа манбалардан топиш мушкул. Асарнинг жаҳон миқёсида эътироф этилишига сабаб ундаги воқеаларнинг тарихий жиҳатдан аниқлигигина эмас, бу муҳташам асарнинг таркибланиши жиҳатидан ҳам мустаҳкам илмий ва бадиий асосга қурилганлигидир. “Бобурнома” таркибида мингдан ортиқ шахслар ва тимсоллар мавжуд бўлиб, тарихий сиймолар характери, ижоди намуналари ҳам таҳлил этилган. “Бобурнома” сюжети ва композициясини таркибий жиҳатдан адабиётшуносликда замонавий метод ҳисобланган структурал поэтика талаблари асосида ўрганиш асарнинг образлар оламини тушуниш ва унинг поэтикасига доир илмий хулосалар қилишга асос беради.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. “Бобурнома”ни илмий асосда ўрганиш ва таржима қилиш асар яратилаган XVI асрдан бошлаб ҳозирги кунга қадар давом этмоқда. Ҳозирда қирққа яқин тилларга таржима қилинган² “Бобурнома”нинг ўндан ортиқ қўлёзмалари мавжуд бўлиб, таржима ва нашрлар ушбу қўлёзмалар асосида амалга оширилган. XIX асрда Н.Илминский (1857), А.Вамбери (1964), У.Эрскин (1826), А.Бевеиж (1905-1921), Н.Самойлович (1917) каби олимларнинг ишларини намуна сифатида кўрсатиш мумкин³.

Марказий Осиёда Бобур ҳаёти ва ижоди дастлаб ўнлаб тазкираларда қайд этилган бўлишига қарамай янги илмий асосда проф. Фитратнинг мақола ва мажмуалари, Ҳ.Ёқубов, М.Шайхзода, В.Зоҳидов

² “Бобурнома”нинг таржималари, хорижда ўрганилиши ҳақида қаранг: Ғайбуллоҳ ас-Салом, Нёматуллоҳ Отажон. Жаҳонгашта “Бобурнома”. - Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1996; Сайдалиев Т. Бобур асарларининг хорижий тиллардаги таржималари тарихидан // Адабий мерос. 1998. №1-2. 61-63-б.

³ Бу ҳақда тўла маълумот учун қаранг: Бобур ва бобурийлар библиографияси. Нашрга тайёрловчи, жамлаб тузувчи ва муаллиф Шокирхон Шодмонхўжа ўғли Рустамхўжаев. – Т.: “Mumtoz so'z”, 2013.

ишларидан тортиб⁴ ҳозирги кунга қадар жиддий давом этмокда⁵. Бобур лирикаси⁶, “Бобурнома”⁷ бўйича қатор илмий мақола ва тадқиқотлар яратилган. Ўзбек адабиётшунослигида Бобур шеърляти ва унинг бадий нафосати, “Бобурнома” асари қатор тадқиқотларда ўрганилган. Бу борада В.Зоҳидов⁸, А.Абдуғафуров⁹, М.Нуриддинов¹⁰, Р.Воҳидов¹¹, М.Абдуллаева¹², Ҳ.Қудратуллаев¹³, А.Иброҳимов¹⁴, З.Холмонова¹⁵ ва бошқа олимларнинг ишлари диққатга сазовордир. “Бобурнома” асарининг нашри бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинган. Асарнинг илк нашри 1948-1949 йилларда босилди. Бу нашр икки қисмдан иборат бўлиб, ўзбек алифбосида, киши ва географик номлар кўрсаткичи, тўлиқ луғат, баъзи бир қисқа изоҳ ва таржималар иловаси билан босилган. Шундан кейин “Бобурнома”нинг тўлиқ матни 1960 йили қайта нашрга тайёрланиб чоп этилган. Кейинги нашр Порсо Шамсиев томонидан тайёрланиб, 1990 йилда нашр этилди. 2002 йили Саидбек Ҳасанов томонидан “Бобурнома” қайта

⁴ Ёкубов Ҳ. Бобир. – Т., 1941; Ёкубов Ҳ. Улуғ шоир ва адиб // Қизил Ўзбекистон, 26 декабр, 1940; Шайхзода М. Заҳириддин Бобир // Гулистон. 1940. №1; Шайхзода М. Бобир ва Навоий // Қизил Ўзбекистон, 26 декабр, 1940; В.Зоҳидовнинг “Ўзбекистон маданияти” газетасининг 1958 йил 12 апрел сониди босилган “Бобурнинг адабий фаоляти”, “Шарқ юлдузи” журналининг 1958 йил 11 сониди босилган “Бобурнинг фаоляти ва адабий илмий мероси ҳақида” мақолалари.

⁵ Ўзбек адабиёти хрестоматияси. 2 том. Тузувчи Олим Шарафиддинов. – Т., 1945; Ўзбек поэзияси антологияси. Сўзбоши муаллифи: Ойбек. – Т., 1945. Ўзбек поэзияси антологияси. Сўзбоши муаллифи: Ойбек. – Т., 1948; навоий замондошлари. Тўплам. – Т., 1948.

⁶ Алиев Саид. Бобир лирикаси. Номзодлик диссертацияси, – Т., 1948

⁷ Джамалов С. О художественных особенностях “Бабурынаме”. Дисс. канд. фил. наук. – Т., 1961; Атаджанов Н. Художественный перевод и научное комментирование (на материалах “Бабурынаме”) Дисс. канд. фил. наук. – Т., 1978; Ходжаева А. Проблемм перевода: Характер, стиль и интерпретация текста “Бабурынаме”. Дисс. канд. фил. наук. Т., 1986; Шукруллаева С. Воссоздание художественного своеобязия “Бабурынаме” в его английских переводах. Дисс. канд. фил. наук. – Т., 1989; Ҳасанов Ҳ., Заҳириддин Мухаммад Бобур ва унинг географик мероси. – Т., 1966; Азимжонова С. А. Ферганский удел Омара-Шейха и Бабура (в XV и начале XVI вв). Канд. дисс. – Т., 1949; Государство Бабура в Кабуле и Индии. Докт. дисс. – Т., 1969; К истории Ферганм второй половинш XV века. – Т., Фан, 1957; Ред. и предисловие в книге “Бабурынаме”. Записки Бабура. – Т., 1958; Государство Бабура в Кабуле и в Индии (монография). – М., 1977; Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисоласи” асари. – Т., Фан, 1971.

⁸ Зоҳидов В. Ўзбек адабиёти тарихидан – Т., 1961.

⁹ Абдуғафуров А. Навоий ва Бобур (Буюк бешлик сабоклари) – Т., 1998.

¹⁰ Нуриддинов.М. Бобурийлар сулоласи. – Т.: Фан, 1974.

¹¹ Воҳидов Р. Биз билган ва билмаган Бобур. – Т., 2001.

¹² Абдуллаева М. “Бобурнома” ва “Шажараи турк”нинг киёсий поэтикаси. □ Т., 2002;

¹³ Қудратуллаев Ҳ. “Бобурнома”нинг тарихий адабий ва услубий таҳлили (Навоий, Бобур, Хондамир ва Восифий ижодининг киёсий таҳлили) докторлик дисс. – Т., 1998. “Бобурнома” ва тарих. // Тафаккур. 2001. №6.

¹⁴ Иброҳимов А. Бобурийлар мероси. – Т., 1993. “Бобурнома” буюк асар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. “Бобурнома”даги ҳиндча сўзлар тадқиқи. Номзодлик дисс. – Т., 2001.

¹⁵ Холмонова З. “Бобурнома”нинг айрим лексик хусусиятлари. – Т., 2003. Холмонова З. “Бобурнома” лексикаси. – Т.: Фан, 2007.

нашрга тайёрланиб чоп этилди. 2008 йилда эса Ваҳоб Раҳмонов ва Каромат Муллахўжаевалар томонидан “Бобурнома”нинг бугунги ўзбек тилига табдил қилинган варианты нашрдан чиқди.

Бироқ, Бобур ва тасаввуф адабиёти, хусусан, унинг нақшбандийлик тариқати ҳамда унинг йирик вакили Хожа Аҳрор Валийга бўлган муносабатлари ҳали етарлича тадқиқ қилинмаган. “Мубаййин” асари ҳам энди тадқиқ этила бошланди. Шунингдек, “Бобурнома” асарининг ҳам ўрганилмаган ва тадқиқ этилмаган томонлари талайгина. Мазкур ишимизда “Бобурнома” асари структурал метод талаблари асосида илк бор таҳлилга тортилмоқда.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади асарнинг сюжет ва композицион жиҳатини структурал метод асосида таҳлил қилишдан иборат. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда унинг олдида қуйидаги вазифалар қўйилди:

- асар структурасини муаллиф назарда тутган таркибланиш тамойиллари асосида ўрганиш;
- асарнинг мураккаб сюжетини воқеалар такомиллини уларда муаллиф образи нуктаи назаридан тадқиқ этиш;
- асар композициясини структурал метод талаблари асосида таҳлилга тортиш;
- “Бобурнома” сюжети ва композициясида образлар тизимининг ўрнини аниқлаш.

Тадқиқот манбаи сифатида “Бобурнома” асарининг Саидбек Ҳасанов томонидан 2002 йилги нашри олинди ва зарур ўринларда япон олими Э.Мано томонидан тайёрланган танқидий матнга мурожаат этилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. “Бобурнома” асарини структурал поэтика талаблари асосида ўрганиш орқали асар матнининг структурал қурилишини, асар структурасининг таркибланиш тамойиллари, асар сюжетидаги воқеалар ўрни ва такомиллини ҳамда улар орқали муаллиф дунёқараши, бадиий дунёси ва илмий қарашларини, шунингдек, асар

композициясини структурал метод талаблари асосида тадқиқ этиш ишнинг илмий янгилигини ташкил қилади.

Тадқиқотнинг таркиби. Магистрлик диссертацияси кириш, 3 боб, 7 фаслдан иборат асосий қисм, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I боб. “Бобурнома” ва структурал таҳлил имкониятлари

1.1. Мумтоз матнларнинг структурал таҳлили

Бадий асарни ҳар жиҳатдан пухта таҳлил қилиш зарурати турли хил методларнинг юзага келишига асос бўлган. Ана шундай таҳлил турларидан бири структурал таҳлилдир. Структурал метод бадий асарнинг ички қурилиши, ундаги қисмлар ва уларнинг ўзаро алоқалари, қисмларнинг бутунликка бирикиш йўллари, хуллас, асарнинг ташкилланишини ўрганади. Структурал таҳлил усули аниқ фанлардаги таҳлил йўналишини сўз санъати намуналарига татбиқ этиш асосида юзага келган бўлиб, ўзбек адабиётшунослигида нисбатан кам ўрганилган ва оммалашмаган усуллардандир.

Бадий асарга яхлит “тирик организм” сифатида ёндашиш XX аср адабиётшунослиги эришган муҳим ютуқлардан ҳисобланади. Шундай экан, ўша тирик, жонли бадий асарни яхлит ҳолда тушуниш, унинг ҳеч бир қисми ёки жиҳатини ажратиб олиб таҳлил қилишни ният қилмайди. Шунинг учун ҳам бадий асарга ёндашишда тизимли суратда уни жиддий илмий таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқади.

“Структурал метод” – таркибий ўрганиш асосига қурилгани учун дастлаб ўзи яхлит бадий асарнинг таркибий жиҳатларини белгилайди, улар илмий тилда “сатҳ”лар деб юритилади. Сўнгра ўша сатҳларни бир-бири билан боғлаб турган адабий воситалар ўрганилади, ва ниҳоят, ўша қисмларни ўзаро туташтириш жараёнида ёзувчи (адиб) амал қиладиган ижодий қонуниятларни аниқлайди.

Таҳлил объекти бадий матн бўлса ҳам бу ўринда тадқиқотчини ўша матннинг юзага келиш сабаблари ёки бадий асарнинг ёзилиш тарихи қизиқтирмайди, балки тугалланган асар ёки матн билан иш кўрилади. Иккинчидан, китобхон томонидан ўша асарни қабул қилишдаги экспрессив ёки импрессив ҳолатлар ҳисобга олинмайди, балки ўша матн таҳлилида амал қилинадиган усул, услуб ва қонуниятлар ишлаб чиқишни

назарда тутати. Шундан келиб чиққан ҳолда структурал таҳлил методи биргина асар ёки матнни ўрганиш учунгина эмас, балки, умуман, бадиий асар таркибини ўрганишга ва унинг илмий таҳлил асосида тадқиқ этиш бўлган жиҳатларинигина ўрганади.

Структур таҳлил илдизлари дастлабки мифлар ва уларнинг талқини билан боғлиқ. Француз структуралисти Клод Леви-Стросс структур талқин учун асос берувчи метафорик тафаккур илдизини (“Ёввойининг фикри”, “Мифологик” каби ишларида) мифологик тафаккурда кўради. Унингча, тафаккур ўзига хос жиҳатига кўра (хиссий босқичдаги фикр, ўз мақсадига эришиш йўллари билан, унсурларнинг маиший танловини қайта таснифлаш орқали в. б.) дастлабки пайтларданоқ рационал бўлган, тасниф ва таҳлилга қобилиятли ва “неолит техник инқилоби” учун интеллектуал база саналган. Шунинг учун ҳам Леви-Стросс мифик тафаккурнинг чуқур метафорик характерини кузатишни, муайян ўзгаришдаги “хабар”, “код” ва “арматура”нинг бир сюжетларни бошқаларининг метафорик трансформацияси сифатида ўзгаришини таълиф қилади¹⁶.

Дастлаб лингвистикада вужудга келган ушбу метод, кейинчалик адабиётшунослик методлари ичида ўзига хос ўринга эга бўлди. Структурализмнинг адабиётшуносликдаги илк куртаклари рус формал мактаби намояндалари – В.Шкловский, Ю.Эйхенбаум, Ю.Тиньянов В.Жирмунский ва бошқалар фаолиятида юз кўрсатган бўлса, рус тадқиқотчи В.Я.Пропп дастлаб 1928 йилда чоп этилган “Сеҳрли эртак морфологияси” китобида биринчилардан бўлиб сеҳрли эртакларни ўрганишда структур таҳлил методини қўллади.

В.Я.Пропп ўз тадқиқотини эртакларни тасниф, яъни класификация қилишдан бошлади. Кўплаб эртаклардаги ўхшаш мотивларни аниқлаш, ҳар бир мотивнинг мазмун-моҳиятини аниқ белгилаб чиқиш натижасида эртак шаклига оид қонуниятлар кашф этилди. Унинг фикрича, тасниф

¹⁶ Мелетинский Е. М. Возникновение и ранние формы словесного искусства // История всемирной литературы. Т. 1. - М.: Наука, 1983. - С. 29.

тадқиқотнинг биринчи ва муҳим босқичидир. Шу сабабли ҳам аниқ қилинган тасниф ишнинг бошқа босқичларига ҳам мадад беради.

Кейинчалик структур адабиётшунослик маркази Францияга кўчиб, унинг ривожини Р.Якобсон, Р.Барт, Ц.Тодоров каби олимлар фаолияти билан боғлиқ ҳолда кечди. Шунингдек, структур адабиётшунослик ривожига Ю.М.Лотман бошчилигидаги Тарту (Эстония) илмий мактабининг ҳам катта хизмати бор.

Структурализм ва структур таҳлил хусусида олимларнинг турли хил қарашлари мавжуд. Хусусан, Ролан Барт структурализмни фаолият деб ҳисоблайди. У “Структурализм фаолият сифатида” мақоласида структурализмнинг ишлаш жараёни, бу жараёнда тикланадиган моделнинг объектни чуқур ва ҳар тарафлама ўрганишдаги роли борасида мураккаб, аммо аниқ фикрларни олга суради: “Ҳар қандай структурал фаолиятнинг, рефлексив ёки поэтик бўлишидан қатъи назар, мақсади “объект”ни шундай қайта ярата олиши керакки, бундай қурилмада ушбу объектнинг функционал қоидалари акс этсин. Шундай қилиб, структура бу, моҳиятан, предметнинг аксланиши бўлиб, бундай аксланиш муайян мақсадга йўналтирилган бўлади, предмет моделида кўзга ташланмаган ҳеч нарса, ёки агар мумкин бўлса, моделлаштирилаётган предметнинг тасаввур қилинмаган ҳеч бир жабҳаси қолмаслиги керак”¹⁷.

Ролан Барт ўзининг “Танқид ва ҳақиқат” (*Critique et vérité*, 1966) рисоласида бадий асарни муайян контекстга солиб, унга муайян маъно-мазмунга доир нисбат беришга ҳаракат қилган адабий танқид ҳамда маъно-мазмуннинг шартлари, расмона қабул қилинган тузилиш, бадий матнни ташкил қилувчи концепция ва ушбу матнни талқин қилиш кўламини аниқловчи поэтика ёки адабиёт ҳақидаги фан ўртасида катта фарқ ўрнатди.

Ролан Барт фикрича, “... адабиётшунослик бадий асарда айнан қайси маънони ахтаришни кўрсатишга мўлжалланган дегувчи фикр билан

¹⁷ Болтабоев Ҳ. Адабиётшунослик ва структурал методлар. Ўқув-услубий мажмуа. -Т., 2012.

хайрлашиш лозим: у бадий асарга ҳеч қандай маъно “бағишламайди”, унда маъно аниқлашгача бормайди ҳам. Аксинча, у ҳар қандай маъноларни вужудга келтириш мантиғини таърифлайди. Ўз ўрнида, таърифланган мантиқ, худди французча ибора ва сўзлар французларнинг тилига қандай мувофиқ келса, инсоннинг рамзий мантиғига ҳам худди шундай тўғри келади”¹⁸.

Структурализм тарафдорлари матнни ўзига хос “ёпик система” сифатида кўриб чиқарканлар, унда асосий ўринни ташқи дунёни акс эттириш эмас, балки структура, яъни таркибий қисмларнинг ўзаро ҳаракати, мазкур системанинг белгилари ўртасидаги муносабатлар, уларнинг бир-бирини тақозо этишлари эгаллайди. Шундай экан, тадқиқотчилар асосли равишда барча тилшунос ва адабиётшунослар қўллаган “*ичида / ташқарида*”; “*бор бўлмоқ / йўқ бўлмоқ*”; “*ижобий қаҳрамон / салбий қаҳрамон*”; “*эркакларга хос / аёлларга хос*”; “*устки қисм / пастки қисм*”; “*мутассил / муваққат*”; “*оқ / қора*”; “*ёруғлик / қоронғилик*” каби “бинар оппозиция”, ёки бошқача қилиб айтганда, қарама-қарши жуфтликларга мурожаат қилишади.

Бу ерда структурализмнинг пойдеворини ташкил қилувчи “Муаллиф ўлими” концепцияси хусусида тўхталиб ўтиш жоиз. Аслида, “Муаллиф ўлими” (*La mort de l'auteur*) Р. Бартнинг 1967 йилда нашр қилинган эссесининг номидир¹⁹. Унда муаллиф анъанавий танқидчиликка қарши фикр билдиради. Аниқроқ қилиб айтганда, анъанавий танқидчиликда муаллифнинг ижодий нияти ва биографияси матн талқинига қўшилишини танқид остига олиб, Барт ёзилган нарсга ва ёзувчи ўртасида ҳеч қандай алоқа мавжуд эмас, уларнинг ўртасида муносабат йўқ, деган фикрни илгари суради. 1968 йил “*Manteia*” журналининг 5-сонида қайта эълон қилинган ушбу эссе адабиётшунослик ва танқидчиликда катта шов-шув

¹⁸ Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика / Пер. с фр., вступ. ст. и коммент. Г.К. Косикова. – М.: Прогресс, 1989. – с. 360.

¹⁹ Барт Р. Смерть автора / Барт Р. Избранные работы: Семиотика. Поэтика. / Пер. с фр., вступ. ст. и коммент. Г.К. Косикова. – М.: Прогресс, 1989. - с. 384-391.

кўтарилишига сабаб бўлди²⁰. Р.Барт ушбу эссесиди таниқли адабиётшунослар, бадиий асарни таҳлил қилишда асосий диққат-этиборни муаллиф шахсиятига қаратишган Гюстав Лансон (*Gustave Lanson*, 1857–1934) ва Шарл Огюстен де Сен-Бёв (*Charles Augustin de Sainte-Beuve*, 1804–1869) ларнинг назарий қарашларига қарши чиқиб, улар билан баҳсга киришади.

Ролан Барт, бадиий асарнинг мазмун-моҳиятини очиб беришда муаллифнинг сиёсий қарашлари, диний этиқоди, этник мансублиги, психологияси, таржимаи ҳоли ва шахсий хислатлари каби жиҳатларга таянган танқидий методни қораларкан, асосий этиборни матнни “тушунтириб бериш”да муаллифнинг тажрибаси ва қизиқишлари ҳал этувчи аҳамиятга эга эканлигини ёқлаб чиқади. Барт фикрича, ушбу метод аниқ ва қўлай, бироқ амалда ишончсиз ва талай камчиликларга эга: “Матнни муаллиф ёзди” деб уни шунга мос равишда талқин қилиш “матнга чеклов қўйиш” демакдир. Матнни тўғри талқин қилиш мақсадида ўқувчилар бадиий асарни муаллифга этибор бермаган ҳолда ўқиб чиқишлари лозим”²¹.

Шубҳасиз, ҳар бир матн бир нечта қатлам ва маънолардан иборат. “Матн – шахсий тажрибадан эмас, балки беҳад кўп маданиятлардан олинган сўзлардан тўқилган мато”, деб Барт матн ва мато ўртасида ўхшашлик жиҳатларни аниқлайди²². Матннинг асосий маъно-мазмунни ёзувчининг “иштиёқ”и ёки “таъб”ига эмас, ўқувчилар таассуротига боғлиқдир.

Структурализм ва структур адабиётшунослик моҳиятини ташкил қилган матн муаммоси талқинини Ю.Лотман қарашларида ҳам кўришимиз мумкин.

²⁰ Barthes, R. La mort de l'auteur // Manteia, 1968. № 5.

²¹ Барт Р. Смерть автора / Барт Р. Избранные работы: Семиотика. Поэтика. / Пер. с фр., вступ. ст. и коммент. Г.К. Косикова. – М.: Прогресс, 1989. – с. 386.

²² Ўша манба, 385-бет.

Рус адабиётшуноси Ю.М. Лотманнинг таъкидлашича, матн “шубҳасиз, гуманитар туркумга кирувчи фанларда энг кўп қўлланиладиган атамалардан биридир. 1970-йиллар бошида Ю.М. Лотман назарий поэтика муаммолари хусусида фикр юритаркан, жумладан шундай ёзган эди: “Матн ва бадиий асар – бир хил нарса дегувчи фикрдан қатъиян воз кечиш лозим. Матн – бу бадиий асарнинг таркибий қисмларидан бири, бадиий таассурот, умуман олганда, матнни ҳаётий ва ғоявий-эстетик тасаввурларнинг мураккаб комплекси билан қиёслагандагина вужудга келиши мумкин”²³.

Рус адабиётшуноси В.С.Баевский фикрича, “Бадиий асар структураси – бу ўзига хос ноёб “тузилма”, бадиий матн элементларининг ўзаро муносабати, бинобарин, улардан биттасининг ўзгариши бошқаларининг ўзгаришига ҳам олиб келади”²⁴.

Демак, матн структураси – бу матн мазмуни намоён бўлишининг шакли, унга муайянлик, қатъий тартиб, қисмларга бўлиниш ва яхлитлик хосдир. Таркибий қисмларининг ўзаро боғланиши жиҳатидан *оддий*, *мураккаб*, *ўта мураккаб* матнлар ажратилади. Шунингдек, матннинг *ички* ва *ташқи* структураси кузатилади. Бундан ташқари матннинг тилга оид турли структуралари мавжуд:

- а) *морфологик, синтактик, лексик, сўз ясовчи*;
- б) *ассоциатив*;
- в) *мантиқий*;
- г) *композицион*;
- д) *концептуал* ва ҳоказо.

Матн структурасининг негизини ташкил қилувчи тамойиллар сифатида:

- а) умумий маънони ташкил этувчи тамойил;

²³ Лотман Ю.М. О поэтах и поэзии: Анализ поэтического текста / Ю.М. Лотман; М.Л. Гаспаров. – СПб.: Искусство–СПб, 1996. – с. 24-25.

²⁴ Баевский В.С. Структурализм // Литературный энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1987. – с. 426-427.

- б) муаллифнинг бадиий нияти;
- в) муаллиф образи кўриб чиқилади.

Мумтоз матнлар бошқа матнлар куршовида, улар билан ўзаро таъсир, ўзаро боғлиқлик, ўзаро алмашинув, ўзаро бойитиш, бир-бирини тақозо этиш, бир-бирига сингиб кетиш доирасида ҳаракатланади. Мумтоз матн ўз ичига узоқ ва яқин ўтмишда яратилган асарларнинг матнларини қамраб олади, шунингдек, бошқа матнлар ичига ҳам анланган ёки анланмаган ҳолда қўшилиб кетади. Бундан ташқари, матннинг динамик (ўзгариш, ривожланиш суръати, ҳаракат ва ўзгаришларга мойиллик) хусусияти тадқиқотларда ўз исботини топган, яъни матн – бу муаллиф асосий ғоя ва фикрининг амалга оширилишга ҳамда адресант ва адресат ўртасида муносабат ўрнатишга йўналтирилган, тўхтовсиз ҳаракатланаётган, ривожланаётган тизимдир. Ҳаракатланиш, ривожланиш хос бўлган матнни, қайсидир бир жиҳатдан жонли организм билан таққослаш мумкин. Шундай фикрлар ҳам борки, матнларнинг жонли дунёси инсон дунёсига параллель равишда азалдан яшаб келмоқда. Бироқ, айти пайтда, матн мустаҳкам истехком, барқарор қурилмадир. Матн ҳошиялар ўртасидаги маконда мустаҳкам ўрнашиб олган.

Француз постструктурализмнинг йирик вакили, деконструкция назарияси асосчиси Ж.Деррида берган интервьюларидан бирида: “Мен учун матн чексиз. Бу мутлақ бутунлик. Матндан ташқарида ҳеч нарса йўқ. Матн – оддийгина нутқий ҳаракат эмас, қолаверса, тил ва нутқнинг бир шакли ҳам эмас. Фараз қилайлик, мен учун стол – бу матн. Мен ушбу столни қандай қилиб идрок қилсам, уни қай даражада тушунсам, шундайлигича идрок қиламан; у ўз-ўзидан мен учун матндир”²⁵, деган эди. Кўринадики, инсон идрок қилган жамики нарса (ҳодиса, воқеа, хусусият, предмет, белги, ҳаракат ва ҳоказо) лар бу ерда Матн деб номланади.

²⁵ Интервью с Жаком Деррида // *Arbog Mundi / Мировое древо*, 1992. Вып. 1. – М.: Мировое Древо, РГГУ ИВГИ. – с. 74.

Шу билан бирга объектив воқеликда, реал ҳаётдаги мавжуд барча нарсаларнинг умумий йиғиндиси, мажмуаси ҳам “матн” деб номланиш тенденцияси мавжуддир. Масалан, Тарту-Москва семиотика мактаби вакили Р.Д.Тименчик ўз вақтида: “Бизнинг ҳаётимиз матн бўлмаса, унда нима?”²⁶, дегувчи саволни кўндаланг қўймаганида, эҳтимол, матн назариясининг асосий ғояси бугунги кунда ҳам тушунилмаган бўлар эди.

Ҳақиқатдан ҳам, XX аср охирида матнни чегара билмас структурадек тушуниш филология илмида мустаҳкам ўрнашиб олди. Р.Бартнинг “филология кашфиёти” мақомини олган тадқиқотлари, унинг ҳамфибри ва издоши Ж.Дерриданинг тилшунослик ва адабиётшуносликка доир тадқиқотлари – бунинг яққол мисолидир. Филолог ва эссеавис Ж.Деррида бадиий матн ва бадиий асарни бир-бирига қарама-қарши қўяркан, улар ўртасида қатъий, бузиб бўлмас чегарани ўрнатади. Классицизм тамойилларига асосланган, яъни модернистик бўлмаган, аниқ маъновий негизга эга ҳамда муаллиф позициясини ўзида мужассам этувчи асарлар матнига Ж.Деррида ётсираб қарайди, уларга истехзоли муносабатда бўлади. Р.Барт фикрича, классик матн ҳийла-найранг ва нозишвали муносабатлар, шунингдек, муғомбирлик ва айёрона ҳаракатларни тасвирлашга мойиллигини намоиш қилади, модомики, ҳеч қандай асосга эга бўлмай туриб, шубҳасиз аниқ, мукаммал, бир бутун яхлит шакл тарзида намоён бўлади. Қолаверса, бу борада Бартнинг унданда кескин, заҳарханда фикри бор: “...ҳаёт классик матнда бир-биридан кескин фарқ қилувчи сохта ва сунъий фикрлардан ҳосил бўлган қўланса ҳидли балчикқа, кўнгилни беҳузур қилувчи ювунди ўрага, чайланавериби сийқаси чиққан ҳақиқатлардан тўқилган, нафасни буғувчи куроқ кўрпага ўхшайди”²⁷.

²⁶ Тартуско-московская семиотическая школа глазами ее участников // Ю.М. Лотман и тартуско-московская семиотическая школа. М., 1994. - с. 301.

²⁷ Барт Р. S/Z. М., 1994. с. 227.

Ролан Барт таъкидлаганидек, замонавий матнларда тил “гапиради”. Бу ерда персонаж ва муаллиф овозлари учун жой йўқ. Муайян позиция соҳиби бўлмиш Муаллиф ўрнига Скриптор (“ёзаётган киши” маъносида) келади, у фақат ёзув жараёнида пайдо бўлади, матн ёзилганидан сўнг ном-нишонсиз йўқолади. Бу каби Матн асарни бутунлай “майдондан четлатади”. Бундай Матн негизини кимнингдир (шахсий) нутқи эмас, балки ўқувчи, шу жумладан адабиётшуносга ҳам, бир олам хурсандчилик етказувчи, ҳузур-ҳаловат бағишловчи ўйин шаклидаги (шахссиз) ёзув ташкил қилади. Барт наздида, “Матн ўқувчисини беташвиш, шодон одамга ўхшатиш мумкин; у матн бўйлаб сайр қилади”²⁸.

Айни пайтда, матн азалдан ўзига хос бўлган барқарорлик, ички мувозанат, структуравий қисмларнинг ўзаро тенглиги, уйғунлиги ва изчиллиги каби муҳим хусусиятларни йўқотади. Эндиликда у ҳар бир янги ўқилишда, ҳар бир янги идрок қилинишда янгитдан пайдо бўлувчи, бутунлай ўқувчига тегишли, унинг изму ихтиёридаги ва муаллиф иродасига қарамасдан ҳар сафар янгитдан яратилаётган Матндек намоён бўлади.

Бизнингча, асрлар оша шаклланиб, такомиллашиб келаётган илмий ва бадиий анъаналар билан алоқани узишга тайёр бўлмаган фан учун, “матн” атамасини хоҳлагунича, бировнинг таъбига қараб ўзгартириш, вужудга келган вазиятга мослаштириб “авра-астарини ағдариш” мақсадга номувофикдир. Шу сабабли ҳам мумтоз матнларимизни ўрганиш ва тадқиқ этишда бемалол давом этаверсак бўлади. Сабаби биздаги мумтоз матнлар Р.Барт таъкидлаган, “сохта ва сунъий” фикрлардан ҳосил бўлмаган, аксинча, йиллар давомида шаклланиб, ўз даражасини янада баланд кўтарган, ўз номи билан мумтоз матнлардир.

Ўзбек адабиётида структур адабиётшунослик назариясига оид ишлар саноклигина. Сабаби адабиётшуносликнинг бу таҳлил йўналиши бизнинг

²⁸ Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика / Пер. с фр., вступ. ст. и коммент. Г.К. Косикова. – М.: Прогресс, 1989. – с. 417, 515.

адабиётшунослигимизда нисбатан янги соҳадир. Бу йўналишда И.Ёкубов “Структурал поэтика имкониятлари²⁹”, А.Расуловнинг “Структура ва структурализм³⁰”, С.Мелиевнинг “Структурализм ва структурал таҳлил ҳақида³¹” ва “Янги танқид: Ғарб адабиётшунослигидаги бир оқим ҳақида³²”, М.Холбековнинг “Ролан Барт ва структур адабиётшунослик³³” “Матн, интерматн, интерматнлилик³⁴” каби мақолалари эътиборга молик. Мазкур мақолаларда структурализм ва унинг айрим назарий муаммолари ҳақида сўз юритилади. Ҳар бир муаллиф мақоласида структурализм ва структурал методнинг ўзига хос жиҳатлари, кенг ва тор маънолари илмий асосда шарҳланган, шунингдек, структурализм тушунчаси, унинг фалсафий, илмий, бадиий-эстетик ҳодиса сифатидаги хусусиятлари тадқиқ этилган.

А.Расулов структурализмга ихчам тарзда қуйидагича таъриф беради: “Бадиий асар ўзига хос микромир: санъаткор асар воситасида олам-олам фикрларни билдиради, ғояларни ифодалайди. Биз борлиқни қандай ўзлаштирсак, санъаткор матнини шунчалик синчиклаб ўрганамиз. Ҳақиқий матн – система. Борлиқ тузилишида, инсон мучаси, аъзоларининг жойлашишида изчил таркиб, тартиб бўлганидек, бадиий асар матнида ҳам тартибли таркиб мавжуд. Аниқроқ айтсак, бадиий асар – бетакрор структура, система. Бу системани уқиш, ўзлаштириш йўриғи, йўсини, қонидаси структурализмдир. Структурализм мақсади адабий матннинг семиологияси – маънолар йўналиши, кўпқаватлигини англашдир. Структурализм мақсад-моҳиятини юзага чиқаришда асардаги муҳим маъно нуқталарини белгилаб олиш жиддий аҳамият касб этади”³⁵.

Ўзбек адабиётшунослигида ҳам кейинги йилларда структурализм ва структурал таҳлил имкониятларидан фойдаланган ҳолда асарларни таҳлил

²⁹ Ёкубов. И. Структурал поэтика имкониятлари. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2006, №3.

³⁰ Расулов А. Бадиийлик безавол янгилик. – Т., 2007.

³¹ Мелиев С. Структурализм ва структурал таҳлил ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2008. №2, 12-20-б.

³² Мелиев С. Янги танқид: Ғарб адабиётшунослигидаги бир оқим ҳақида. // Шарқ юлдузи. 2010. №4.

³³ Холбеков М. Ролан Барт ва структур адабиётшунослик. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2013, №2, 23-34 б.

³⁴ Холбеков М. Матн, интерматн, интерматнлилик. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2013, №6, 32-39 б.

³⁵ Расулов А. Бадиийлик безавол янгилик. –Т., 2007. 29-б.

қилиш ва структурал таҳлилнинг илмий-назарий асосларини очиб берувчи мақолалар эълон қилина бошланди. Бу жиҳатдан структурал методнинг танқид фаолиятида қандай намоён бўлаётгани, ўзбек танқидчилигида бу метод қандай самара келтириши мумкинлигини Ҳ.Болтабоевнинг “Теранлик”³⁶ мақоласи мисолида кўришимиз мумкин. Мунаққид мақолада Абдулла Қаҳҳорнинг “Анор” ҳикоясини структурал таҳлил қилишга киришар экан, мазкур методнинг афзал жиҳатини мафкуравий-социологик талқинни рад қилишида, “адабий матннинг бадиийлик хусусиятини унинг таркибини ўрганиш орқали” асослашга уринади.

Ҳ.Болтабоев “Анор” ҳикоясини биринчи жумласидан охириги жумласигача – асар матнининг таркибий қисмларини бирма-бир шарҳлайди. Натижада бадиий бутунликни – ҳикоянинг моделини “тиклайди”.

Шунингдек, ўзбек фольклоршунослигида Н.Дўстхўжаева томонидан ўзбек сеҳрли эртақларининг структурал таҳлили амалга оширилган³⁷.

Структурал таҳлилнинг моҳияти муайян асарнинг қайси замон, қандай тарихий ёки мафкуравий шароитда яратилганидан қатъи назар, унинг матнидан келиб чиқиб талқин этилиши айни шу асарнинг анъанавий талқинларидан мутлақо ўзгача хулосалар чиқарилиши билан изоҳланади.

Бадиий асарни структура нуқтаи назаридан текшираётганда икки турдаги структурани фарқлаш зарур бўлади: сиртки структура ва ички структура.

Бадиий асар, у хоҳ кичик ҳикоя, шеър ёки достон, хоҳ йирик ҳажмли роман бўлсин, қандайдир сиртки бўлинишларга эга бўлади. Кичик ҳикоя ҳеч бўлмас абзацлардан, шеър бандлардан, достон, қисса ва роман бўлим ва боблардан (ёки фақат боблардан), драма парда ва кўринишлардан

³⁶ Болтабоев Ҳ. “Теранлик”. / Адабиётимиз фахри кштобида. –Т., 2007. 202-214-б.

³⁷ Дўстхўжаева Н. Ўзбек сеҳрли эртақларининг структурал таҳлили. Фил.фан.номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т., 1998.

ташкил топади. Ушбу бўлақлар ўз ҳолича структур элементлар ҳисобланиб, бадиий асардаги воқеа ва ҳис-туйғу ҳаракати ҳамда сюжет ривожиди, яъни бадиий материалнинг тақдим этилишида муайян рол ўйнайди. Уларни бадиий асарнинг сиртқи структураси, деб аташ мумкин.

Бадиий асарнинг ички структураси асардаги воқеалар ривожиди, ундаги у ёки бу қаҳрамон хатти-ҳаракатидаги қонуний алоқадорликлар мажмуи бўлиб, уни аниқлаш учун асарга буткулқамров ва синчков нигоҳ ташлаш зарур бўлади.

Мумтоз матнларнинг структурал таҳлили асарларнинг анъанавий таҳлилидан фарқ қилган ҳолда, матн ичига кириб ва унинг структураси орқали англанаётган фикрнинг конкретлашувига хизмат қилади.

Бадиий матн таркибини изчил ўрганиш ва бадиий матн таркибидаги ички ва ташқи жиҳатларни тадқиқ қилиш, матннинг ички қурилиши, шакл ва мундарижа унсурларини аниқлаш матн структурасини аниқлашдаги дастлабки ишлардандир. Шунингдек, мундарижа таркиби – мавзу, ғоя, муаммо ва бадиий шакл элемент (унсур)лари – образ, сюжет, композиция ва бадиий нутқни таҳлил қилиш, ҳар бир поэтик элементнинг бадиий асар таркибидаги ўрнини аниқлаш зарур бўлади.

1.2. “Бобурнома” асарининг структураси

М.Ю.Лотман таъбири билан айтганда, адабиётнинг асосий таҳлил объекти матн ва унинг структурасидир. Бу мулоҳазадан структурал поэтика эҳтиёжи кун тартибига чиқади. Шу сабабли “Бобурнома” структурасини таҳлил қилишни мақсад қилдик.

“Бобурнома” асари структурал таҳлил имкониятларига тўлиқ мос кела оладиган йирик насрий асар, шунингдек, ўзбек бадиий адабиётининг нодир ёдгорлиги ҳисобланади. “Бобурнома”нинг асосий тасвир мавзуи тарихий воқеалардир. Бироқ, Бобур воқеаларни шунчаки санаб ўтиш ёки улар ҳақида маълумот бериш билан чекланиб қолмайди. У тарихий воқеалар манзарасини, тарихий шахсларнинг ташқи ва ички қиёфасини

моҳирона тасвирлаб, ёрқин ва ажойиб табиат лавҳаларини бетакрор бўёқлар билан ифодалаб беради. Шунингдек, муаллиф мароқли ва жозибали бадиий услуб билан турли хил саргузаштларни, ривоят ва латифаларни ҳикоя қилади, халқ ҳажвиёти, мақоллари ва таъбирлари, шеърӣ парчалар билан ўз асарини безайди. У турли хилдаги бадиий услуб ва тил воситаларидан ўринли фойдаланади.

“Бобурнома”даги воқеалар турли вазиятларда ва зиддиятлар орқали ривожланиб боради. Улар бир-бири билан ана шу воқеаларда бевосита иштирок этган Бобур сиймоси орқали боғланади, ўзига хос кульминация ва ечим касб этади. Мана шу хусусиятлари билан “Бобурнома” китобхонни завқ ва хаяжонга солади, уни ўзига бутунлай мафтун этади.

Ҳақиқатан ҳам, академик В.В.Бартольд айтганидек, “Бобурнома” фақат сиёсий курашлар хужжатигина бўлиб қолмай, XV асрдаёқ ҳаққоний равишда туркий насрнинг мумтоз реалистик намунаси деб танилган ёдгорликдир³⁸.

Бобур ўз ҳаётида учраган воқеаларни изчиллик билан тасвирлар экан, Фарғона, Мовароуннаҳр ва Хуросонда XV асрнинг охири ва XVI аср бошларида яшаган йирик давлат арбоблари, темурий ҳукмдорлар, бек ва амалдорлар, адиб ва шоирлар, мусаввир ва хаттотларнинг, кўплаб ўз замондошларининг ташқи қиёфалари, ҳатти-ҳаракатлари, феъл-атворини, иш ва амалларининг муҳим ва алоҳида хусусиятларини, уларнинг жамият ҳаётида тутган мавқеини ҳам батафсил акс эттиради.

Лекин, у ўз сиймоси ва хулқ-атворининг белгиларини, бошқаларники каби, бирор ўринда ҳам бирма-бир санаб кўрсатмайди. Биз Бобурни асарда тасвирланган барча воқеаларнинг фаол иштирокчиси сифатида учратамиз. У баъзан жанглар гирдобиди, баъзан узоқ давом этган сарсон-саргардонликларга тўла юришларда, баъзан ижод оғушида, адабий суҳбатларда, баъзан базмлар ва кайфу сафо мажлисларида, ёр-дўстлари

³⁸ Бартольд В. В. История культуры мусульманства. – С.Петербург. 1918.

билан ўтказилган хушчақчақ ҳазил-мutoйибага бой ўтиришларда, ов маҳалида, баъзан бинокорлар, тошйўнарлар билан суҳбатда ва бошқа турли-туман ҳолатларда кўзга ташланади. Буларнинг барчасида у ўзининг ғалаба ва мағлубиятлари, ютуқ ва камчиликлари, донолик ва хато-янглишлари, кураш ва фароғатлари, шодлик ва изтироблари, мардлик ва марҳаматлари, кувноқлик ва умидсизлик кайфиятлари билан намоён бўлади.

Бобур сиймосини белгилайдиган хусусиятлар орасида унинг темурийлар салтанатини сақлаб қолиш, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам давлат тузишга бўлган саъй-ҳаракатлари алоҳида кўзга ташланади. Бу курашларда у мард ва жасоратли, узоқни кўзлайдиган арбоб ва моҳир саркарда сифатида кўринади.

Бобур ёшлигидан кўлга қилич олишга мажбур бўлиб, ҳарбий санъатни ҳаётнинг машаққатли мактабидан ўрганади ва уни мукаммал эгаллайди. У жангларда ўзининг ботирлиги ва матонати билан атрофидагиларга шахсан намуна кўрсатади, жангчиларни ғалабага руҳлантиради.

“Бобурнома” асари фаннинг турли соҳалари ҳақида кенг маълумот берувчи асардир. Бу асар, энг аввало, бадий асар сифатида, ўзбек насрининг гўзал намунасидир. “Бобурнома” эпик турнинг мемуар жанрига мансуб асардир. Композицион пухталиқ, ўткир сюжет, кучли характерлар, бадий бўёкнинг сержило экани китобхонни ўзига жалб этади. Сюжет йўналишдаги воқеа ичига воқеа киритиш, воқеани қизиқ жойида тўхтатиб, бошқа воқеалар тафсилотларини бериш, сюжет тараққиётини пухта далиллаш сингари фазилатлар ибратлидир. “Бобурнома” тарихий фактлар асосида бадий сюжет яратишнинг ибратли намунасидир. Асарда жуда кўп тимсоллар берилган бўлиб, муаллиф уларнинг кўпларини характер даражасига олиб чиқиб, мукаммал тасвирлайди. Умаршайх, Ҳусайн Бойқаро, Навоий, Шайбоний сингари характерлар китобхонда катта кизиқиш уйғотади. Асарнинг бош қаҳрамони Бобурнинг ўзидир. Унинг

гўзал характери асарда тўлақонли ўз ифодасини топган. “Бобурнома”да бирор воқеа ҳақида сўз борар экан, аввало, воқеа кечадиган жой ҳақида атрофлича, чуқур маълумотлар берилади. Жойнинг жўғрофий ўрни, ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёси, иқлими, одамларнинг яшаш тарзи сингари масалалар изчил ёритилган. Асар билан танишар эканмиз. Андижон, Самарқанд, Кобул, Агра сингари шаҳарларнинг XVI аср ҳолати ҳақида батафсил маълумотларга эга бўламиз. “Бобурнома”да илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлларига ҳам катта ўрин берилган. Бобур Навоий, Жомий, Биноий, Муҳаммад Солиҳ, Сайфи Бухорий, Мир Хусайн Муаммоий, Шайхим Сухайлий, Юсуф Бадеий, Аҳмад Хожибек, Беҳзод, Султон Али, Хожа Абдулло Марворий, Музаффар, Ғулом Шодий, Ҳусайн Удий ва бошқа бир қатор шоирлар ва санъаткорлар ҳақида маълумот беради, уларни мақтайди, асарларидан намуналар келтиради, ўрни келганда асарларидаги айрим камчиликларни ҳам айтиб ўтади. Шунингдек, ҳаёти, фаолияти ёки шахсий сифатлари ҳақида қизиқарли фактлар сўзлайди. “Бобурнома” бу кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда, уларнинг маданий ҳаётдаги ўрнини белгилашда жуда аҳамиятлидир. Масалан, Беҳзод ҳақида сўзлар экан, *“Мусаввирлардин Беҳзод эди, мусаввирлиқ ишини бисёр нозук қилди. Вале сақолсиз элнинг чехрасини ёмон очадур. Ғабгабини кўп улуг тортадур. Сақоллиқ кишини яхши чехракушойлиқ қиладур”*³⁹ дейди. Бобур бир қатор тарихий персонажларнинг бирор энг муҳим хусусияти ёки хислатини тасвирлаш билан ҳам китобхоннинг кўз ўнгида турли-туман кишиларни гавдалантиришга эришади. Масалан, у Муллозода Мулло Усмон ҳақида сўзлаб, *“Улугбек мирзо замонида ўн тўрт ёшида дарс айтгани учун, Мулло Модарзод дерлар экандурлар,... Андин манқулдур: дер эрмиш, киши бир ниманиким эшитти, Яна нечук унутар. Қавий ҳофизаси бор экандур”*⁴⁰,

³⁹ Заҳриддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”. –Т.: “Шарқ” НМАК, 2002, 139-б (Асардан олинган парчалар бундан кейинги ўринларда “ўша асар” тарзида берилади).

⁴⁰ Ўша асар. 136-б.

деб, ёш тиришқоқ ва хотираси ўткир бир олимни гавдалантиради; “... *агар икки хариф учраса, бири била шатранж ўйнаб, Яна бирининг этагини тутуб ўлтурур экандурким, кетмагай деб*⁴¹” уста ва ишқибоз шахматчи Мир Мумтозни тасвирлайди; шунингдек, икки қўллаб, балки бутун вужуди билан шахмат ўйновчи Зуннунни; Ўш тасвирида тоғ тарафидан оқувчи бир ариқ хақида сўзлар экан, “*Ўш авбошининг зарофати будурким ҳар ким анда уйқуласа ул жўйдан сув қуярлар*⁴²” деб Ўшнинг ҳазилкаш, шўх йигитларини гавдалантиради. Масалан, Андижон шаҳри таърифи билан танишамиз, Ўш шаҳри билан ораси 16 чақирим экани, ҳавосининг “уфунати” борлиги, кузда безгак кўп бўлиши, шаҳарга 9 тарнов сув кириши, деҳқонлар полиз бошида қовун сотмаслиги, ов қушлари семиз бўлиши каби маълумотларни оламиз. Жой ҳақидаги маълумотдан сўнг воқеа иштирокчилари ҳақида маълумот беради. Бунда ўша шахснинг насл-насаби, феъл-атвори, шакл-шамойили, аҳли-аёли, ўғил-қизлари, мансаб ва урушлари сингари маълумотлар берилади. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, Бобур тарихий воқеалар тасвирида ҳолис бўлишга ҳаракат қилади. Отаси ҳақида бор маълумотларни берар экан, унинг кабутарга ишқивозлиги, гоҳ-гоҳ чоғир мажлиси қилиши, ҳатто қимор ўйнашигача тўғри ёзади. “Бобурнома”да аксар ўринларда Бобур ҳолис турса-да, баъзан ҳолисликдан чекинган ўринлар ҳам йўқ эмас. Бобур шахсига, унинг тахтига дахлдор масалаларда бу ҳол кўзга ташланади. Масалан, Абу Саид томонидан Навоийнинг Самарқандга сургун қилинишини ёзар экан, бунинг сабабларини ошкора айтмайди: “Билмам не жарима биландурким Абу Саид Мирзо Алишерни Ҳиридин Самарқандга ихрож қилди”. Ёки Самарқандни Шайбонийга топшириб чиқишни ёзганда, опаси Хонзодабегимни Шайбонийга хотинликка бериб чиққанини тан олиб ёзмайди. “Бобурнома” Мирхонднинг, “Равзот-ус сафо”, Хондамирнинг “Ҳабиб-ус сияр”, Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихий Рашидий” асарларига

⁴¹ Ўша асар. 137-б.

⁴² Ўша асар. 35-б.

қиёс қилинса, тарихий фактларнинг мўллиги, холислик, воқеаларни йилма-йил изчиллик билан берилиши, тилининг соддалиги, муқаддиманинг йўқлиги каби фазилатлари билан ажралиб туради.

Асар структурасини белгилайдиган омиллардан бири асар воқеаларининг хронологик жиҳатдан жойлаштирилишидир. Асар воқеалари давр жиҳатдан 35 йилни қамраб олади. Яъни Бобурнинг тахтга чиқиши билан бошланиб, вофотигача бўлган воқеалар тасвири берилади. Лекин бу йиллардаги воқеалар тасвирида ҳам узилишлар бор.

Воқеалари йилма-йил содир бўлгани учун, асардаги воқеалар занжири ҳам кетма-кетликда тасвирланади. Асар структурасида воқеаларнинг бу тарзда жойлаштирилиши ҳам жуда аҳамиятлидир. Шунингдек, воқеаларининг содир бўлиш жойи, яъни воқеалар географияси жиҳатдан ҳам асар ўзига хос тарзда ташкиллаштирилган. Яъни структура жиҳатдан 3 катта қисмга бўлинган: Фарғона, Кобул, Ҳиндистон. Ҳар бир қисмдаги воқеалар муаллиф назарда тутган мезонлар асосида ёритиб берилган. Шунингдек, муаллиф-қаҳрамон ҳаётининг шу жой билан боғлиқ бўлган воқеаларини акс эттирган. Лекин баъзи ўринларда воқеалар хронологиясида узилишлар, ортга қайтишлар учрайди. Бу муаллифнинг асарни бир вақтнинг ўзида ёзмаганидан далолат беради. Шунингдек, муаллиф ҳаётининг бир текисда кечмаганини англатади.

Юқоридаги фактлардан кўриниб турибдики, асар структураси жуда пухта. Ёзувчи асарда ўрни билан табиат манзаралари, гўзал жой манзаралари тасвири, шаҳар кишилари характери, урф-одатлари ва маросимларини ҳам бериб ўтади. Уч катта бўлимдан иборат бўлган бу асарда, Бобур бутун умрлик фаолиятини акс эттириб берган. Жанглار, сухбатлар, чоғир мажлислари, салтанат ташвишлари, харам, оилавий низолар, ака-ука, ака-сингил муносабатлари негизида темурийлар салтанатининг инқироzi ва янги қурилажак бобурийлар салтанати хусусидаги фикрлар баёни берилган.

Асар структурасида диологларнинг ўрни аҳамиятли ҳисобланади. Лекин “Бобурнома” матнига эътибор қаратадиган бўлсак, диологларлар у қадар кўп эмаслигига амин бўламиз. Асар саргузашт характерида бўлганлиги учун ҳам, воқеалар кўпроқ ҳикоя қилиш йўсинида боради ва кўпроқ муаллиф-қаҳрамон тилидан айтиб берилади. Муаллиф-қаҳрамон руҳий ҳолатини очишда эса, ички монологлардан фойдаланилади. Бу ҳолат эса асарнинг жуда кўп ўрнида учрайди.

I боб бўйича хулосалар

“Структурал метод” – таркибий ўрганиш асосига қурилгани учун дастлаб ўзи яхлит бадиий асарнинг таркибий жиҳатларини белгилайди, улар илмий тилда “сатҳ”лар деб юритилади. Сўнгра ўша сатҳларни бир-бири билан боғлаб турган адабий воситалар ўрганилади, ва ниҳоят, ўша қисмларни ўзаро туташтириш жараёнида ёзувчи (адиб) амал қиладиган ижодий қонуниятларни аниқлайди.

Структурализм тарафдорлари матнни ўзига хос “ёпик система” сифатида кўриб чиқарканлар, унда асосий ўринни ташқи дунёни акс эттириш эмас, балки структура, яъни таркибий қисмларнинг ўзаро ҳаракати, мазкур системанинг белгилари ўртасидаги муносабатлар, уларнинг бир-бирини тақозо этишлари эгаллайди.

Ролан Барт, бадиий асарнинг мазмун-моҳиятини очиб беришда муаллифнинг сиёсий қарашлари, диний эътиқоди, этник мансублиги, психологияси, таржимаи ҳоли ва шахсий ҳислатлари каби жиҳатларга таянган танқидий методни қораларкан, асосий эътиборни матнни “тушунтириб бериш”да муаллифнинг тажрибаси ва қизиқишлари ҳал этувчи аҳамиятга эга эканлигини ёқлаб чиқади. Барт фикрича, ушбу метод аниқ ва қўлай, бироқ амалда ишончсиз ва талай камчиликларга эга: “Матнни муаллиф ёзди” деб уни шунга мос равишда талқин қилиш “матнга чеклов қўйиш” демакдир. Матнни тўғри талқин қилиш мақсадида

ўқувчилар бадий асарни муаллифга эътибор бермаган ҳолда ўқиб чиқишлари лозим⁴³.

Рус адабиётшуноси Ю.М. Лотман назарий поэтика муаммолари хусусида фикр юритаркан, жумладан шундай ёзган эди: “Матн ва бадий асар – бир хил нарсa дегувчи фикрдан қатъиян воз кечиш лозим. Матн – бу бадий асарнинг таркибий қисмларидан бири, бадий таассурот, умуман олганда, матнни ҳаётий ва ғоявий-эстетик тасаввурларнинг мураккаб комплекси билан қиёслагандагина вужудга келиши мумкин⁴⁴”.

Ўзбек адабиётида структур адабиётшунослик назарияси ва амалиётига оид бир нечта тадқиқотлар олиб борилган. Бу тадқиқотлар мақола кўринишида бўлиб, бу таҳлил йўналишининг моҳиятини ёритиб берадиган ишлар ҳали амалга оширилмаган. Сабаби адабиётшуносликнинг бу таҳлил йўналиши бизнинг адабиётшунослигимизда нисбатан янги соҳадир. И.Ёқубов, А.Расулов, С.Мелиев, М.Холбеков каби олимлар структурал поэтиканинг назарий жиҳатларини тадқиқ этган бўлсалар, мазкур таҳлил методининг амалиётини Ҳ.Болтабоев, Н.Дўстхўжаева ишларида кўришимиз мумкин.

Асар структурасини белгилайдиган омиллардан бири асар воқеаларининг хронологик жиҳатдан жойлаштирилишидир. Биз таҳлилга тортган “Бобурнома” воқеалари давр жиҳатдан 35 йилни камраб олади. Яъни Бобурнинг тахтга чиқиши билан бошланиб, вофотигача бўлган воқеалар тасвири берилади. Лекин бу йиллардаги воқеалар тасвирида ҳам узилишлар бор.

Асар воқеалари кетма-кет содир бўлади. Асар структурасида воқеаларнинг бу тарзда жойлаштирилиши ҳам жуда аҳамиятлидир. Шунингдек, воқеаларининг содир бўлиш жойи, яъни воқеалар географияси жиҳатдан ҳам асар ўзига хос ташкиллаштирилган. Яъни структура

⁴³ Барт Р. Смерть автора / Барт Р. Избранные работы: Семиотика. Поэтика. / Пер. с фр., вступ. ст. и коммент. Г.К. Косикова. – М.: Прогресс, 1989. – с. 386.

⁴⁴ Лотман Ю.М. О поэтах и поэзии: Анализ поэтического текста / Ю.М. Лотман; М.Л. Гаспаров. – СПб.: Искусство–СПб, 1996. – с. 24-25.

жиҳатдан 3 катта қисмга бўлинган: Фарғона, Кобул, Ҳиндистон. Ҳар бир қисмдаги воқеалар муаллиф назарда тутган мезонлар асосида ёритиб берилган. Шунингдек, муаллиф-қаҳрамон ҳаётининг шу жой билан боғлиқ бўлган воқеаларини акс эттиради. Лекин баъзи ўринларда воқеалар хронологиясида узилишлар, ортга қайтишлар учрайди. Бу муаллифнинг асарни бир вақтнинг ўзида ёзмаганидан далолат беради. Шунингдек, муаллиф ҳаётининг бир текисда кечмаганини англатади.

II боб. “Бобурнома” сюжети ва композициясининг структурал таҳлили

2.1. “Бобурнома” сюжетининг структурал таҳлили

“Сюжет” – французча сўз бўлиб, “предмет”, “тасвирланаётган ёки баён қилинаётган нарсa”, “асосига қўйилган нарсa” деган маъноларни англатади.

Адабиётшунос И.Султон бадиий асарда ҳикоя қилинаётган воқеага “сюжет”, деб таъриф берган. Яъни, сюжет бадиий асарларнинг бевосита мазмунини ташкил этган, ўзаро боғланган ва ривожланиб боровчи ҳаётий воқеалар тизимидир⁴⁵.

Сюжет ҳар бир тур ва жанрда ўзига хос бўлади. Г.Поспелов фикрича, сюжет лирик асарга хос эмас. Лирик асарда композиция етакчи. Аммо лирикада “Сюжетли шеърлар”, яъни воқеабанд шеърлар ҳам бўлади. Сюжет драматик ва эпик ҳамда лиро-эпик асарларга хос.

Бадиий ғоя сюжет воситасида баён қилинади. Йирик насрий асарларда сюжет кўп қиррали, бир неча тармоқли бўлиши мумкин. Бу ҳолатни “Бобурнома” сюжетига тегишли дея бемалол айта оламиз. Ҳикояда эса битта воқеа, битта характер тарихи бўлгани учун нисбатан содда сюжет бўлади.

Сюжетда воқеа ва характер (образ) муносабати муҳим саналади. Воқелар билан характерлар бирлиги муҳим. Характер қирраларини очмайдиган ортиқча воқеалар асарни ортиқча семиртиради. Воқеалар тасвири характерларга бўйсундирилиши лозим. Сюжетда ҳаёт тасвири ва характер мантиғи масаласи жуда муҳим. Ҳаёт мантиғи эса бадиий асарда асосан икки ҳолатда – воқеа ва характерларда рўй беради. Шунга кўра:

1. Баъзи асарларда воқеалар мантиғи етакчилик қилади. Саргузашт сюжетли асарларда шундай.

2. Баъзан воқеа ва характер мантиғи баробар бўлади.

⁴⁵ И.Султон. Адабиёт назарияси, - Т., 1980. 179-б.

3. Баъзан характер мантиғи устунлик қилади. Одатда автобиографик жанрдаги асарлар сюжет жиҳатдан ана шундай бўлади. Аслида сюжетни ташкиллаштириш ижодкорнинг бадиий ниятига, бадиий услубига, истеъдодига боғлиқ мураккаб масаладир.

Ҳар қандай воқеа бадиий сюжет бўлавермайди. Балки муайян бадиий концепцияга асосланган воқеалар ва характерлар бирлиги сюжетни ташкил қилади. Айрим асарларда характерлар мантиғи сюжетни бошқарса, бир хил асарларда воқеалар мантиғи сюжетни ташкил қилади, характернинг тарихида воқелик муҳим аҳамият касб этади.

Сюжет яратишнинг қуйидаги йўллари мавжуд:

1. Сюжет фантазия маҳсули сифатида яратилади (“Гуливернинг саёҳатлари”, “Кичкина шахзода”).

2. Ҳаётӣ-тайёр сюжетлар асосида яратилади (тарихий асарлар, биографик асарлар, прототиплар асосида ёзилган асарларнинг сюжети бунга мисол). Биз таҳлилга тортган “Бобурнома” сюжети ҳам айнан ҳаётӣ-тайёр сюжет асосида яратилган асардир. Сабаби бу воқеаларга муаллиф бевосита алоқадор, ҳатто уларнинг айримларига гувоҳ ҳам бўлган.

3. Сайёр сюжет ёки ўзлаштирилган сюжет. (М.Қўшжонов уни “негиз сюжет” деб атайди. Масалан, “Лисонут тайр” ва “Мантиқ-ут тайр”, “Лайли ва Мажнун” – умуман “Хамса” сюжетлари).

Сюжетнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

1. Хроникал сюжет (“Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Навоий”, “Бобур”, “Робинзон Крузо”, “Дон Кихот”). Бундай сюжет турида А дан сўнгга В юз берди. Яъни қиролдан сўнг қиролича вафот этди.

“Бобурнома” асари сюжети ҳам хроникал сюжетдир. Сабаби асар сюжети Бобурнинг тахтга ўтириши воқеалари билан бошланиб, унинг вафотигача бўлган воқеаларни қамраб олади. Яъни ҳар бир воқеа муайян

кетма-кетликда, биридан сўнг бири содир бўлади. Тўғри асарда воқеаларни (аввал бўлиб ўтган воқеаларни) эслаш, хотирлаш ҳоллари ҳам мавжуд. Лекин бу сюжетдаги воқеалар ривожига сезиларли даражада таъсир кўрсатмайди.

2. Концентрик сюжет – воқеалари бирор сабаб билан боғланган сюжет. (“Чол ва денгиз”, “Алвидо қурол”, “Жинойт ва жазо”, “Сароб”) – бунда сюжет элементлари аралашиб кетади. Кескин драматизм, характернинг таркиб топишига асосий эътибор берилади. Яъни А сабабли В юз берди. Қиролнинг ўлганига бардош бера олмаган киролича вафот этди.

3. Ретроспектив сюжет (чекиниш) – кульминациядан бошланади, сўнг адиб чекинади. Воқеликни бадиий баён этади (“Асрга татиғулик кун”, “Кунда”, “Абадият қонуни”).

4. Ассоциатив сюжет (руҳий пўртана) – бунда воқеа-ходисалардан кўра қаҳрамонларнинг руҳий кечинмалари биринчи планга чиқади (“Лолазор”, “Улуғбек хазинаси”).

“Бобурнома” сюжети жуда мураккаб, бир неча тармоққа эга. Адабиётшунослар Ф.М.Головенченко ва М.Қўшжоновлар бадиий асар сюжетида характерлар мантиғи ва воқеалар мантиғи бўлади дея таъкидлашган. “Бобурнома”да воқеалар мантиғи етакчилик қилади. Сабаби асар саргузашт характерида. Асар воқеалари Бобурнинг тахтга чиқиш воқеаси билан бошланади: *“Тенгри таолонинг инояти ва ҳазрати он Сарвари коинотнинг шафоати билан ва чаҳорёри босафоларнинг ҳиммати бирлан сешанба куни рамазон ойининг тарих секкиз юз тўқсон тўққизда Фарғона вилоятида ўн икки ёшта подшоҳ бўлдум”*⁴⁶. Демак Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўн икки ёшлик пайтида Фарғона тахтига ўтирган. Бу воқеа ҳижрий 899 йил рамазон ойининг бешинчи куни юз берган. Бу вақт милодий ҳисобда 1494 йил 9 июнь сешанба кунига тўғри келади. Демак,

⁴⁶ Ўша асар. 34-б.

сюжет воқеаларининг бошланиш нуқтаси: жойи ва вақти муаллиф томонидан асар бошланмасида айтиб кетилмоқда. Ёш Бобурнинг ҳаёт кундалиги ва биз тадқиқ этаётган “Бобурнома” матни шундай кириш сўз билан бошланмоқда. Шундан сўнг, Фарғона вилоятининг ўрнашган жойи, чегаралари, халқи, катта шаҳарлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилади. Яъни кейинги воқеаларнинг содир бўлиш жойи билан китобхонни батафсил таништирилади. Сўнг, 39 ёшида Аҳси қўрғонида жардан йиқилиб ҳалок бўлган Умаршайх мирзо воқеаси баён қилинади. Айнан шу воқеадан Бобурнинг машаққатларга тўла ҳаёти тасвири бошланади. Асар воқеалари давомида тахт можаролари, Бобурнинг Самарқанд тахтини эгаллаши, Андижондаги фитналар, Кобул ва Ҳиндистон сафарида кечган воқеалар қаламга олинади.

Асар тарихий мазмунда бўлгани сабабли ҳаётӣ-тайёр сюжетлар асосида яратилган. Шу сабабли ҳам бу асар реалистик насрнинг энг етук намунаси сифатида баҳоланган. Умаршайх мирзо, Бойсунқур мирзо, Султонали мирзо, Шайбонийхон ҳаёти воқелари, шунингдек, Хуросонда Ҳусайн Бойқаро ўғиллари билан кечган воқеалар ёзилажак асар учун тайёр ҳаётӣ сюжет эди. Бобур асарни ёзиш давомида бу воқеларни бирин-кетин кўз олдидан ўтказди. Воқелар занжири шу қадар мустаҳкамки, ундаги бирон бир ҳалқа узилса, воқелар ифодасида ноаниқлик пайдо бўлади. Шу сабабли бирон бир йил воқеаларини ҳам ташлаб кетиб бўлмайди. Мисол учун қаҳрамон Бобурнинг нима сабабдан Ҳиндистон томонга отлангани воқеларини билиш учун, унинг Фарғона ва Кобулда кечган ҳаёти воқелари билан танишиш зарур бўлади.

Асар воқеалари кетма-кет содир бўлганлиги учун хроникал сюжет дея оламиз. Асарда сюжет унсурларидан ҳисобланган экспозициянинг ўрни жуда аҳамиятли. Деярли ҳар бир воқеа олдидан муаллиф батафсил тушунтириш беради. Хусусан, Андижон, Самарқанд ва унинг атрофи, Хуросон, Кобул, Ҳиндистон мамлакатлари тасвири фикримнинг далилидир. Биргина мисол, бош қаҳрамон Бобур ўз юришлар давомида

Ҳиндистон ўлкаларидан бири Чандерийда кечадиган воқеалар олдида куйидаги тасвирни келтиради: “Чандерий бурун Мандав подшоҳларига тааллуқ экандур, Султон Носириддин ўлганидин сўнг, бир ўғли, Султон Маҳмудким, ҳоло Мандавдадур, Мандавга ва ул навоҳига мутасарриф бўлур. Яна бир ўғли Муҳаммадшоҳ отлиқ Чандерийни иликлаб, Султон Искандарга илтижо келтурур. Султон Искандар ҳам қалин чериклар йибориб, анинг ҳомийси бўлур. Султон Искандардин сўнг Султон Иброҳимнинг замонида Муҳаммадшоҳ ўлар, Аҳмадшоҳ отлиқ кичиккина ўғли қолур. Султон Иброҳим Аҳмадшоҳни чиқариб, ўз кишисини қўяр. Раана Сангаа Иброҳимнинг устига черик тортиб, Дўлпур келганда беклари мухолафат қилурлар. Ушул фурсатта Чандерий Сангаанинг илигига тушар. Мединий Рав отлиқ улуг муътабар кофирга берур. Бу фурсатта тўрт-беш минг кофир била Мединий Рав Чандерий қўрғонида эди. Оройишхоннинг ошнолиги бор экандур. Оройишхон била Шайх Гуранни йибориб, иноят ва шафқат сўзлари айтилди. Чандерийнинг мубодаласига Шамсободини ваъда қилилди. Бир-икки эътиборлиқ кишиси чиқти. Билмон, эътимод қилмадим, ё қўрғонига ишондим, ислоҳ иши сомон топмади.

Чандерий қўрғонига зўрламоқ азимати била сешанба сабоҳи, жумодиул аввал ойининг олтисида Баҳжатхоннинг ҳавзидин кўчуб, қўрғоннинг яқинидаги ўрта ҳавзнинг ёқасида тушулди”⁴⁷. Бу батафсил лавҳани ўқигандан сўнг, китобон кўз ўнгида Чандерий тоғлари бағридаги Чандерий қўрғони ва бу қўрғонни эгаллаш ниятида ҳаракат қилаётган Бобур сиймоси гавдаланади.

Биламизки, бадий асар сюжетида тугун алоҳида аҳамиятга эга. Тугун ўқувчини асар ичкарисига етаклайди. “Бобурнома” воқеалар шу даражада жадалки, буни асардаги тугунлар сонининг кўплиги билан изоҳлаш мумкин. Сабаби бош қаҳрамон, яъни ҳикояси қаҳрамон ҳаёти

⁴⁷ Ўша асар. 234-б.

ҳамиша алғов-далғовларга тўла бўлган. Асардаги биринчи тугун Умаршайх мирзонинг ўлими. Айнан шу воқеа туфайли асарга Бобур шахси кириб келади. Унинг алғов-далғовларга тўла ҳаёти айнан шу воқеа сабаб бошланади. Унинг ҳукмдорлик фаолияти билан боғлиқ ҳодисалардан воқеалар ривожланиб боради. Дастлаб, Самарқандга интилиш, шу интилиш сабаб Андижондан айрилиш, сўнг ҳар икки юртдан ҳам маҳрум бўлиб, Кобул, Ҳинд мамлакатларига юз буриш булар воқелар занжирининг асосини ташкил қилади.

Асар воқеаларини кузатиш жараёнида бир нечта кулминацион нуқталарни кўриш мумкин. Хусусан, Бобурнинг ўлимдан қолиш лавҳаси. Бундай ҳолат жуда кўп бор юз беради. Дастлаб, Самарқандда 100 кун подшоҳлик қилган пайтлари бир ўлимдан қолган бўлса, сўнггра сарсон саргардонликда юрган кезлари ана шундай ҳолат кузатилади. Шунингдек, юртидан ажаралиб сарсон саргардонликда юрган Бобур ҳаёти ҳижрий 908, милодий 1502-1503 йилларда ҳам ана шундай воқеа юз беради. Танбал кўшинларидан енгилган Бобур ҳаёти ҳавф остида қолади. Бобур оз одам билан чекинишга мажбур бўлади. Улар Санг сувининг юқорисига етганларида фақат саккиз киши қоладилар. Охири Бобур бир ўзи қолади. Шу пайт унга икки душман яқинлашади. Булар: Бобо Сайромий ва Банда Али бўладилар. Бобур тоғ томонга қараб бораверади. Шунда улар: *“Мундоқ этиб қаён борасиз? Жаҳонгир Мирзони тутиб келтирдилар. Носир Мирзо ҳам уларнинг қўлига тушган”* дейдилар. Бобур жавоб бермай тоғ сари бораверади. Охири кеч бўлади. Бобур тоққа етиб бир тош ортига ўтади. Улар орқадан етиб келишиб, онт ичишиб Султон Аҳмадхон Бобурни подшоҳ қилишини айтишади. Охири ҳар учаласи туни билан йўл босиб Ғаво йўлига борадилар. Йўлдан адашадилар. Эртаси кун бир яйловда отларни ўтлатиб турганларида Ғавонинг бошлиғи Қодирберди кўринади. Уни бирор нарса келтирмоқ учун қишлоққа юборадилар. Аммо у қайтмайди. Булар Карнон яқинидаги хилват боғларга бориб беркинадилар. Шунда шайх Боязидбекнинг одами Бобурни йўқлаб келади.

Уни Танбал хузурига элтмоқчи бўлади. Бобур ўлимга рози бўлиб турганда тўсатдан ўнбеш-йигирма отлиқ кириб келалар. Улар Бобурнинг садоқатли одамлари Қутлуқ Муҳаммад Барлос ва Бобойи Паргарий ва уларнинг йигитлари бўлади. Бу сафар ҳам қаҳрамонимиз бир ўлимдан қолади. Ҳикоячи қаҳрамон тилидан айтиб берилган бу воқеа ҳар қандай ўқувчини зўр ҳаяжонга солади. Энди буёғи нима бўларкин, дея ўйлантиради. Воқеалар занжиридаги бу воқеа Бобурнинг Кобул томонларга бош олиб кетишига сабаб бўлади.

Энг асосий кулминация Малика Байда томонидан Бобурнинг заҳарланиш воқеасидир.

Сюжет воқеалари асосан, Андижон, Самарқанд, Тошкент, Хуросон, Кобул ва Ҳиндистонда бўлиб ўтади.

Асарда портрет ва пейзажнинг ўрни ниҳоятда катта. Бу асарнинг бадиийлигини тaminлайдиган жиҳатлардандир. “Бобурнома”да 6 образнинг мукамал портрети берилади. Булар:

1. Умаршайх мирзо.
2. Султон Аҳмад мирзо.
3. Султон Маҳмуд мирзо.
4. Хисравшоҳ.
5. Бойсунқур мирзо
6. Ҳусайн Бойқаро.

Шунингдек, деярли ҳар бир образга йўл-йўлакай бўлса-да чизги бериб кетилади. Хусусан, Ҳиндистондаги Меват вилояти ҳокими шундай таърифланади: *“Меватта худ Ҳасанхон Меватий эди. Бу шару шўрни бошлагон тамом ушул мулҳид мардак эди”*⁴⁸. Ушбу биргина жумлада, Ҳасанхон Меватий Бобурнинг душманларидан эканлиги англашилади. Сабаби, унга “шару шўрни бошлаган”, “мулҳид мардак” жумлалари орқали таъриф бериляпти. Асарнинг кейинги воқеалари давомида ўз сўзида

⁴⁸ Ўша асар. 213-б.

турмаган бу ҳоким шахсияти Бобур томонидан бир неча бор тилга олинади: *“Ҳасанхон Меватийнинг Ноҳирхон отлиқ ўғли Иброҳимнинг урушида иликка тушуб эди, гаравга сахлаб эдук. Бу жиҳаттин отаси Ҳасанхон зоҳирда омаду рафте қилур эди. Ўғлини доим тилар эди. Баъзининг хотирига еттиким, Ҳасанхоннинг истимоласи жиҳатидин ўғлини йиборилса кўпрак мустамол бўлуб, хизматкорликни яхшироқ бажой келтургай. Ҳасанхоннинг ўғли Ноҳирхонга хилъат кийдуруб, отасига ваъдалар қилиб рухсат берилди. Бу мунофиқ мардак худ ўғлининг рухсатига маътал экандур. Ўғлининг рухсатини хабар топқач, ўғли етмасдин бурун-ўқ, Алвардин чикиб келиб, Раана Сангаага Тўъдада келиб кўшулди. Анинг ўғлини мундоқ маҳалда рухсат бермоқ беҳисоб экандур”*⁴⁹. Бу тасвирдан англашилади, Ҳасанхон Меватий яхшиликни қадрига етмайдиган ва сўзида туролмайдиган кишилар тоифасидан. Ўғли асирликдан озод этилгач у яна Бобурнинг душманлари тарафига ўтиб олади. Меват вилояти тасвирида ҳам Ҳасанхон Меватий ҳақида фикрлар билдирилади: *“Меват вилояте воқиъ бўлубтур, Деҳлининг ёвуғида, тақрибан уч-тўрт карўрча жамъи бор. Ҳасанхон Меватий ота-отасидан бери юз-икки юз йилга яқин Меватта истиқлол била ҳукумат қила келибтурлар. Деҳли салотинига (326 а) нимқора итоате қилурлар экондур. Ҳинд салотини вилоятлари кенглигининг ё фурсатларининг торлигининг, ё Меват вилояти кўҳистон жиҳатидин эврушмай, ва вилоятнинг забтининг пайиға тушмай, ушмунча итоат била аларга-ўқ мусаллам тутубтурлар. Биз ҳам Ҳинд фатҳидин сўнг салотини собиқ дастури била Ҳасанхонга риоятни маръий туттук. Бу ҳақношунос кофирваши, мулҳид бизнинг лутф ва иноятимизни кўзга илмай, тарбият ва риоятимизни шукрин қилмай, барча фитналарга ул муҳрик ва жамъи ёмонлиқларга ул боис эди, нечукким, мазкур бўлди”*⁵⁰. Бу тасвирлардан ҳам кўриниб турибдики, Бобур Ҳасанхон Меватий шахсияти ҳақида яхши

⁴⁹ Ўша асар. 218-б.

⁵⁰ Ўша асар. 230-б.

фикрда эмас. Бунн Бобур тилидан “хакношунос кофирваш, мулхид”, “мухрик” дея берилган таърифлардан ҳам билса бўлади.

Асарда Султон Махмуд мирзо ҳақида маълумот берилаётиб, унинг амирлари ҳам санаб ўтилади. Хусусан Хисравшоҳнинг укаси Вали образига ҳам атрофлича тўхталинади. Дастлаб, Валининг Хисравшоҳнинг иниси эканлиги ҳақида хабар берилади: *“Яна бир Вали эди. Хисравшоҳнинг туққон иниси эди”*⁵¹. Сўнг унинг ҳарбий ва бошқарувчилик иқтидорига баҳо беради: *“Навкарини яхши сахлар эди”*⁵². Кейинги тасвирда Валининг акасидан ҳам ўтиб кетган маккор ва риёкор эканлиги ҳақида хабар қилинади: *“Султон Масъуд мирзонинг кўзига мил тортмоғига ва Бойсунқур мирзонинг ўлтурмакига боис ул эди. Жамиъ элни гийбат килур эди. Бадзабон ва фахшгўй ва худписанд ва тийрамағз мардак эди. Ўзидан ўзга ҳеч кишини ҳеч ишта писанд тутмас эди”*⁵³. Бобур томонидан берилган “бадзабон ва фахшгўй ва худписанд ва тийрамағз мардак” таърифи кишида унинг кейинги ишлари тўғрисида ҳам тасаввур уйғотади: *“Қундуз вилоятининг келганда ва Душий навоҳисиди Хисравшоҳни навкар, савдарининг айириб, рухсат берган фурсатта ул доғи ўзбакнинг қўрқунчининг Андароб ва Серобка келиб эди. Ул навоҳидаги аймоқларни босиб талаб, бизни деб Кобулга келдилар. Вали Муҳаммад Шайбонийхон қошига борди”*⁵⁴. Хуллас, шундай ахлоқ ва тарбияга эга бўлган бундай кишини Шайбонийхон нима ҳам қиларди? Шайбонийхон унинг алдову фитналарига учмайди, Самарқанд шаҳрида қатл эттиради. Юқорида берилган таърифлардан унинг биргина ижобий хислати борлиги англашилади. У ҳам бўлса, лашкарни яши сақлаши. Бу унга жангларда қўл келган бўлиши мумкин. Лекин инсоний фазилатлари нуқсонли бўлганлиги сабабли ҳам, Шайбонийхондек ғаним ҳам уни ўзига дўст деб билмайди. Ёмоннинг жазоси ўлим бўлади.

⁵¹ Ўша асар. 50-б.

⁵² Ўша асар. 50-б.

⁵³ Ўша асар. 50-б.

⁵⁴ Ўша асар. 50-б.

Асар воқеалари давомида ҳам бошқа образларга чизги ва характеристика бериб ўтилади. Хусусан, Султон Али мирзо, Зухрабегим, Диловархон, Қосимбек кабилар.

Адабиётшуносликда пейзаж хусусида турли қарашлар мавжуд. Кўпчилигида, асосан, пейзаж табиат тасвири экани таъкидланади. Шунингдек, баъзи олимлар пейзажни сюжет элементи деб қараса, айрим гуруҳ олимлар эса композиция таркиби сифатида эътироф этишади. Баъзи қарашларда пейзажнинг таркибий қисми сифатида интерьер ҳам санаб кетилган.

Пейзаж қаҳрамоннинг рухий ҳолатини ифодалашда фон вазифасини бажариши, параллелизм ёки контрастга хизмат қилиши мумкин. Табиат тасвири сюжетнинг таркибий қисмларидан бўлиб, асарнинг ғоявий, эстетик қувватини оширади⁵⁵. Ёзувчи табиат лавҳаларини чизиш билан ўзининг табиатга муносабатини ифодалайди. Бу таърифлардан кўринадики, бу борадаги фикрлар турлича. Умуман олганда, пейзаж гоҳ сюжет содир бўлган фаслни билдиради, гоҳ қаҳрамонлар психологиясини очишда унинг ички зиддиятини кўрсатишда муҳим ўринга эга.

Бобур асар воқеалари бўлиб ўтаётган жой манзараларини ҳам мохир рассомлардек тасвирлайди. Шунингдек, айрим жой номларининг келиб чиқиш этимологиясини ҳам айтиб ўтади. Хусусан, “Хўжанд била Кандибодом орасида бир даште тушубтур, Ходарвешға мавсумдур. Ҳамиша бу даштга ел бордур. Марғинонғаким, шаркидур, ҳамиша мундин ел борур. Хўжандғаким, ғарбидур, дойим мундин ел келур: тунд еллари бор.

Дерларким, бир неча дарвеш бу бодияда тунд елга йўлукуб, бир-бирини тополмай *“Ҳо дарвеш”, “Ҳо дарвеш” дея-дея тамом ҳалок бўлурлар, андин бери бу бодияни Ходарвеш дерлар*⁵⁶.

⁵⁵ Иззат Султон. Адабиёт Назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1986. 188-бет.

⁵⁶ Ўша асар. 36-б.

Кўринади, Бобур жой номини тасвирлаш билан биргаликда, у жой ҳақида, яъни жой номининг келиб чиқиши ва хосияти ҳақида ҳам тушунтириш бериб ўтади.

Демак, асарнинг сюжет структураси бошқа тарихий мазмундаги асарлардан тубдан фарқ қилиб, ўзига хос қурилиш ва мантиққа эга. Бу сюжет элементларининг жойлашуви ва сюжет воқеаларининг берилишида ҳам кўзга ташланади.

Хуллас, асар сюжети ва сюжетни ташкил қилган воқеалар китобхон кўз ўнгида салкам қирқ йиллик тарихни жонлантиради.

2.2. “Бобурнома” композициясининг структурал таҳлили

Турли адабиётларда, энциклопедик ва луғатларда композиция истилоҳига турлича талқин ва изоҳлар бериб келинган. Адабиётшуносликка композиция тушунчаси тасвирий санъат ва меъморчиликдан кириб келган. Бу соҳаларда композиция асарнинг алоҳида қисмлари бирикиб, битта бадиий бутунликни ҳосил қилади. Адабиётшуносликда эса композиция адабий асар қурилишини яхлит тарзда ўрганувчи қисмдир. Баъзан композиция термини “архитектоника” термини билан муқобил тарзда қўлланилади. Композицияни тегишли йўсинда ўрганиш ҳар бир назарий тадқиқотга хосдир.

Композиция, шунингдек, латинча “composito” – “таркиб топиш”, “боғлаш” сўзларидан ҳам озиқланган ҳолда бадиий асар қурилиши, асар шаклининг ташкилоти, структураси маъноларини англатади. “Композиция” тушунчаси аҳамиятига кўра “бадиий асар структураси” тушунчасига яқин, аммо асар структураси дейилганда унинг барча унсурлари (унсурлараро боғлиқлик ҳам) назарда тутилади. Асар структурасини яна мазмунга дахлдор унсурлар (*персонажларнинг сюжетдаги ўрни, қаҳрамонларнинг ўзаро муносабати ва мутаносиблиги,*

муаллиф позицияси, мотивлар тизими, вақт ҳаракати тасвири ва ҳ.к.) ҳам ташкил этади.

Ҳар бир бадиий асар шакл ва мазмун хусусиятларига кўра ўзининг композицион типларига эга. Бу асарнинг қайси жанрда эканига қараб, турлича кўринишда бўлиши мумкин. Бадиий матннинг композицион типлари эпик (сюжет тизимидаги алоҳида лавҳаларнинг ўзаро мутаносиблиги), лирик (ритм ва мазмун уйғунлиги) ва дараматик (сахна ва диологик нутқларда ҳаракатлилик) жанр хусусиятларидан келиб чиқиб фарқланади, аммо мазмун жиҳатдан бир-бирига яқин бўлиши ҳам мумкин.

Адабиётшунослик илмида бадиий асар матни ва унинг структурал қурилиши юзасидан жуда кўп тадқиқотлар амалга оширилган. Бадиий асар композицияси структур таҳлилида унинг ички қуришлиш тартибини кенгроқ ўрганиш билан бир қаторда мазмунининг мантикий маъноси ижодкор бадиий ниятига қанчалик мувофиқ келишини кузатиш мумкин.

Баъзан бадиий асар структурасига диққат қаратиш, ундаги бадиий ғоя ва мазмундан йироқлашувга олиб келади, деган фикр учрайди. Бу унчалик тўғри эмас. Тўғри айрим эстетик оқимларда Н.Гартман ёки Р.Ингарденнинг феноменологик структурал таҳлили асар мазмунидан ҳоли равишда олиб борилганда шундай қусур бўй кўрсатиши мумкин⁵⁷.

Структурализмдаги шакл, яъни структуранинг ижодкор табиати, мавжуд маънони кучайтириши, ҳатто янги маънони яратиш иқтидори ҳақидаги етакчи ақида бу илмий оқимнинг кучли бадиий асарнинг қурилиши нуқтаи назаридан текшираётганда икки турдаги структурани фарқлаш зарур бўлади. Сиртки ва ички структура. Айнан мана бу тажрибани асар композицияси структурасига ҳам татбиқ этиш мумкин. Бадиий асар қайси жанрда ёзилмасин, маълум бўлақлардан ташкил топган бўлади. Бу бўлақлар аслида ташқи композиция элементлари ҳисобланиб, бадиий асардаги воқеа ва ҳис-туйғулар ҳаракати ҳамда сюжет ривожига

⁵⁷ Новейший философский словарь. Постмодернизм. - М., 2007. С.636.

муҳим рол ўйнайди. Бу бадиий асар композициясининг ташқи структурасидир. Асардаги воқеалар ривожини ундаги у ёки қаҳрамон ҳатти-ҳаракатидаги қонуний алоқадорликлар мажмуи бўлиб, буни бадиий асар ички композицион структураси сифатида баҳолаш мумкин. Бадиий асар ички композиция структураси асосан, мазмунга тааллуқлидир.

Биз таҳлилга тортган “Бобурнома” асари ички ва ташқи композицион структураси ўзига хос асардир. Бобур ўзининг “Бобурнома” асари билан Ўрта Осиё тарихида, нафақат Ўрта Осиё, балки жаҳон тарихида янги бир жанрга асос солди. Шу сабабли ҳам “Бобурнома” ва унинг жанр хусусиятларига бағишланган кўплаб изланишлар олиб борилган ва қатор фикрлар билдирилган. Бу борада ёзувчи, адабиётшунос, тилшунос олим Пиримқул Қодировнинг қуйидаги фикрлари эътиборга моликдир: “Бу асарни роман-эпопея деб аташ мумкин. Эпопеянинг бош қаҳрамони эса Бобурнинг ўзидир. Эпопея Бобурнинг ўн икки ёшида тахтга чиқиши билан бошланиб, салкам қирқ саккиз ёшида Аграда вафот этиши билан тугалланиши – бу асарнинг чуқур ўйлаб тузилган композицияси борлигидан далолат беради. Бу композиция Бобурнинг тождор бўлган ўттиз олти йиллик ҳаёт йўлини қамраб олади. Шу фактдан келиб чиқиб “Бобурнома”ни насрий шоҳнома деб аташ мумкин”. Асар воқеаларининг ўзаро мутаносибликда тасвирланиши юқоридаги фикрларни далиллайди.

Бу “роман-эпопея” 3 қатта қисмдан иборат.

1. Биринчи қисм Фарғона деб номланиб, бу қисмда асар воқеалари тасвирланган 10 бўлим келтирилади. Бу қисм воқеалари 1494 йил, яъни Бобурнинг тахтга чиқиши билан бошланиб, 1503 йил, яъни Фарғона вилоятида сарсон-саргардонликдаги ҳаёт тасвири билан якунланади. Кўринадики, бу қисм воқеалари муаллиф-қаҳрамон ҳаётининг 9 йилини қамраб олади.

2. Иккинчи қисм Кобул деб номланиб, бу қисмдаги воқеалар 7 бўлимда тасвирланади. Кобул вилояти тасвири билан бошланган воқеалар Ҳиндистон сафарига отланган қаҳрамон орзуси билан якунланади ва 1503-

1520 йил воқеалари тасвирини ўзида акс эттиради. Бу муаллиф-қаҳрамон Бобур ҳаётининг 17 йилини қамраб олади.

3. Асарнинг якуний қисми Ҳиндустон деб номланиб, бу қисмидаги воқеалар эса 5 бўлимда баён этилади. Бу қисм орадаги воқеалар тасвирида узилишлар бўлганлиги сабабли 1525 йил воқеалари тасвирдан бошланади. ва 1529 йил воқеалари тасвири билан якунланади. Бу муаллиф-қаҳрамон Бобур ҳаётининг атиги 4 йилини қамраб олади.

Ҳар бир бўлимда келтирилган воқеалар асосий қаҳрамон Бобур сиймоси орқали туташади.

Асар композициясида қаҳрамон руҳиятининг калити сифатида берилган Бобурнинг ўз шеърлари ва бошқа шоирларнинг асарларидан келтирилган шеърий парчаларнинг ўрни каттадир.

Келтирилган шеърий парчалар муаллифнинг турли мақсадларини ёритишга хизмат қилган бўлиб, асар композицияси ва сюжетида уларнинг алоҳида ўрни бор. Жумладан, айримлари бирор воқеа-ҳодиса санасини аниқлаш вазифасини бажарувчи таърих (жанр) сифатида яратилган бўлса, айримлари баъзи ижодкорлар ҳақидаги маълумотларни тасдиқлашга хизмат қилади. Айримлари Бобур шеърларининг яратилиш тарихи билан билан боғлиқ. Шоирнинг ўша асар дунёга келган пайтидаги руҳий ҳолатига, туйғулар оламига бизни олиб киради. Бу эса ўз навбатида асарнинг таъсир кучини оширади. Шоирнинг ижодий санъатхонаси, ижодий лабораторияси билан ўқувчини таништиради. Айрим шеърлар эса аллома ижодкорлар меросидан “Бобурнома” муаллифи фикрларини далиллаш, асослаш учун ва ёки ибрат, ҳикмат сифатида келтирилади.

Асарда бундай шеърий парчалар 78 та саҳифада учрайди. Жами 324 мисрани ташкил этади⁵⁸. Улар жанр нуқтаи назаридан ранг-баранг. Ғазал, рубоий, таърих, маснавий, фард каби жанрлардаги намуналарни учратамиз. “Бобурнома”даги шеърий парчаларда зуллисонайнлик анъанаси кўзга

⁵⁸ Адизова И. “Бобурнома”даги шеърий парчалар. // “Моҳият”, 2012.

ташланади. Унда ўзбек ва форс-тожик тилида яратилган намуналарни кўрамиз.

Маълумки, Бобур 1498-1500 йиллар орасида ўз юртида мусофир каби сарсон-саргардонликда яшашга мажбур бўлади. Ана шундай рухий машаққатга гирифтор кунларида, кўп ошнолар ноошно бўлганида, атрофидаги ҳамроҳу дўстлари сараланган кунларида олам ва одам борасидаги маҳзун хулосаларини дардли мисраларда баён этади: *“Бизга етганда саховат била машҳур бўлгон эл хасис бўлур, мурувват била мазкур бўлгон элнинг муруввати унутулар.*

... яна Боқи тархонга ва ўзга бекларга асру кўп инсоният ва бахшишлар кўрсатди. ... Адно навкаримизга қилгон инсониятни бизга қилмади, балки навкаримизча бизни кўзга илмади. Байт:

Ким кўрубтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилик?

Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилик”⁵⁹.

Мазкур байт шоирнинг девонига киритилган олти байтли “Яхшилик” радифли ғазалнинг биринчи байти. Уни “Бобурнома”нинг шу ўрнида келтириш орқали шоир ўзининг ўша пайтдаги ҳис-туйғуларини, ички туғёнларини аниқ тасвирлаб беради. Дўсту ёрга муҳтож, тасаллига интиқ шоир мазкур мисралар орқали ўз кўнглига таскин беради. Уни сабр-қаноатга йўллайди. Асар шундай маҳзун бир кайфиятда яратилганига қарамасдан ўқувчи учун ибрат бўлувчи жиҳатлари кўп. Аввало, шоир кўнгилни шундай сиқик ҳолатдан олиб чиқиб кетиш йўлини топа олади. Ўзи келтирган сабабу вазлар орқали унга таскин беради. Уни сокинлаштира олади. Иккинчидан, асарда дардчан бир рухий ҳолат ифодаланганига қарамасдан, сўнгги байтларда Бобурга хос мардлик ва матонат белгилари юзага чиқади. Қисқа умрни ғанимат билиш, яхшиликлар қилиш эвазига унга мазмун ва қониқиш бахш этишга иштиёқ орқали асарга кўтаринки руҳ беради.

⁵⁹ Ўша асар. 79-б.

1507 йилда Бобур Ҳусайн Бойқаро ўғилларининг таклифига биноан Ҳиротга музокара учун боради. У ерда йигирма кунча қолади. Ҳиротни томоша қилади. Навоий юрган жойларда бўлади. Унинг уйида туради. Музокаралар тугагач, Кобулга қайтади. Аммо, қайтиш машаққатли бўлади. Қалин қор қоплаган тоғ йўли орқали юриш риёзатларини Бобур асарида батафсил тасвирлаб беради: *“Боргон сойи қор улуғроқ бўлур эди. Чахчарон навоҳисида худ қор отнинг тизидин юқорироқ эди. ... икки-уч кўч ўтгач, қор асру улуғ бўлди: узангудин юқорроқ эди, балки аксар ерда отнинг аёғи ерга етмас эди, яна қор доим ёғар эди.*

Ул неча кун бисёр ташвишлар ва машаққатлар тортулди, андоқким, муддатул-умр мунча машаққат камроқ тортилиб эди. ... Бир ҳафтага ёвуқ қор тегиб, кунда бир шаръий-бир ярим шаръийдин ортуқ кўчулмас эди”.

Бобур ана шундай машаққатли кунлар таъсирида қуйидаги байтни ёзганлиги ҳақида маълумот беради:

*Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдим,
Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдим⁶⁰?*

Асарда келтирилган мазкур байт муаллифнинг бутун ички ҳис-туйғуларини мукаммал ифодалаш имконини беради. Чунки табиатнинг машаққатли кўриниши ўқувчига маълумот сифатида таъсир этса, келтирилган байт муаллифнинг қийноқли ички туғёнларини бутун теранлиги, дардмандлиги билан ифодалаб бера олади.

Демак, шеърӣй парчалар “Бобурнома”да шунчаки санъатпардозлик ёки ранг-баранглик сифатида келтирилмаган. Балки улар асар сюжети ва қурилишини мукаммаллаштириш, шоир туйғулар оламининг дардли лаҳзаларини аниқ ва таъсирли тасвирлаш, мазмун ва шаклни бойитишга хизмат қилган.

⁶⁰ Ўша асар. 147-б.

“Бобурнома” композициясида бирон-бир воқеа муносабати билан келтирилган мақолларнинг ўрни ҳам ўзига яраша. Асарда турли воқеалар баён этилар экан, фикрнинг янада аниқ ва таъсирли бериш учун мақоллардан кенг фойдаланади. Бунинг бир аҳамияти ўша тасаввурни кучайтирмоқ бўлса, иккинчи аҳамияти ўзбек халқи яратган мақолларнинг ёши тўғрисидаги тушунчамизни кенгайтиради. “Бобурнома”даги ҳар бир мақол унинг беш юз йилдан ортиқ фурсатдан бери яшаб келаётганидан дарак беради.

В.Й.Зоҳидов “Бобурнома”да келтирилган мақолларнинг аҳамияти тўғрисида бундай деб ёзган эди: “Бобур уларни муваффақиятли равишда танлайди, предметнинг моҳияти ва катта ижтимоий масалалар билан боғлайди. Шундай қилиб улардан кўпинча ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муҳим хулосалар чиқаради”⁶¹.

“Бобурнома”да мақоллар ҳикматли сўзлар, тасвир этилмоқда бўлган воқеанинг моҳиятига хос шеърӣ парчалар кўп. Улар ўзбек ва форс тилларида келтирилади.

Хусусан, 905 (1499-1500) воқеалари бобида Аҳмад Танбал кўшини билан Бобур кўшинининг Косон яқинида дуч келгани айтилади. Бобур душманнинг устига дарҳол босиб бормоқчи бўлади. Аммо Вайс Лоғарӣ ва бошқалар кун кеч бўлди, эрталаб босайлик, деб маслаҳат берадилар. Эрталаб эса Аҳмад Танбалнинг кўшини ғойиб бўлган эди.

Шундан афсусланиб Бобур ёзади: *“Ушмундоқ қопуда келган ганим ҳеч навъ мутазаррир бўлмай ажрашти”*. Бобур ўзининг шундай кайфиятини қуйидаги мақол орқали кўрсатади: *“Масал борким қопудагини қопмаса, қаригунча қайғурур”*⁶².

932-1526 йил воқеалари бобида Бобурга душманлари заҳар берганлари ҳикоя қилинади. Овқатга оғу солинган экан. Уни еган кишилар, шу жумладан Бобур ҳам қайт қилди, ҳоли оғир бўлди, лекин ҳеч ким

⁶¹ В.Й.Зоҳидов. Бобирнинг фаолияти ва адабий-илмий мероси, “Бобурнома”. Т.1960.с.25.

⁶² Ўша асар. 74-б.

ўлмади. Бу аҳволга қуйидаги мисра билан хулоса ясалган: *“Расида буд балое, вале бахайр гузаит”*⁶³ (Маъноси: Бир бало этишган эди, бироқ яхшилик билан кечди). Бобур заҳарланганидан кейинги аҳволни бундай тасвирлайди: *“Шанба куні бир аёқ сут ичтим. Якшанба куні ҳам бир аёқ сут ичтим, “ғили махтум”ни ҳам араққа хал қилиб ичдим. Душанба куні сутга «ғили махтум»ни ва «тарёқи форуқ»ни эзиб ичтим, сут ичимни хейли сурди. Сешанба куні, аввалги куні сафройи сўхтадек қора-қора нималар дафъ бўлди. Шукр, ҳоло ҳеч қисса йўқтур. Жон мундоқ азиз нима эмиш, мунча билмас эдим”*. Ўзининг мураккаб аҳволини, ичга кирган оғунинг етказган заҳматларини чеккан қаҳрамон аста-секин ўзига келгач, ана шундай азобларни бошидан кечирган одамгина жон қадрини билади, деган хулосасини қуйидаги мисра орқали эълон қилади. *“Ким ўлар ҳолатга етса, ул билур жон қадрини”*⁶⁴.

Фарғонадаги жанглардан бирида йигирма-йигирма беш одам қуваётган бўлса ҳам Бобур саккиз киши билан чекинган. Чунки қувғучилар кўп деб ўйлашган. Агар билганда “яхши урушар эдук” деб ёзади Бобур. Аммо хулоса қилиб дейдики, *“Қочгон ёғи кўп бўлса ҳам оз қовғунчи била чехра бўла олмас нечукким дебутурлар: “Сафи мағлубро хус басандаст”*⁶⁵. (“Енгилган сафга бир “ҳой кифоядир”).

Бундай мақоллардан яна турли ўринларда ҳам ишлатилган. Чунончи, “Инонмағил дўстингга, сомон тикар пўстингга”, “Душман не демас, тушга не кирмас”, “Тенг бўлмагунча тўш”, “Он гузарро об бурд”, (“У кечувни сув олиб кетган”), “Ўзраш бадтар аз гуноҳ ”, (“Тавбаси гуноҳидан ёмонроқ”) каби. Кўринади, қўлланган ҳар бир мақолда қаҳрамон ҳаётининг маълум бир даври ва қилаётган ишнинг натижаси ҳақида хулоса мавжуд

⁶³ Ўша асар. 217-б.

⁶⁴ Ўша асар. 218-б.

⁶⁵ Ўша асар 97-б.

“Бобурнома”га Бобур ўзининг бир неча мактубларини ҳам киритган. Улар ўзбек адабиётидаги хат бадиий шаклининг намунаси сифатида аҳамиятлидир. Яна бу хатларда баён қилинган фикрлар, ўғитлар умумтарбиявий мазмунда экани билан ҳам муҳим. Шунингдек, асар қомпозисиясида ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

“Бобурнома”да Ҳумоюнга битилган икки хат тўлалигича келтирилган⁶⁶. Бу хатларнинг мазмуни ҳам, шакли ҳам жуда ибратлидир. Хатнинг кириш қисми узун эмас, аксинча жуда ихчам. Ота ўғлига уни соғинганлигини изҳор этиб салом йўллайди. “*Ҳумоюнга муштоқлиқлар била соғиниб салом дегач...*” шундан сўнг гапнинг пўскаллasi бошланади. Ота ўғлига унинг одамлари келганини хабар қилади. Ўғлининг юборган хатлари ва ҳужжатларини олгани ва аҳвол билан танишганини билдиради: “*...хатлардин ва араздошлардин ул юздаги ва бу юздаги кайфият ва ҳолат мушаххас ва маълум бўлди*”.

Ҳумоюннинг ўғил кўрганлиги ва болага Аъмон деб от қўйилганидан ота хабардор бўлгач, ўз кайфиятини баён қилиб ёзади:

*Шукр бермиш санга ҳақ фарзанде,
Санга фарзанду манга дилбанде.*

Бу хатда икки туркум масалалар тўғрисида сўз боради. Биринчиси ота ва ўғил, оилавий муносабатлар; иккинчиси давлатни бошқарув масалалари, давлат устидан ҳукмронлик қилувчи кишининг сифатлари қандай бўлмоғи кераклиги. Бу хатда Бобур ғамхўр, меҳрибон, аммо талабчан ота ва тарбиячи, ақлли тадбирли ва тажрибали давлат арбоби сифатида кўринади.

Ушбу мактубда ёзилган гаплар Бобур подшоҳнинг режалари эди. Комронга ва Кобулдаги бекларга фармон берилгани ҳам бунга далилдир. Аммо Ҳумоюн бу режаларни амалга ошира олмади.

⁶⁶ Ўша асар. 243-244-б.

Ушбу хатда Бобурнинг ҳукмронлик қилиш қоидалари тўғрисидаги фикрлари жуда муҳимдир. Бунда икки масала бор.

Биринчиси подшоҳнинг шахсиятига оид. Подшоҳ ғайратли, жанговор бўлмоғи керак. Ўз ҳузурини кўзлов, ялқовлик подшоҳга тўғри келмайди. Шунинг учун Бобур Ҳумоюнга ўз режаларини фармон тарзида билдирар экан, уни шижоат ва қатъиятга ундайди. Бобур ўғлига хитобан ёзади: *“Тенгрининг инояти билан ёғийларни босиб, вилоятларни олиб, дўстларни шод, душманларни нигунсор қилгайсиз, иншооллоҳу таоло. Сизларнинг жон тортиб, қилич чопмоқ маҳалларингиздур. Қонуда келган ишни тақсир қилмангиз. Гаронжонлик била қоҳиллик подшоҳлик била рост келмас”*. Подшоҳ ҳамиша одамлар ичида бўлмоғи, улар билан ҳамжиҳатликда иш тутмоғи шарт. Мактубда Ҳумоюннинг ўзини ёлғиз ҳис қилгани қораланади. Бобур подшоҳнинг ёлғизлиги айб дейди.

“Яна хатларингда ёлғузлик, ёлғузликким, дебсен, подшоҳликта айбдур нечукким дебтурлар.

Агар пой банди ризо нешгир,

Ва гар яксувори сари хешгир

(Маъноси: Агар оёғинг банд бўлса ризони олдингга қўй, агар танҳо сувори бўлсанг ўз бошингча бор. Яъни жаҳонга боғланган бўлсанг бошингга келган ҳар нарсага рози бўл, агар ҳеч нарсага боғланмаган киши бўлсанг, йўлингдан қолма, кетабер).

Бу шеърларнинг мактубга киритилмоғи ҳам айтилган фикрларнинг тасдиғига хизмат қилади, ҳам уларнинг таъсир кучини оширади. Шу билан бирга шеър ёдда яхши сақланади. Шунинг учун Ҳумоюн бу шеърларни хотиради тутиб отасининг маслаҳатларини фикрида мустаҳкамламоғи мумкин. Яна мактуб ёки турли хил бошқа баёнларда шеърый парчаларнинг бўлуви ушбу баённи нафислаштиради, уни ўқимоқ ва уқмоқни енгиллаштиради.

Бобур ўғли Ҳумоюнга подшоҳлик қоидаларини тушунтиришда давом этиб, даставвал уни ўз укалари билан иттифоқ бўлмоққа маслаҳат

беради. Олдин Комроннинг (Ҳумоюннинг укаси) акаси ҳузурига келмоғи, мўлжалланган юришларда қатнашмоғи буюрилганини хабар қилган эди Бобур. Энди у ўғлига унинг ва укаси Комроннинг қўлга киритилган ерларни ўзаро тақсимлови тўғрисида белгиланган қондани эслатади: *“Яна сен ўзинг билур эдингким, доим бу қонда маръий эди: Олти ҳисса сенга бўлса беш ҳисса Комронга бўлур эди. Ҳамиша бу қондани маръий тутиб, мундин тажовуз қилманг”*. Бу оға-иниларнинг хизмат муносабатларига оид қоида. Энди энг муҳими икки биродарнинг ўзаро муносабатлари. Ота ҳар иккала ўғилга баробар қарайди. Аммо Ҳумоюн катта ёшда. Шунинг учун Бобур Ҳумоюнга унинг катта эканини эслатиб, унинг сабр тоқатли, чидамли бўлмоғи лозимлигини ёзади: *“Улуқлар кўтаримлик керак, умидим борким, сен ҳам яхши ихтилот қилгайсан”*. Яна ота кичик ўғлини акаси олдида таърифлаб уни яхши кўрсатмоққа интилади, Комроннинг яхши, инсофли йигит эканини ёзади ва унинг Ҳумоюнга яхши мулозамат қилмоғи ва у билан бирдам бўлмоғига ишонч билдиради. *“Анинг ҳам муташарри ва яхши йигит қўюбтур, ул ҳам мулозамат ва яқжиҳатлиқта тақсир қилмағай”*.

Ушбу мактуб мундарижасидан маълумки, Бобур ўз ўғли Ҳумоюнга давлатни бошқарув ишларида, подшоҳнинг қандай бўлмоғи лозимлиги тўғрисида йўл-йўриқ кўрсатмоқда. Яна меҳрибон ота сифатида унга яхши туйғулар изҳор этмоқда. Катта оиланинг бошлиғи сифатида инилари билан қандай муомала қилмоқни ўргатмоқда. Унга ота-бола ўртасида бўладиган муносабатлар бўйича ўз гинахонлигини ҳам билдирмоқда. Тарбиячи-педагог сифатида имло, от қўйиш, хат ёзиш услуби тўғрисида таълим бермоқда. Давлат арбоби сифатида катта давлат ишлари бўйича фармонлар йўлламоқда. Бобур бу мактубни “Бобурнома”га тасодифан киритган эмас. Унда баён этилган фикрлар барча китобхонлар учун муҳимдир. Бобур бу мактубни эълон қилар экан бутун-бутун авлодларга ана шу эзгу таълимни етказмоқдадир.

Бобур Ҳумоюнга ёзилган мактуб кетидан худди шу мазмундаги хатларни Комронга ва Хўжа Калонга ҳам йўллаганини айтади. *“Комронга ва Хўжа Калонга даги ушбу мазмун била ўз илгим била хатлар битиб юбордим”*⁶⁷.

“Бобурнома”да Ҳумоюнга ёзилган яна бир хат бор. Уни Бобур Мўрий ва Адуса деган жойларда эканида ёзган. Бу тўғрида “Бобурнома”да ўқиймиз: *“Чаҳоршанба куни жумодил аввал ойининг салхида Атовадин кўчуб секкиз курух келиб Мўрий ва Адусага тушуб Кобулга борур баъзи қолгон хатларни бу юртта битилди”*⁶⁸. Шуниси диққатга сазоворки, Ҳумоюнга ёзилган хатга Бобур Хўжа Калонга ёзилган хатнинг нусхасини кўшиб жўнатган. (*“Яна баъзи кайфият Хожа Калонга битилган хаттин маълум бўлур учун ўшал хатнинг саводини бетафовут битилди”*).

Бундан мақсад Бобур ўзи айтганидек Хўжа Калонга ёзилган хатнинг мазмунидан Ҳумоюнни огоҳ қилмоқ, айти замонда эҳтимол, бевосита Ҳумоюнга айтмоқ лозим бўлган ўғитларни Хўжа Калонга ёзилган хат орқали Ҳумоюнга айтмоқ. Чунки бундай билвосита айтмоқ подшоҳзоданинг иззат-нафсига оғир ботмайди.

Ҳумоюнга битилган хатнинг “Бобурнома”даги нусхаси унча катта эмас. Аммо Хўжа Калонга ёзилгани анча катта. Аввало Бобур ўғли Ҳумоюнга мамлакатни ўғри ва қароқчилардан ҳимоя қилмоқни тайинлайди, токим сулҳ ишига зарар етмасин. Кобул вилоятининг холиса қилинганини яна маълум қилади. Бу вилоятга ўғлонлардан ҳеч қайсиси тамаъ қилмасунлар. Комронга ёзилган хатда ҳам шу гап айтилганини билдиради. Ҳиндолни Бобур ўз ҳузурига чақирган.

Комронга ёзилган хат мазмунидан Ҳумоюннинг хабардор қилингани бу ҳам расмий, ҳам шахсий ҳужжатлар мазмунидан уни олий даражада огоҳ этмоқ мақсадида қилинган бўлиши мумкин. Токим бузғунчилар орага

⁶⁷ Ўша асар 244-б.

⁶⁸ Ўша асар. 248-б.

тушиб нифоқ солмасинлар. Шундан сўнг Бобур Ҳумоюнга ўзининг Ҳўжа Калонга ёзган хатининг нусхасини бетафовут йўллайди.

Бобур томонидан Ҳўжа Калонга ёзилган хатда Бобур яна Кобулнинг холиса қилинганини ёзади. Бу вилоятнинг таърифини қилади. Давлат ишларига оид фикрлар баён этади. Кобулни обод қилмоқ юзасидан аниқ топшириқлар беради.

Ҳўжа Калонни ичкиликдан воз кечмоққа ундаб бундай деб ёзади: *“Сиз ҳам тавба қилинг. Суҳбат ва чоғир ҳамсуҳбат ва ҳамкоса била хушутур ким била суҳбат тутқайсизким, била чоғир ичгайсиз. Агар ҳамсуҳбат, ҳамкоса Шераҳмад ва Ҳайдарқулидур, худ бу тавбанинг хили ашқоли йўқтур”*⁶⁹. Хат жумодул охир ойининг биринчи куни (935/1528)да битилган.

Бобур бу хатни якунлагач, *“Бу насиҳатомиз сўзлар битир маҳалда манга бисёр тахсир қилди”* деб ёзади. Бир қовун келтирганларида *“кесиб егач, ғариб таъсир қилди. Тамом йиглаб эдим”*, деб ёзган эди хатнинг бошида. Яна май ичмасликка сўз бергач, *“чоғир иштиёқидан борлар йиғламоқ сарҳадига етар эдим”*. Булар Бобурнинг нақадар тез таъсирланувчи, нозик қалб эгаси бир инсон эканини кўрсатади.

“Бобурнома”да айрим хатларнинг мазмунини келтирилмоғи бирор мақсадсиз қилинмайди. Бобур бу хатлар орқали айрим ходисаларни хабар қилади, уларга ўз муносабатини билдиради.

Шайбонийхон Хуросонга таҳдид солиб юрган фурсатда Ҳусайн Бойқародан Бобурга бир мактуб келди. Бу хатнинг нусхалари Бадиуззамон Мирзо, Хисравшоҳ ва Зуннунга ҳам юборилган эди. Бобур уни *“узундан - узоқ нишонлар”* деб атайди. Ана шундай кинояли баҳодан кейин Бобур хатнинг мазмунини эълон қилади. Унда Ҳусайн Бойқаро шимолдан таҳдид бўлган Мурғоб ёқасини беркитганини эслайди. Ҳозир ҳам Шайбонийхон юруш қилиб келса, Мурғоб ёқасини беркитажагини ёзади. Бадиуззамонга

⁶⁹ Ўша асар. 250-б.

Балх, Шобурғон, Андхудга одамлар қўйиб ўзи Гурзвон ва Дараи Зангни беркитмоқни буюради. Бобурга Коҳмард ва Ажарни, Хисравшоҳга Ҳисор ва Қундузга одам қўйиб, ўзи ва иниси Вали Бадахшон ва Хатлонни беркитишларини маслаҳат беради.

Бобур бу хатга ўз салбий муносабатини очиқ билдиради. Бобурнинг фикрича, Темурбек ўрнига ўлтурган улуғ подшоҳ Ҳусайн Бойқаро эди. У ғаним устига юрмоқ ўрнига мудофаага ўтса эл ва улус ўртасида умидворлик қоларми эди. Бунинг ўрнига Султон Ҳусайн Бойқаро *“Тирмиз, Килиф ва Карки гузарларида кема мунча ясанг, кўприк асбоби бу миқдор тайёр қилинг, юқори Тўққуз ўлим гузарларини яхши эҳтиёт қилинг”*⁷⁰ деган ҳукмлар чиқарса, одамларнинг кўнгли кўтарилган бўлур эди, деб хулоса қилади Бобур.

Яна бир мактуб Бобур томонидан Шоҳбек билан Муқимга юборилган. Унинг мазмуни “Бобурнома”да келтирилади: *“Сизларнинг сўзунгиз била келдук, ўзбекдек ёт ёғи Хуросонни олди, келинг! Не таврким, салоҳи давлат бўлса сизларнинг иттифоқ ва савобдийдангиз била қарор берали”*⁷¹. Улар эса кўпол жавоблар берганлар. Яна Шоҳбек Бобурга битилган хатнинг ўртасига ўзига мансуб бўлмаган жойга муҳр босган. Ана шу густоҳлиги туфайли Шоҳбекнинг бошига мушкilotлар тушди.

Яна бир хат Бобурнинг хотини Моҳим томонидан йўлланиб, бу хатда энди туғилажак фарзандни ўз тарбиясига олишга рухсат беришини сўраб ёзади. Бобур бу хатга ўз муносабатини билдириб, Ҳиндолни Моҳимга бериб, хатлар битиб, Юсуф Али рикобдорни Кобулга юборади.

Юқоридаги мулоҳазалардан кўринадик, асарда келтирилган хатлар биринчи навбатда, ўша давр воқеалари, қаҳрамонлар характери ҳақида маълумот берса, иккинчи навбатда, Бобур ҳаётининг ёрқин нуқталарини очишга, унинг характер-хусусиятларини белгилашга ёрдам беради.

⁷⁰ Ўша асар. 103-б.

⁷¹ Ўша асар. 156-б.

Асар композициясида воқеалар занжирини мустаҳкамлашда ва муаллиф-қахрамон руҳиятини очиб беришда тушларнинг ҳам ўрни жуда катта. Асар давомида икки воқеанинг сабаби туш билан изоҳланади. Биринчи туш Бобурнинг Самарқанд тахтини олиш воқеаси билан боғлиқ. Қахрамон Бобур Самарқанд тахтини неча кунда олиш мумкинлигини сўраб амирларига мурожаат қилганда, улар мулоҳаза қилиб турли хил фикрларни билдиришади. Шу воқеадан сўнг Бобурнинг Самарқанд тахтини ўн тўрт кунда олишининг изоҳи келтирилади: *“Ушул фурсатта ажаб туш кўрдум. Туш кўрарманким, ҳазрати Хожа Убайдулло келмишлар, мен истиқболларига чиқмишмен, Хожа келиб ўлтурдилар. Хожанинг олига золибо бетакалуфроқ дасторхон солмишлар. Бу жиҳаттин ҳазрат Хожанинг хотирига нима келмиш. Мулло Бобо менинг сари боқиб ишорат қиладур. Мен ҳам имо била дедимким, мендин эмастур. Дасторхон солгучи тақсир қилибтур. Хожа фаҳм қилиб, бу узр масмуъ тушди. Қўптилар. Узата чиқтим. Ушбу уйнинг долонида ўнг қўлумдин ё сўл қўлумдин тутуб андоқ кўтардиларким, бир оёғим ердин қўпти. Туркий дедиларким, Шайх маслаҳат берди. Ўшул неча кунда-ўқ Самарқандни олдим*⁷². Демак, Хожа Убайдулло Бобур тушига кириб, унинг Самарқандни олишига ишонч беради.

Иккинчи туш воқеаси бевосита Бобур ҳаётининг асраб қолиниши билан боғлиқдир. Аҳмад Танбалдан енгилиб, душман орасида қолган Бобурни қутқариш учун Қутлуқ Муҳаммад барлос бошчилигидаги навкарлари Бобур турган жойга етиб келишади. Шунда Бобур уларнинг қандай хабар топганини сўрайди: *“Қутлуқ Муҳаммад барлос дедиким, Ахсидин қочиб чиқганда сиздин айрила тушганда Андижон келдимким, хонлар ҳам Андижон келибтурлар. Мен туш кўрдумким, Хожа Убайдулло дедиларким, Бобур подшоҳ Карнон деган кенттадур, бориб ани олиб келингким, подшоҳлиқ маснади анга тааллуқ бўлубтур. Мен бу тушни*

⁷² Ўша асар. 79-б.

кўруб, хушҳол бўлуб, улуг хон, кичик хонга арз қилдим, хонларга дедимким, менинг беш-олти ини, ўғлум бор, яна бир неча йигит қўшунгиз, Карнон тарафидин бориб хабар олайин”⁷³. Бобур ҳаёти ушбу туш сабабли асраб қолинади. Йўкса, Бобурнинг тўхтаган жойи ва ҳаёти хавф остида эканлигини қандай билиб олиш мумкин бўларди?!

Ички нутқларнинг ҳам асар композициясидаги ўрни алоҳида.

“Бобурнома”нинг асосий қаҳрамони Бобур ўзининг энг чуқур ҳис-кечинмалари, фикр-ўйлари, ўз-ўзини танқиди ва фахриясини, юрагида нимаики бўлса, ҳаммасини ушбу китобда баён этган. У замондошларининг характери ва фаолиятини қанчалар очиқ-ойдин кўрсатган бўлса, ўзига ҳам худди шундай муносабатда бўлган. Ҳаққонийлик Бобурнинг энг асосий мезони ва асл қондаси эдики, ундан ёзувчи ҳеч қачон чекинмайди. Бу “Бобурнома”даги қаҳрамоннинг, яъни Бобурнинг ички нутқларида айниқса рўй-рост кўзга ташланади.

“Бобурнома”нинг биринчи саҳифаси бундай ички нутқ билан бошланади: *“Тенгри таолонинг инояти билан ва ҳазрати он Сарвари коинотнинг шафоати ва чаҳорёри бософоларнинг ҳиммати бирлан сешанба кун рамазон ойининг бешида тарихи секкиз юз тўқсон тўққузада Фарғона вилоятида ўн икки ёшта подшоҳ бўлдум”*⁷⁴. Албатта, бу сўзлар ўша фурсатдан анча кейин ёзилган. Лекин бу нутқда ҳам фахр, ҳам ҳаяжон, ҳам шукрона, ҳам жавобгарлик ҳиссини онглав, сезилиб туради. Айни замонда бу сўзлар ўша туйғуларнинг ҳаммаси ҳаёт синовидан ўтгандан сўнг, бу кечинмалар соҳиби катта ҳаёт тажрибаси касб этганидан сўнг ёзилган. Шундай бўлсада, бу кичик нутқ орқали ҳам бошига оғир ташвишлар тушган ўн икки яшар бола, ҳам ҳаётнинг кўп аччиқ-чучугини тотиб тобланган улутсифат бир шахс ўқувчи кўз олдида гавдаланади.

⁷³ Ўша асар. 100-б.

⁷⁴ Ўша асар. 34-б.

Бобур ҳарбий ва сиёсий воқеаларни тасвирлар экан, уларга ўз муносабатини ички нутқлар орқали баён эта боради. 901 (1495-1496) йил воқеалари ичида Қундуз яқинида Бадиуззамон Мирзо билан Ҳисор ҳукмрони Хисравшоҳ ўртасида бўлган урушда, Бадиуззамон кўшини кўрқоқлик қилиб хандақлардан чиқмади. Хисравшоҳ бу курашда ғолиб чиқди. Бобур Хисравшоҳнинг бу жангдаги муваффақиятини кинояли ифодаларда баҳолайди. Хисравшоҳ ёмонлик, зулм ва бедодни ўзига шиор қилган киши эди. У кўп вилоятлар олди, катта лашкарга эга бўлди. Аммо умрида бирдан-бир ютуғи фақат шу бўлди. Шунга қарамай, Хисравшоҳ ва унинг одамлари сардор ва мардона деган от қозондилар. *“Хисравшоҳ бу ўтар дунёйи бебақо учун ва кетар навқари бевафо учун мунча ёмонлик ва бадномликни ихтиёр қилиб ва мунча зулм ва бедод қилмоқни ўзига шиор қилиб мунча улўз вилоятлар олиб, мунча қалин навқар ва савдар сахламоқ тарҳин солиб, балки сўнгралар навқар ва чоқари йиғирма-ўттиз мингта тортиб вилоят ва парканоти ўз подшоҳи ва мирзоларидан ортиб, умрида қилгон иши ушбу бўлди. Ушмунча била Хисравшоҳ ва тавобининг оти сардорлиққа чиқиб мардона бўлдилар”*⁷⁵. Хисравшоҳнинг Балхда Бойсунғур Мирзони ва унинг одамларидан бир нечтасини қатл этганини ёзар экан, Бобур қаттиқ ғазаб билан дейди: *“Хисравшоҳ бадбахт қофири неъмат, салтанат дағдағаси билаким, салтанат андоғ нокас, беҳунарларга не наветгай! Не асл, не насаб, не ҳунар, не ҳасаб, не тадбир, не шижоат, не инсоф, не адолат”*⁷⁶.

Бу ички нутқда Хисравшоҳнинг тубанлиги, нокаслигига қарши юрагидаги нафрат, қаҳру-ғазаб ва жирканувни муаллиф-қаҳрамон заррача яширмайди, аксинча баланд овоз билан ҳайқириб билдиради. Хисравшоҳдек пасткашнинг салтанатга номуносиблигини кўрсатар экан, айни замонда Бобур салтанат эгаси бўладиган кишининг қандай сифатларга эга бўлмоғини ўзи қандай тасаввур қилишини ҳам аён этади.

⁷⁵ Ўша асар. 53-б.

⁷⁶ Ўша асар. 71-б.

Бобурнинг фикрича салтанат эгалари асл, насаб ва ҳасабдан ташқари хунар, тадбир, шужоат, инсоф ва адолат соҳиби бўлмоқлари шарт.

Баъзан “Бобурнома”да муаллифнинг ички нутқи воқеалар баёнидан қилинган хулосадай эшитилади. Улар ҳикматли гаплардай лўнда, қисқа ва пурҳикмат.

Масалан Бобур Ҳусайн Бойқаро ва ўғилларининг маишатга берилиб кетганларини ёзар экан, ўзича бундай фикр қилади:

“Муқаррардурким, мундоқ бўлгон киши андоқ шикаст топқай ва бу навъ ўтган элга ҳар ким даст топқай”⁷⁷.

Бобур ўзининг баъзи ҳарбий ҳаракатларининг натижасиз бўлганини айтгач, бундай хулосага келади: *“Чун салтанат дағдағаси ва мулкғирлик доияси бор, бир қатла икки қатла иш юрумаган била боқиб ўлтуруб бўлмас”⁷⁸.*

Шу айтилганларга амал қилиб, Бобур икки юз қирқ киши билан дадил ҳужум қилиб 906 йили (1500) Самарқандни эгаллади. Маҳаллий аҳолининг қувватларига суяниб бу ерда ўз ҳокимиятини ўрнатди ва мустаҳкамлади. Ана шу ғалаба муносабати билан Бобур ички нутқ орқали хулосавий фикрлар баён қилади.

“Мен Самарқанд олгонда ўн тўққуз ёшта эдим. Не кўп иш кўруб эдим, не тажриба бўлуб эди. Иккинчи буким, менинг ганимим Шайбонхондек пуртажрибаю ва кўп иш кўрган ва улуг ёшлиқ киши эди. Учинчи буким, бизга Самарқанддин ҳеч киши келмайдур эди. Агарчи шаҳр эли манга кўнгулук эди, вале Шайбонхоннинг қўрқунчидин ҳеч киши бу хаёлни қилаолмас эди. Тўртунчи буким, менинг ганимим қўргонда эди, ҳам қўргон олилди, ҳам ганимим қочурулди. Бешинчи буким, бир мартаба Самарқанд қасдига келиб, ганимга тўйдуруб, иккинчи мартаба келганда тенгри рост келтурди, Самарқанд фатҳ бўлди”⁷⁹.

⁷⁷ Ўша асар. 57-б.

⁷⁸ Ўша асар. 65-б.

⁷⁹ Ўша асар. 80-б.

Бу гаплардан олдин Бобур Султон Ҳусайн Бойқаронинг Ҳиротни олиб ғаними Ёдгор Муҳаммадни қўлга туширгани билан қиёс қилади. У Султон Ҳусайннинг қулай шароитда иш тутганини айтади. Сўнгра ўзининг шароити билан уни таққослайди.

Бобур шуларнинг ҳаммасини айтиб бўлгач, ҳақиқат шундайлигини таъкидлаб ёзади:

“Бу дегонлардин гараз элга санги камурмоқ эмас, баёни воқий бу эдиким, мазкур бўлди. Бу тилиганлардин мақсуд ўзни орттурмоқ эмас, рости бу эдиким, мастур бўлди”⁸⁰.

Бу ички нутқ Бобурнинг юрагидан чиққан нидолардан иборат. Унинг бош қисмида Султон Ҳусайн Мирзонинг қандай қилиб Ҳиротни қўлга киритгани тўғрисида сўз юритилади. Унинг сабаблари ҳам бешта: 1. Султон кўп иш кўрган, тажрибали, катта ёшли подшоҳ эди; 2. Унинг душмани Ёдгор ўн етти, ўн саккиз ёшли бетажриба бола эди; 3. Душман ичида турган Мир Али Мирохўр Султонга кишилар юбориб уни келтирди; 4. Душман кўрғонда эмас, боғда ёлғиз эди; 5. Султон билдирмай келиб душманни босди. Демак Бобур билан Султон Ҳусайннинг ғалабаси натижа жиҳатидан ўхшаш бўлсада, моҳият жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қилар эди. Бобур ана шу фарқни ишонарли далиллар ва ҳаяжон билан ўз ички нутқида очиқ бермоқда.

Бу ички нутқ ҳукмрон-қаҳрамон Бобурнинг мулоҳазаларидан иборат.

Бу келтирилган мисоллар “Бобурнома” муаллифи ва қаҳрамонининг тарихий ҳақиқатни рўй-рост ва ошкор ёритганлигидан гувоҳлик бериб туради.

Шундай қилиб ички нутқлар орқали биз “Бобурнома” қаҳрамонининг характери, юз бераётган тарихий воқеаларга муносабати билан танишамиз. Яна бу қаҳрамоннинг фикрида ҳоким бўлган, ўй, режа,

⁸⁰ Ўша асар. 81-б.

хулосаларни кўрамиз. Ички нутқлар “Бобурнома”нинг бадиий қийматини оширади, тарихий воқеаларнинг илдизи, моҳияти, оқибатлари ва бу воқеаларнинг асар композициясидаги ўрни билан танишмоққа ёрдам беради.

Ниҳоят бу ички нутқлар Бобурнинг жонли инсон, ҳаяжон ва нозик кечинмаларга тўла руҳий дунёсини очиб беради, бу дунёнинг ҳаққоният, назокат ва тафаккур дурдоналари билан тўлиб тошганини намоён этиб туради.

Хуллас, “Бобурнома” жуда пухта қурилган композицияга эга асардир. Асар сюжетининг пухталиги, асардаги композицион воситаларнинг аниқлик билан жойлаштирилганлиги бу фикрларни исботлайди .

II боб бўйича хулосалар

“Бобурнома” тарихий мазмунда бўлгани сабабли ҳаётий-тайёр сюжетлар асосида яратилган. Шу сабабли ҳам бу асар реалистик насрнинг энг етук намунаси сифатида баҳоланган. Умаршайх мирзо, Бойсунқур мирзо, Султонали мирзо, Шайбонийхон ҳаёти воқелари, шунингдек, Хуросонда Ҳусайн Бойқаро ўғиллари билан кечган воқеалар ёзилажак асар учун тайёр ҳаётий сюжет эди.

Асар воқеалари кетма-кет содир бўлганлиги учун хроникал сюжет дея оламиз. Асарда сюжет унсурларидан ҳисобланган экспозициянинг ўрни жуда аҳамиятли. Деярли ҳар бир воқеа олдидан муаллиф батафсил тушунтириш беради. Хусусан, Андижон, Самарқанд ва унинг атрофи, Хуросон, Кобул, Ҳиндистон мамлакатлари тасвири фикримнинг далилидир.

“Бобурнома” воқеалар шу даражада жадалки, буни асардаги тугунлар сонининг кўплиги билан изоҳлаш мумкин. Сабаби бош қаҳрамон, яъни ҳикояси қаҳрамон ҳаёти ҳамиша алғов-далғовларга тўла бўлган. Асардаги биринчи тугун Умаршайх мирзонинг ўлими. Айнан шу воқеа туфайли

асарга Бобур шахси кириб келади. Унинг алғов-далғовларга тўла ҳаёти айнан шу воқеа сабаб бошланади.

Асар воқеаларини кузатиш жараёнида бир нечта кулминацион нуқталарни кўриш мумкин. Хусусан, Бобурнинг ўлимдан қолиш лавҳаси. Бундай ҳолат жуда кўп бор юз беради. Дастлаб, Самарқандда 100 кун подшоҳлик қилган пайтлари бир ўлимдан қолган бўлса, сўнгра сарсон саргардонликда юрган кезлари ана шундай ҳолат кузатилади.

Энг асосий кулминация Малика Байда томонидан Бобурнинг заҳарланиш воқеасидир.

Сюжет воқеалари асосан, Андижон, Самарқанд, Тошкент, Хуросон, Кобул ва Ҳиндистонда бўлиб ўтади.

Асарда портрет ва пейзажнинг ўрни ниҳоятда катта. Бу асарнинг бадиийлигини таминлайдиган жиҳатлардандир. “Бобурнома”да 6 образнинг мукамал портрети берилади. Булар: Умаршайх мирзо, Султон Аҳмад мирзо, Султон Маҳмуд мирзо, Хисравшоҳ, Бойсунқур мирзо, Ҳусайн Бойқаро

“Бобурнома” композицион жиҳатдан 3 катта қисмдан иборат:

1. Биринчи қисм Фарғона деб номланиб, бу қисмда асар воқеалари тасвирланган 10 бўлим келтирилади. Бу қисм воқеалари муаллиф-қаҳрамон ҳаётининг 9 йилини қамраб олади.

2. Иккинчи қисм Кобул деб номланиб, бу қисмдаги воқеалар 7 бўлимда тасвирланади. Бу муаллиф-қаҳрамон Бобур ҳаётининг 17 йилини қамраб олади.

3. Асарнинг якуний қисми Ҳиндустон деб номланиб, бу қисмидаги воқеалар эса 5 бўлимда баён этилади. Бу қисм орадаги воқеалар тасвирида узилишлар бўлганлиги сабабли 1525 йил воқеалари тасвирдан бошланади. ва 1529 йил воқеалари тасвири билан якунланади. Бу муаллиф-қаҳрамон Бобур ҳаётининг атиги 4 йилини қамраб олади.

Ҳар бир бўлимда келтирилган воқеалар асосий қаҳрамон Бобур сиймоси орқали туташади.

Асар композициясида асар воқеаларига боғлиқ равишда берилган шеърлар, мақоллар, ички нутқ ва туш тасвирларининг ўрни ҳам жуда аҳамиятли.

III боб. “Бобурнома” сюжети ва композициясида образлар тизимининг ўрни

3.1. Тарихий сиймоларнинг ўрни

Асар юзасидан тадқиқот олиб борган М.Абдуллаеванинг маълумотига кўра, “Бобурнома”да ҳаммаси бўлиб 1540 нафар киши номлари тилга олинган бўлиб, шундан 357 нафари мовароуннахрлик тарихий шахсларнинг номларидир. Қолган қисми эса турли даврда, турли мамлакатларда яшаган тарихий шахслар номидир⁸¹. Лекин биз “Бобурнома” асарининг С.Ҳасанов томонидан тайёрланган нашрида 1453 нафар тарихий шахс номи тилга олинганлигини аниқладик. Улар орасида жуда кўп тарихий шахслар (темурий ҳукмдорлар, ҳарбий амалдорлар, илм-фан ва санъат намояндалари)нинг, шоир ва ижодкорларнинг портретлари, руҳиятлари моҳирона чизилган, уларнинг хатти-ҳаракатлари, фаолиятлари баёни орқали шахсий хусусиятлари – характерлари очиб берилган. Тарихий шахсларнинг қиёфалари ва фазилатларини ёритганда, Бобур уларга нисбатан ҳаққоний муносабатда бўлишга, уларнинг яшаш тарзи ва шароитидан келиб чиқиб, феъл-атворларининг энг муҳим жиҳатларини мумкин қадар аниқ ва ихчам ибораларда, лўнда ифодалашга ҳаракат қилган.

“Бобурнома” да бир неча юз тарихий шахслар, уларнинг фаолияти ва саргузаштлари тасвир этилади. Булар шоҳлар, вилоят ҳокимлари, амир-амалдорлар, аскар бошлиқлари, дин пешволари, аскарлар, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳллари, деҳқонлар, хунармандлар, қуллар ва бошқа ижтимоий гуруҳдаги, лавозим ва касб-кордаги кишилардир. Бобур бу образларни тасвирланаётган воқеалардаги ролига қараб бирлари ҳақида кенг ва батафсил сўзлайди, иккинчи бирлари ҳақида қисқа маълумот беради, бошқа бирларини бирон муносабат билан тилга олади ёки эслаб ўтади. У воқеаларнинг ривожига муҳимроқ ўрин тутган Умаршайх мирзо, Ҳусайн

⁸¹ Абдуллаева М. “Бобурнома” ва “Шажараи турк”нинг қиёсий поэтикаси. -Т., 2002. 68-б.

Байқаро, Султон Аҳмад Мирзо, Хисравшоҳ каби тарихий шахсларнинг фаолияти ва саргузаштларини баён этиш билан бирга, уларнинг шакл-шамойили, насл-насаби, маънавий қиёфаси, хислати, хулқ-атвори, кишиларга муносабати, маданий савияси ва бошқа жиҳатларни ҳам тасвирлайди

Асарда иштирок этган образларни уларнинг асар сюжети ва композициясида тутган ўрнига кўра 3 гуруҳга ажратиб таҳлил қилдик.

- 1. Тарихий шахслар образи.**
- 2. Ижодкор шахслар образи.**
- 3. Аёллар образлари.**

“Бобурнома”да берилган образлар асар матнида турли муносабатлар билан тилга олинади. Ҳар бир образга берилган ҳолис муносабат асарнинг қимматини янада оширган.

Структурал таҳлилда асардаги барча персонажлар орасидан нисбатан фаол иштирокчилар ажратиб олиниб, уларга алоҳида тавсиф бериш тажрибаси мавжуд. Худди шундан келиб чиққан ҳолда Бобур тарихий шахслардан олти киши ҳақида батафсил маълумот берганини кузатиш мумкин. Булар:

1. Умаршайх мирзо.
2. Султон Аҳмад мирзо.
3. Султон Маҳмуд мирзо.
4. Хисравшоҳ.
5. Бойсунқур мирзо
6. Ҳусайн Бойқаро.

Дастлаб, тилга олинган тарихий шахсларнинг насл-насаби ҳақида маълумот берилади, сўнг шакл ва шамойили □ кўриниши тўғрисида тўхталилади. Сўнгга масофлари, яъни олиб борган урушлари, вилоятлари, яъни эгалик қилган мулклари, авлодлари, оила аъзолари, умароси, яъни амирлари ҳақида маълумот берилади. Асарда фақатгина маълумот бериш билан чекланмай, Бобур ҳар бир шахсга ҳолис муносабат билдиради:

“...Хисравшоҳ бадбахт кофири неъмат салтанат дағдағаси билаким, салтанат андоғ нокас, беҳунарларга не навъ етгай! Не асл, не насаб, не ҳунар: не ҳасаб, не тадбир, не шужоат, не инсоф, не адолат! Бойсунқур мирзони беклари била тутуб, Бойсунқур мирзога кериш солиб, муҳаррам ойининг ўни эрдиким, мундоқ хуштабъ ва пурфазилат ва ҳасаб ва насаб била ораста подшоҳзодани шаҳид қилди. Беклари ва ичкиларидин ҳам бир нечани ўлтурди”⁸². Бу тасвир орқали Бобур, илк навбатда Бойсунқур мирзо шахсиятига оид ижобий фикрларини билдиради, шунингдек, Хисравшоҳ образига хос бўлган иллатларни қаҳр билан тилга олади.

“Бобурнома”да тарихий сиймолар образи асосий ўринни эгаллайди. Тарихий образларни асардаги иштироки, эгаллаб турган вазифалари, касби ва ижтимоий аҳволига кўра беш гуруҳга ажратган ҳолда таҳлил қилдик:

1. **Ҳукмдорлар образи:** Умаршайх мирзо, Абдулазиз мирзо, Бадиуззамон мирзо, Бойсунқур мирзо, Ҳусайн Бойқаро, Султон Маҳмуд, Султон Аҳмад, Улуғбек мирзо, Шайбонийхон ва бошқалар;

2. **Амирлар образи:** Дарвеш Алибек, Муҳаммад Бурундук барлос, Жаҳонгир барлос, Нуёнбек, Зуннун арғун ва бошқалар;

3. **Вазирлар образи:** Мажиддин Муҳаммад, шайхулислом Сайфуддин Аҳмад, Мавлоно Шайх Ҳусайн, Муллозодаи Мулло Усмон, Мир Муртоз, Мулло Масъуд Ширвоний ва бошқалар;

4. **Дин пешволари образи:** Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Мир Сарбарахна, Камолиддин Ҳусайн Гозургохий ва бошқалар;

5. **Ҳарбий амалдорлар образи:** Диловархон, Қосимбек ва бошқалар.

Булар орасида ҳукмдорлар образлари асар воқеаларинг асосий иштирокчиси ва асар композициясида етакчи мавқе эгаллагани учун улар ҳақида изчил маълумот беришга ҳаракат қилдик.

⁸² Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”, Т.: “Шарқ” НМАК, 2002. - Б.71

1. Бойсунқур мирзо. Асарда ушбу образ 57 мартаба тилга олинади. Илк бор муаллиф Султон Аҳмаднинг умароларидан бири Дарвеш Муҳаммад тархон тўғрисида маълумот бераётиб бу образга тўхталади. Бунда Бойсунқур мирзонинг Султон Али мирзо билан бўлган жанги воқеаси эсланади. Кейинги тасвирда Султон Маҳмуд мирзонинг авлоди ҳақида тўхталаркан, Бойсунғур мирзо хусусида қуйидагича маълумот берилади: “...*Яна бир ўғул Бойсунқур мирзо эди. Онаси Пашабегим эди*”⁸³. Демак, ушбу қўшимча маълумотдан маълум бўладики, Бойсунғур мирзо Султон Маҳмуднинг иккинчи ўғли бўлиб, унинг онаси Пашабегимдир. Султон Маҳмуд мирзонинг 11 қизидан 3 таси Бойсунқур мирзо билан бир онадан туғилган, яъни унинг қондош опа-сингиллари эди. Кейинги тасвир Султон Маҳмуд мирзонинг умароси қисмида учрайди ва унда Бойсунқур мирзонинг бек аткаси Аюб эканлиги айтиб ўтилади. Навбатдаги тасвирларда Бойсунғур мирзонинг Самарқандда подшоҳликка ўтириши ҳақида маълумот берилади. Унга кўра, Султон Маҳмуд мирзо ҳаётлигида Бойсунғур мирзога Бухоро ҳокимлигини берган Самарқанд ва Ҳисор беклари тил бириктириб, Самарқанд тахтига Бойсунқур мирзони ўтирғизган, Бойсунғур мирзо подшоҳлик тахтига ўтирганда ўн саккиз ёшда бўлган. Шунингдек, асарнинг кейинги ўринларида Султон Муҳаммаднинг Бойсунқур мирзога қарши қўшин тортгани, Иброҳим Сорунинг Бойсунқур мирзо отига хутба ўқитиб муҳолифат мақомида бўлгани баёни берилади. Кейинги тасвирларда Бойсунқур мирзонинг Султон Али мирзо билан бўлган жанги тафсилотлари, шунингдек, Хисравшоҳ билан бўлган муносабати баён этилади.

Хуллас, темурий шаҳзодалардан бири бўлган Бойсунқур мирзо Султон Маҳмуд мирзонинг иккинчи ўғли бўлиб, тахаллуси □ Одилий. Аввал Бухоро ҳокими, 18 ёшида эса Самарқанд подшоҳи бўлган. Хисравшоҳнинг ҳийласи билан ўлдирилган. Асар воқеалари давомида

⁸³ Ўша асар. 48-б.

ўзига хос ўринга эга бўлган бу образ орқали муаллиф-қаҳрамон ҳаётининг маълум бир жиҳатлари боғлайди.

2. “Бобурнома”да темурий ҳукмдорлардан энг йириги бўлган Султон Ҳусайн Бойқаро номи 108 маротаба тилга олинган. “Бобурнома”да Бобур Ҳусайн Бойқаронинг ҳар икки тарафдан – ота томонидан ҳам, она томонидан ҳам темурийзода “карим-ут тарафайн” (икки тарафлама улуғ) эканлиги таъкидланади. Асарда Султон Ҳусайн мирзо номи билан тилга олади. Бир ўринда унга: “Султон Ҳусайн мирзо кордон ва соҳиб тажриба подшоҳ эди”⁸⁴, дея баҳо беради.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг ташқи кўринишини: “...қийик кўзлук, шерандом буйлук киши эди. Белидин қуйи ингичка эди...”⁸⁵, – дея тасвирлайди.

Ахлоқ ва атвори ҳақида ревматизм касали билан оғригани учун намоз ўқий олмаслиги, яхши улфат, хушхулқ киши эканлигини, сўзи ҳам хулқидек эканлигини, ҳаттоки бир марта бир ўғли бир кишини ўлдиргани учун ўғлини хунталаблар қўлига топширгани ва шу каби маълумотларни келтиради.

Мардлиги ҳақида: “Шужоъ ва мардона киши эди. Борлар ўзи қилич тегурубтур, балки ҳар маъракада борлар қилич тегурубтур. Темурбек наслидин ҳеч ким маълум эмаским, Султон Ҳусайн мирзоча қилич чопмиш бўлғай”⁸⁶, – дея хабар беради.

Шеърӣ иқтидори хусусида: “Таъби назми бор эди. Девон ҳам тартиб қилиб эди. Туркий айтур эди. Тахаллуси “Ҳусайний” эди. Баъзи байтлари ёмон эмастур, вале мирзонинг девони тамом бир вазндадур”⁸⁷. Кўринадики, Ҳусайн Бойқаро девонининг бир вазндаги асарлардан таркиб топгани Бобурга маъқул эмас.

⁸⁴ Ўша асар. 52-б.

⁸⁵ Ўша асар. 128-б.

⁸⁶ Ўша асар. 128-б.

⁸⁷ Ўша асар. 129-б.

Урушлари, қилган жанглари ҳақида тўхталар экан Ҳусайн мирзонинг 13 қатла қилган уруши ҳақида батафсил маълумот беради.

Авлоди ҳақида гапирар экан 14 ўғил 11 қизи бўлганлигини айтади. Асарда Султон ҳарами хусусида батафсил маълумот берилади. Хусусан, Султон Ҳусайн мирзонинг 5 хотини ва 4 ғума, ғунчачиси ҳақида тўхталади. Маълумотларни бериш жараёнида такрорларга йўл қўйилган. Хусусан, Опоқбегим ҳақида маълумот бера туриб, Попо оғача ҳақида ҳам тўхталади. Сўнг Попо оғача ҳақида гапирганда юқоридаги маълумотлар такрорланган.

Бобур Ҳусайн Бойқаронинг умаролари ҳақида тўхталиб, 36 та амир номини тилга олади.

Судурлари қаторида эса Мир Сарбарахна ва Камолиддин Ҳусайн Гозургохий номини тилга олади. Шунингдек, Султон Ҳусайн мирзонинг 11 вазири ҳақида ҳам маълумот беради.

“Шуародин” рукнида эса ўзига замондош бўлган 14 шоир, 3 рассом, 8 мусанниф ва бир қанча мусикачилар ҳақида маълумот беради.

Бобур бир неча ўринда Ҳусайн Бойқаро шахсига ва унинг қилган ишларига танқидий муносабат ҳам билдириб ўтган. Хусусан, Шайбоний босқини арафасида теурий шахзодалар қатори Султон Ҳусайн мирзонинг қилган ишини маъқулламайди. Бобур Султон Ҳусайн мирзодек мардона ва соҳиб тажриба подшоҳ мадад қилмай, кўмак бермай, Шайбоқхон ҳузурига Камолиддин Ҳусайн Гозургохийни элчиликка юборганини хушламайди. Шу ўриндаги тасвирларда, Бобур Султон Ҳусайн Бойқарони *“Султон Ҳусайн мирзодек соҳиб тажрибалик подшоҳ”*, *“Султон Ҳусайн мирзодек Темурбек ўрунига ўлтурғон улуг подшоҳ”* каби танқидий таъкидлар билан сийлайди.

Хуллас, Бобур Ҳусайн Бойқаро образи тасвири орқали Хуросон, хусусан, Ҳирот адабий, сиёсий, ижтимоий муҳити, сарой ҳаёти ҳақидаги маълумотларни умумлаштирган.

Бу образ асар воқеаларининг фаол иштирокчиси сифатида, асар сюжети ва композициясида муҳим ўринни эгаллайди. Сабаби, муаллиф-қаҳрамон – Бобурнинг Хуросон ҳаёти билан боғлиқ ҳаёт лавҳалари айнан Ҳусайн Бойқаро ва унинг фарзандлари билан боғлиқ ҳолда кечади.

“Бобурнома”да энг кўп учрайдиган образлардан бири амирлар образидир. Асарда Ҳусайн Бойқаронинг 36 амири, Умаршайх мирзонинг 13 амири, Султон Аҳмад мирзонинг 11 амири, Султон Маҳмуд мирзонинг 6 амири номи санаб ўтилади. Шунингдек, Бобур ҳар бир шахс ҳақида қисқача бўлса-да, маълумот беради.

Биз ушбу амир образлари ичидан энг кўп тилга олинган ва асар воқеаларининг фаол иштирокчиси бўлган Дарвеш Муҳаммад тархон образини таҳлилга тортдик.

Дарвеш Муҳаммад тархон темурийлар хонадонидан бўлиб, асарнинг 14 ўрнида тилга олинади. У Ўрда Бўға тархоннинг ўғли, Султон Амад мирзо, Султон Маҳмуд мирзонинг тоғаси ҳисобланади. Асарда Султон Маҳмуд мирзонинг барча бекларидан улуғроқ ва мўтабарроғи эканлиги хабар қилинади. Бобур унинг шахсияти ҳақида тўхталиб, мусулмон, одми ва дарвешваш киши бўлганлигини таъкидлайди. Шунингдек, доимо Мусхаф ўқишини, шатранжни жуда кўп ва яхши ўйнашини айтади. Қуш илмини жудаям яхши билишини алоҳида тилга олади. Бу жиҳатлар қаҳрамон табиятини очиб берувчи калит вазифасини ўтайди.

Асарда Султон Маҳмуд мирзонинг умароларидан Муҳаммад Мазид Тархон ҳақида маълумот берилаётиб, яна Дарвеш Муҳаммад тархон номи зикр этилади ва Муҳаммад Мазид Тархон Дарвеш Муҳаммад тархоннинг туғишган иниси эканлиги қайд этилади.

Бойсунқур мирзо ва Султон Али мирзо ғавғосида Дарвеш Муҳаммад тархон Султон Али мирзо тарафида бўлган. Шу сабабли кейинги маълумотда Дарвеш Муҳаммад тархон Бухородан келгач, Султон

Али мирзони Қаршидин келтириб, подшоҳ кўтарганлиги ҳақида хабар берилади.

Кейинги тасвирда Дарвеш Муҳаммад тархоннинг жазоланиш воқеаси берилади. Бобур бу хусусда Дарвеш Муҳаммад тархон Бойсунқур мирзо ва Султон Али мирзо ғавғосида бадномлик билан ўлганлигини айтади.

Сўнгги маълумот Султон Аҳмад мирзонинг замонида бек ва амирлар жуда кўп боғлар солганлиги, шулардан Дарвеш Муҳаммад тархоннинг чорбоғича сафоли ва хушҳаво чорбоғ кам эканлиги ҳақидаги маълумотдир.

Бобур юқоридаги тасвирлар орқали, Дарвеш Муҳаммад тархоннинг тарихий шахс сифатидаги қиёфасини кўз олдимизда гавдалантиради. Унинг феъл-атвори, айрим хислатларини қайд этиш орқали шахсияти портретини чизади.

“Бобурнома”да вазирлар образлари тасвири ҳам ўзига хос ўринга эга. Шу сабабли ҳам вазир образларини таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Асарда Султон Ҳусайн мирзонинг 11 вазири ҳақида маълумот келтирилади. Булар:

1. Хожа Ато
2. Мажиддин Муҳаммад
3. Шайхулислом Сайфуддин Аҳмад
4. Мавлоно Шайх Ҳусайн
5. Муллозодаи Мулло Усмон
6. Мир Муртоз
7. Мулло Масъуд Ширвоний
8. Мир Жалолiddин муҳаддис
9. Мир Атоулло Машҳадий
10. Қози Ихтиёр
11. Мир Муҳаммад Юсуфлардир.

Ушбу тарихий шахслардан асар давомида батафсилроқ маълумот берилгани Муллозодаи Мулло Усмон образидир. Бу образ асарнинг икки ўрнида учрайди. Бобур Кобул туманларидан бири бўлган Лахугар тумани хусусида гапирар экан, бу туманнинг улуғ кенти Чарх экани ва Муллозодаи Мулло Усмон ҳам Чархдан эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, Улуғбек мирзо замонида ўн тўрт ёшида дарс айтгани сабаб Мулло Модарзод деб аташганини қайд этади. Кейинги тасвирда Ҳусайн Бойқаро билан муносабати қаламга олинади: *“Самарқанддан бориб Каъбани тавоф қилиб, Ҳирига келганда, Султон Ҳусайн мирзо манъ қилиб сахлади. Бисёр донишманд киши эди. Ул замонда онча донишманд киши йўқ эди”*⁸⁸. Бобур бу тасвир орқали Муллозодаи Мулло Усмон образига ўзининг холис муносабатини ҳам билдирмоқда.

Асарда Ҳусайн Байқаро саройидаги дин пешволари ҳақида ҳам маълумот берилади. Бунда Мир Сарбарахна, Камолиддин Ҳусайн Гозургохий хусусида тўхталинади.

Мир Сарбарахна. Бобур бу образни *“Андижон кентларидиндур”* дея таништиради. Хулқ-атвори хусусида: *“Бисёр хушсуҳбат ва хуштабъ ва ширинкалом киши эди. Хуросон фузалоси ва шуароси қошида анинг даҳли ва сўзи мўътабар ва санад эди”*⁸⁹, – дея хабар беради. Кўринадикки, Мир Сарбарахна ўз хулқи ва мартабаси билан ҳукмдорлар ва Хуросон аҳли орасида катта мавқега эга бўлган.

Камолиддин Ҳусайн Гозургохий. “Бобурнома”да бу образ ҳақида: *“Агарчи сўфи эмас эди, мутасаввиф эди. Алишербек қошида мундоқ мутасаввифлар йиғилиб, важд ва самоъ қилурлар экандур. Аксаридин мунинг усули яхшироқ экандур. Голибо сабаби риояти усули бўлубтур”*⁹⁰, – дея хабар беради. Бундан ўзга яхши фазилати йўқ эканлигини таъкидлайди. Камолиддин Ҳусайн Гозургохий томонидан тайёрланган бир

⁸⁸ Ўша асар. 137-б.

⁸⁹ Ўша асар. 136-б.

⁹⁰ Ўша асар. 136-б.

таснифга ўз муносабатини билдиради: *“Бир таснифи бор: “Мажлис ул-ушшоқ” отлиқ, Султон Ҳусайн мирзонинг отига боғлаб битибтур, бисёр суст ва аксар ёлгон ва бемаза беадабона ҳарфлар битибтур. Андоқким, баъзидин таваҳҳуми куфрдур”*⁹¹. Кўринадики, муаллиф асарида ифодаланган айрим фикрлар Бобурни қониқтирмайди. Шу сабабли ҳам асарга яхши муносабат билдирмайди.

Ҳарбий амалдорлар образи ҳам асарда ўзига хос ўринга эга. Биз ҳинд ҳарбий амалдорларидан бири бўлган Диловархон образини таҳлилга тортдик.

Диловархон Ҳиндистон амалдорларидан бири бўлиб, Бобур асарнинг *Ҳиндустон* қисмида бу образ ҳақида маълумот беради. Биринчи фикр унинг бир неча маҳал бандда, яъни ҳибсда эканлиги билан бошланади. Сўнг икки-уч ой бурун банддан қочиб, Лахўрга борганлиги айтилади.

Иккинчи бора эса Диловархоннинг Оламхон, Ҳожихон билан биргаликда Саҳринддан ўтиб Бобур лашкарларининг Малўтни олгани хабарини эшитганлиги қайд этилади.

Кейинги маълумотда: *“Диловархон чун ҳамиша давлатхоҳлиқ мақомида эди ва бизнинг учун уч-тўрт ой банд тортиб эди, айрилиб, Султонпурга кўчига келиб, биз Малўтни олгондин уч-тўрт кун сўнг Малўт навоҳисида бизга келиб, мулозамат қилди”*⁹², – дея маълумот берилади.

Навбатдаги қайдда Диловархоннинг иттифоқи била хунбахр таъйин қилинганлиги айтилади. Шунингдек, унинг Бибан билан муносабати ёритилади: *“Бибан ҳам ушбу юртта келиб, мулозамат қилди. Бу афғонлар кўп рустойи ва беҳуш эл бўладур. Бовужудким, Диловархон ҳам навкар ва ҳам мартабага андин улукроқ ўлтурмас, Оламхоннинг ўғлонлариким,*

⁹¹ Ўша асар. 136-б.

⁹² Ўша асар. 187-б.

подшоҳзодаларедур, алар ўлтурмас, бу ўлтурмоқ истидъо қилди, анинг номаъқулига ким қулоқ солур”⁹³!

Кейинги тасвир асарнинг “Фармони Захириддин Муҳаммад Бобур Ғози” қисмида берилган бўлиб, унда Диловархон “**аз умурои Ҳинд умдатул мулк хонохонон**” дея таърифланади ва у қўшиннинг баронғор қисмида ҳаракат қилганлиги айтилади. Навбатдаги тасвирда ҳам Диловархон Ҳиндистон умаролари каторида санаб ўтилади.

Демак, Диловархон образи тарихий шахс сифатида асарнинг 10 жойида тилга олинади. Унда Диловархоннинг бандда бўлгани, сўнг Лахўрга қочгани, Бобурга қуллуқ қилгани, жангларда қўшиннинг баронғор қисмида ҳаракат қилгани тўғрисида маълумот берилади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, тарихий образлар асар сюжети ва композициясида салмоқли ўринни эгаллайди. Шу сабабли ҳам асарда улар аниқ ва батафсил тавсифланади. Айримлари фаол ҳаракатда ва айримлари эса асарнинг маълум бир ўрнидагина учрайди.

3.2. Ижодкор шахсларнинг ўрни

“Бобурнома”да ижод аҳллари бўлган шоирлар, рассомлар, созандадар, машшоқлар, ҳофизлар тўғрисида ҳам жуда кўп ва қимматли маълумотлар берилган. Бобур шоирлардан, хусусан, Мир Алишер Навоий тасвирига батафсил тўхталган. Шунингдек, Камолиддин Бехзод, Абдурахмон Жомий, Муҳаммад Солиҳ, Қулмуҳаммад Удий ва бошқалар ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Бобур уларнинг ижодига ўзининг муносабатини билдирган. Биз “Бобурнома”да тасвирланган ижодкор шахслар образини 3 гуруҳга ажратиб таҳлил қилдик:

1. Шоирлар образи.
2. Рассомлар образи.
3. Созандадар образи.

⁹³ Ўша асар. 190-б.

Асарда шоирлардан Навоий ҳаёти ва ижодига батафсил тўхталинади. Бобурнинг Навоий ҳақидаги фикрларини кўздан кечирсак:

Бобур Навоий билан учрашмаган бўлса-да, лекин ёшлигидан унинг шахсига ва ижодига катта меҳр-муҳаббат билан тарбия топган. Бобур туғилган йили Навоий буюк “Хамса”ни ёзишга киришган, Самарқанд тахтини эгаллаган 1498 йили эса Навоий “Хазойин-ул маоний” девонини тузган.

“Бобурнома”да Алишер Навоий Алишербек номи билан 36 марта, Мир Алишер Навоий номи билан 7 марта тилга олинади.

“Бобурнома”да 1505-1506 йил воқеалари баён қилинар экан, Ҳусайн Байқаро ҳақида маълумот берилаётган ўринларда Бобур Алишер Навоийга ҳам тўхтайди. Жумладан, асарда шундай фикрларни кузатамиз: *“Алишербек назири йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас”*⁹⁴. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, Навоийнинг туркий тилда “кўп ва хўб айтқони” мана шу шаклда биринчи марта Жомий томонидан айтилган. Жомий “Баҳористон” асарининг 7-бобида Навоий ҳақида сўз юритиб, ана шундай образли фикр айтган эди.

Бобур давом этади: *“Олти маснавий китоб назм қилибтур, беиш “Хамса” жавобиди, яна бир “Мантиқ-ут тайр” вазнида “Лисон-ут тайр” отлиқ. Тўрт газалиёт девони тартиб қилибтур: “Ғаройиб-ус сизар”, “Наводир-уш шабоб”, “Бадойи-ул васат”, “Фавоид-ул кибар” отлиқ. Яна “Мезон-ул авзон” отлиқ аруз битибтур, бисёр мадҳулдур. Йигирма тўрт рубоий вазнида тўрт ғалат қилибтур”*⁹⁵.

Кўринадики, Бобур Навоийга танқидий муносабатда бўлмоқда. Бобур “Бобурнома”да Навоий хатолари ҳақида фикр айтса-да, “Мухтасар” асарида бу ҳақда тўхталмайди. С. Хасанов фикрига кўра, Бобур аввал котиблар томонидан нотўғри кўчирилган нусхани кўрган

⁹⁴ Ўша асар. 132-б.

⁹⁵ Ўша асар. 132-б.

бўлса, “Мухтасар”ни битишдан аввал тўғри матнни кўрган бўлса керакки, Навоий хатоларига тўхтамаган.

Бобур давом этади: *“Форсий девон ҳам тартиб қилибтур. Форсий назмда “Фоний” тахаллус қилибтур, баъзи абёти ёмон эмастур, веле аксар суст ва фурудтур”*⁹⁶. Яна танқидий фикрига дуч келмоқдамиз. Бу билан Бобур Навоийнинг туркий шеърларини форсий шеърларидан юқори қўймоқда. Бобур Навоийнинг мусикадан хабардор эканини, ўзи куйлар яратганини қайд этади: *“Яна мусиқада яхши нималар бозлабтур. Яхши нақшлари ва яхши нешравлари бордур”*⁹⁷.

Навоий адабиёт ва санъатнинг чинакам ҳомийси эди. Талантли ва иқтидорли кишиларни кадрлар, уларга моддий ва маънавий кўмак берар эди. Хирот ва бошқа жойлардан Хиротга келган иқтидорли кишилар Навоий кўмагида камолотга эришганлар. Бу ҳақда Бобур шундай ёзади: *“Аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаски, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлгай. Устоз Қулмуҳаммад ва Шайхий Ноий ва Ҳусайн Удийким, созда саромад эдилар, бекнинг тарбият ва тақвияти била мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар. Устоз Беҳзод ва Шоҳ Музаффар тасвирда бекнинг саъй ва эҳтимоми била мундоқ машҳур ва маъруф бўлдилар. Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлгай”*⁹⁸.

Маълумки, Навоий ўзини Аллоҳга бағишлаб, уйланмай ўтди. Бу масалани Бобур шундай қайд этган: *“Ўғул ва қиз ва аҳлу аёл йўқ, оламни тавре фард ва жариди ўткарди”*⁹⁹. Аммо Бобур бунинг сабабини кўрсатмайди. Бугунги адабиётшунослик бу масалани турлича талқин этади.

“Бобурнома”да Навоий қурдирган иморатлар ҳақида ҳам маълумотлар учрайди: *“Алишербекнинг ўлтурур уйлариним, “Унсия”*

⁹⁶ Ўша асар. 132-б.

⁹⁷ Ўша асар. 132-б.

⁹⁸ Ўша асар. 132-133-б.

⁹⁹ Ўша асар. 133-б.

дерлар, мақбара ва масжиди жомеиниким, “Қудсия” дерлар, мадраса ва ханакоҳким “Халосия” ва “Ихлосия” дерлар, ҳаммом ва доруш-шифосиниким “Софоия” ва “Шифоия” дерлар”¹⁰⁰.

Бобур Андижон шаҳри ҳақида маълумот берар экан, шундай ёзган: “Эли туркдур, шаҳар ва бозорасида туркий билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам била росттур. Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти, бовужудким Ҳирида наишъу нашо топибтур, бу тил биладур”¹⁰¹.

Бобур Навоий асарлари тилига Андижон шеваси асос бўлган деган фикр айтмоқда. Бобурнинг бу фикри кўпчилик олимлар диққатини тортган. В.В.Бартольд бу фикрини ўша даврдаги маданий шаҳар бўлган Андижонда тўғри тил, яъни адабий тилга яқин тил билан гапиришган деб тушунмоқ керак, дейди. У Навоий Андижонда бўлган эмас деб кўрсатади. П.Т.Мелпоранский сингари тилшунослар Навоий тилига қайси шева асос бўлганини аниқлаш масаласига ишончсизлик билан қарайдилар.

Бизнингча, Навоий асарлари тилига бир шевагина асос бўлган дейиш тўғри эмас. “Муҳокамат ул-луғатайн” асарини ўрганиш шуни кўрсатадики, Навоий туркий тил шеваларини пухта билган, туркий тил бойлигини кўрсатишда улардан кенг фойдаланган.

Навоий камолотида унинг ҳомийлари ҳам катта роль ўйнаган. Навоийга Абдулқосим Бобур, Ҳусайн Бойқаро, Аҳмад Ҳожибек, Камол Турбатий каби кишилар ҳомийлик қилганлар. Навоийнинг Машҳад, Самарқанд мадрасаларида ўқиган чоғлари шаҳар ҳомийси Аҳмад Ҳожибек Навоийни қўллаб турган. Бу ҳақда “Бобурнома”да шундай маълумотлар учрайди: “Мир Алишер Навоий Ҳиридин Самарқандга келган фурсатлар Аҳмад Ҳожибек била бўлур эди. Султон Ҳусайн подшоҳ бўлгондин сўнгга Ҳирига келди”¹⁰².

¹⁰⁰ Ўша асар. 146-б.

¹⁰¹ Ўша асар. 34-б.

¹⁰² Ўша асар. 45-б.

“Бобурнома”да Навоий ва Аҳмад Ҳожибек муносабатлари берилса-да, Навоий ва Камол Турбатий муносабатлари берилмаган.

Навоийнинг Самарқандга келиши масаласи ҳам “Бобурнома”да қайд этилган: *“Билмам не жарима билан дурким, Абу Саид Мирзо Алишербекни Ҳиридин Самарқандга ихром қилди”*¹⁰³.

“Бобурномада” Навоий ҳаётининг сўнгги куни шоирнинг вафоти ҳақида шундай маълумот учрайди: *“Султон Ҳусайн мирзо Астрабод черикидин ёнғонда истиқболга келди, мирзо била кўрушуб қўпқунча, бир ҳолати бўлди қўполмади, кўтариб элтдилар. Табиблар асло таиҳис қила олмадилар. Тонгласига-ўқ тангри раҳматига борди. Бир байти ҳасби ҳол воқиф бўлубтур:*

*Бу дард илаки ўлармен, мараз чу зоҳир эмас,
Табиблар бу балога не чора қилғойлар”.*

Хуллас, Бобур Навоий шахси ва ижодига алоҳида тўхталади. Асарларига муносабат билдиради. Унинг Навоий ҳаёти ва ижоди тўғрисида билдирган фикрлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Бобур ижод аҳлларида бўлган шоирлардан биргина Навоий эмас, балки бошқа шоирлар ижодига ҳам тўхталади. Ўзининг холис баҳосини беради. Бобур Султон Ҳусайн мирзони тавсиф қилар экан, унинг амиру умароси, ҳешу ақраболари, олиму фузалоларидан сўз юритади ва “Шуародин” рукнида ўзига замондош бўлган 14 шоир, 3 рассом, 8 мусанниф ва бир қанча мусиқачилар ҳақида маълумот беради. “Бобурнома”да берилган шоирлар образини шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин.

а) соф ижод аҳллари: Алишер Навоий, Биноий, Муҳаммад Солиҳ, Осафий ва бошқалар.

¹⁰³ Ўша асар. 132-б.

б) амирзода шоирлар: Маҳмуд барлос, Ҳасан Али жалойир, Шайхимбек Суҳайлий, Аҳмад Ҳожибек ва бошқалар.

Соф ижод аҳллари сифатида аслида туғма шоир, истеъдод эгаси, шу билан бирга саройда қайсидир вазифада фаолият юритган шахслар қаламга олинади. Соф ижод аҳллари образи сифатида қуйидаги шахслар таҳлил қилинди:

1. Осафий Ҳусайн Бойқаро саройи шоирларидан. Бобур унинг таҳаллуси сабабини қуйидагича изоҳлайди: *“Яна Осафий эди, вазирзода учун “Осафий” таҳаллус қилибтур¹⁰⁴”*. Ижодига эса қуйидагича баҳо беради: *“Шеъри ранг ва маънидин ҳоли эмастур. Агарчи ишқ ва ҳолдин бебаҳрадур¹⁰⁵”*. Шунингдек, Бобур унинг ғазалдан бошқа шеър турларида кам ижод қилганини ҳам айтиб ўтади. Демак, Осафий шоирнинг шеърӣй мероси, асосан, ғазал жанрига оид асарлардан таркиб топган экан.

2. Биноий. Бу шоир номи асарнинг 13 ўрнида учрайди. Асарда уни Мулло Биноий дея тилга олади. Дастлаб, Биноийни Хожа хизматида кўрганини ва сўнгроқ ўз хизматига ўтгани ҳақидаги хабарни беради. Таҳаллуси сабаби асарда қуйидагича келтирилади: *“...отаси Устод Муҳаммад сабз банно учун мундоқ таҳаллус қилибтур¹⁰⁶”*. Сўнг унинг ёзган шеърларига баҳо беради: *“...Ғазалида ранг ва ҳол бордур, девон тартиб қилибтур, маснавийлари ҳам бор. Бир маснавийси бор, мевалар бобида, мутақориб баҳрида, бемуҳассал нима дебтур, бекора қилибтур. Яна бир мухтасар маснавийси бор, ҳафиф баҳрида. Яна бир улўғроқ маснавийси бор, ул ҳам ҳафиф баҳрида, бу маснавийни сўнгралар тугатиб эди¹⁰⁷”*. Сўнг унинг мусикадан ҳам хабари борлиги, жумладан, “Нухранг” отли бир нақши борлиги айтиб ўтилади. Тасвирлардан бирида Мулло Биноийнинг Алишербек билан муносабати ҳам батафсил ёритилади.

¹⁰⁴ Ўша асар. 138-б.

¹⁰⁵ Ўша асар. 138-б.

¹⁰⁶ Ўша асар. 138-б.

¹⁰⁷ Ўша асар. 138-б.

Алишербек билан муносабати ёмонлашгани учун Ҳиротда тура олмай, Ироқ ва Озарбайжонга, Яъқуббек қошига борганлиги, Яқуббек ўлгач яна Ҳиротга қайтиб келганлиги айтилади.

Шайбонийхон Ҳиротни эгаллаган пайтидаги воқеалар тасвирида Биноий номи яна тилга олинади. Шайбонийхон Ҳиротни бўйсундиргач, шоир аҳлини Биноий қўл остига ўтказгани ҳақида хабар беради ва шу муносабат билан ўша пайтда машҳур бўлган бир қитъани келтиради. Унда Биноий номи ҳажв қилинган эди. Хуллас, асарда Биноий ижодига яхши муносабат билдирилса-да, шахсиятига яхши баҳо берилмайди.

3. Мулло Ҳижрий шоир. Бобур бу шоир номини шунчаки хабар тариқасида айтиб ўтади. Яъни Масчода эканлик пайтида Мулло Ҳижрий шоир Хисордан келиб унга мулозамат кўрсатганини қайд этади.

4. Сайфий Бухорий ҳақида “Бобурнома”да девон тартиб қилган шоир сифатида тилга олинади. Масални кўп айтганлиги аммо маснавийси йўқ эканлиги, шунингдек, бир форсий арузу борлиги ҳақида маълумотлар берилади. Шунингдек, шахсияти ҳақида: *“Бисёр камсухандур, бир ҳисоб била асру пурсуҳандур. Камсухан бу маъни билаким, кераклик нималарни битимайдур. Пурсухан бу маъний билаким, равшан ва зоҳир калималарни нуқта ва иъробигача битибтур. Чогирни ёмон ичар экандур, бадшароб экандур. Маҳкам зарб мушти бор экандур”*¹⁰⁸ каби фикрларни келтиради.

5. Мавлоно Маснадий шоир. Бобур бу шоир ҳақида фарзанди Ҳумоюн мирзо таваллуди муносабати билан қуйидаги тарзда тилга олади: *“Ушбу йилнинг охирида сешанба кечаси зилкаъда ойининг тўртида офтоб хут буржиди эди, Кобулнинг аркида Ҳумоюн мутаваллид бўлди. Тарихи валодатини Мавлоно Сайиидий шоир “Султон Ҳумоюнхон” топиб эди”*¹⁰⁹.

¹⁰⁸ Ўша асар. 138-б.

¹⁰⁹ Ўша асар. 160-б.

6. Мулло Муҳаммад Толиб муаммойи: “Кобул аркининг таърифида бир байтни Бадиъуззамон мирзо отиға боғлаб ўкур эди. Байт будурким:

*Бихўр дар арки Кобул май, бигардон коса пайдарпай,
Ки ҳам кўд асту ҳам дареву ҳам шаҳр асту ҳам саҳро.*

7. Абдуллои маснавийгўй. Тахаллуси – Ҳотифий. Бобур бу ижодкорнинг бир неча ижод намуналарини санаб ўтади: “Хамса” муқобаласида маснавийлар айтган. “Ҳафт пайкар” муқобаласида айтган маснавийсига “Ҳафт манзар” дея номлаган. “Искандарнома” муқобаласида “Темурнома” айтган. Барчасидан машхурроғи деб “Лайли ва Мажнун”ни кўрсатади. Лекин бу асарнинг латофати шуҳратича эмас дея таъкидлайди.

Амирзода шоирлар сифатида асли сарой хизматчилари, ҳукмдор амир ва вазирлари бўлган, лекин истеъдоди бўлганлиги сабабли шеър машқ қилиб, девон тартиб берган шоирлар номи зикр этилади. Улар қаторига кирган қуйидаги шоирларни таҳлилга тортдик.

1. Маҳмуд барлос номи асарнинг 5 ўрнида тилга олинади. Дастлабки қайдда Маҳмуд барлос Султон Маҳмуднинг умаролари сафида учрайди ва Бобур бу ўринда унинг навкандоклик барлослардан эканлиги, Султон Абусаъид мирзо қошида бек бўлганлиги, Султон Абусаъид мирзога Ироқ вилояти мусаххар бўлган пайтда Кирмонни Маҳмуд барлосга берганлигини қайд этади. Яна давом этиб: “*Абобакр мирзога Мазидбек аргун ва қорақўйлуқ туркман беклари қўшулуб, Султон Маҳмуд мирзонинг устига Ҳисорда келганда Султон Маҳмуд мирзо оғасига Самарқандга борди. Маҳмуд барлос Ҳисорни бермай, яхши сахлади. Шоир эди, девон тартиб қилиб эди*”¹¹⁰, – дея муҳим маълумотларни айтади. Демак, Маҳмуд Барлос Султон Маҳмуд мирзонинг умароси бўлиши билан бирга девон тартиб қилган шоир бўлган экан.

¹¹⁰ Ўша асар. 50-б.

2. **Хасан Али жалойир** “Бобурнома”да 2 ўринда тилга олинади. Дастлаб Ҳусайн Бойқаро амирлари каторида: *“Асли оти Ҳусайн Али жалойирдур, вале Хасан Алига маишхурдур. Отаси Али жалойирни Бобур мирзо риоят қилиб, бек қилгондур, сўнгра Ёдгор Муҳаммад мирзо Ҳирини олгонда, Али жалойирдин улўзроқ кишиси йўқ эди. Хасан Али жалойир Султон Ҳусайн мирзо қошида қушбеги эди, шоир эди, “Туфайлий” тахаллус қилур эди, қасидани бисёр яхши айтур эди. Уз замонида қасидада саромад эди. Тарих тўққуз юз ўн еттидаким, Самарқандни олдим, менинг қошимга келди. Беш-олти йил менинг қошимда бўлди. Менинг отимга ҳам яхши қасидалар айтди. Бебок ва мутлиф киши эди. Чухра сахлар эди. Ҳамиша нард ўйнар эди, қимор қилур эди”*¹¹¹.

Иккинчи бор Ҳусайн Бойқаро аҳли шуароси қисмида келтирилади ва унинг номи Абдурахмон Жомий, Шайхим Суҳайлийдан сўнг тилга олинади. Бу ерда Ҳусайн Али Туфайлий жалойир номи билан берилади.

3. **Шайхимбек.** Тахаллуси “Суҳайлий”. Ҳусайн Бойқаро умароларидан бири. Бобур бу ҳақда: *“Бир тавр шеър айтур эди. Қўрққудек ва маонии дарж қилур эди. Анинг абётидан бир будур:*

Шаби ғам гирдбоди оҳам аз жо бурд гардунро,

*Фуру бурд аждаҳои сели ашкам рубъи маскунро*¹¹²

*Маишхурдурким, бир қатла бу байтни Мавлоно Абдулраҳмон Жомий хизматида ўқубтур Мавлоно айтибтурким: “Мирзо, шеър айтасиз ё одам қўрқутасиз?” Девон тартиб қилиб эди. Маснавиёти ҳам бор”*¹¹³.

4. **Аҳмад Ҳожибек** Султон Аҳмад умароларидан бири. Тахаллуси – “Вафойй”. Султон Малик Кошғарийнинг ўғли. Соҳибдевон шоир. “Бобурнома”нинг 7 ўрнида маълумот берилади. Дастлаб юқоридаги маълумотларни, сўнг Алишер Навоий Самарқандда бўлган пайти Аҳмад Ҳожибек билан бирга бўлганлиги айтилади. Кейинги маълумот унинг

¹¹¹ Ўша асар. 135-б.

¹¹² Ғамли кечаларда оҳимнинг куюни осмонни ўрнидан қўзғатди, кўз ёшим селининг аждаҳоси ер юзини ютиб юборди.

¹¹³ Ўша асар. 134-б.

отларга қизиқиши ва яхши зотдор отларни сақлаши, мардона киши бўлганлиги, лекин сардорлиги мардоналигидек бўлмай бепарво киши бўлганлиги айтиб ўтилади.

5. **Ҳасан Яъқуббек.** Умаршайх мирзо бекларидан бири. Бу образ ҳақида асарда қуйидагича фикрга дуч келамиз: *“Кичик кўнгуллуқ яхши табълиқ чуст ва часпон киши эди. Бу байт анингдур:*

Боз ой, эй ҳумой, ки бе тўтии хатат,

*Наздик шудки, зог барад устухони ман*¹¹⁴.

Мардона киши эди. Ўкни яхши отар эди, чавгонни яхши ўйнар эди. Хок паллани яхши сочарар эрди. Умаршайх мирзо воқифасидин сўнг менинг эшигимда соҳиб ихтиёр ул эди.

*Ичи тор ва кам ҳавсала ва фитнароқ киши эди*¹¹⁵.

Асарда қуйидаги рассомлар ҳақида маълумот берилади:

1. **Камолиддин Бехзод.** Асарда “Бехзод мусаввир, Устоз Бехзод” номи билан тилга олиниб, 3 ўринда тўхталинади. Унга: “Мусаввирлик ишини бисёр нозук қилди. Вале сақолсиз элнинг чехрасини ёмон очадур. Ғабғабини кўп улуғ тортадур. Сақоллик кишини яхши чехракушойлик қиладур”¹¹⁶, – дея таъриф берилади.

2. **Шоҳ Музаффар** ҳақида асарнинг 2 ўрнида маълумот берилади. Илк тасвирда Устоз Бехзод билан биргаликда Навоий ҳомийлигида машҳур бўлгани баён этилади. Кейинги тасвирда унинг санъатига баҳо берилиб, тасвирни кўп нозик қилиши, соқолни ҳам ўта нозик чизиши хабар қилинади. Шунингдек, айтиб ўтилган даврида оламдан ўтгани ҳақида таассуф билан айтиб ўтилади.

¹¹⁴ Кайтиб кел, эй бахт куши, сенинг тўтидай хатларингсиз менинг суякларимни қарғалар элтишига оз қолди.

¹¹⁵ Ўша асар. 41-б.

¹¹⁶ Ўша асар. 139-б.

Созандалар образи “Бобурнома”да аҳли нағма дея тилга олинади. Машхур созандалар, чолғучилар сифатида Бобур куйидагиларни келтиради:

1. **Хожа Абдулло Марворий.** Асарда қонунни ундан ўтказиб ҳеч ким чала олмаслиги хабари берилади.

2. **Қул Муҳаммад Удий** – ғижжакчи. Асарда унинг ғижжакка 3 қил таққанлиги, ҳеч ким унча кўп пешрав боғламагани, пешравдан ўзга куйлари унча машхур эмаслиги таъкидланади.

3. **Шайхӣ Нойӣ** – уд ва ғижжакни яхши чалади. Асарда Нойӣ ҳаётига оид ривоятлар ҳам келтирилади. Уларга кўра, Нойининг оҳанг идрокида моҳир эканлиги, бир куй эшитса, “фалонининг фалон пардаси бунга оҳангдир” дея айтиши хабари берилади.

4. **Шоҳқули Ғижжакий** – ғижжакчи. Ироқдан. Хуросонга келиб соз машқ қилиб ўсганлиги ва анчагина нақш ва пешравлари борлиги таъкидланади.

5. **Ҳусайн Удий** – удни ёқимли чалиб, маънили кўшиқлар айтади дея таърифланади. Уднинг торларини якка қилиб чалган чолғучи сифатида таърифланади.

6. **Ғулом Шодий** – бастакор. Шодий Ҳофизнинг ўғли. Соз чалган, лекин созандалар даврасида чалмаган. Шайбонийхон уни Қозон хони Муҳаммад Амин қошига юборган. Лекин ундан бошқа хабар келмаган.

7. **Мир Арзу** – бастакор. Соз чалмаган. Гарчи озгина оҳанг яратган бўлса ҳам яхши ишлари борлиги таъкидланади.

8. **Бинойӣ** – бастакор. Бинойӣ ҳақида шоирлар ҳақида маълумот берилган ўринда ҳам айтиб ўтган эдик. Унинг мусиқа соҳасидаги ишлари бастакорлиги билан баҳоланади.

9. **Паҳлавон Муҳаммад Бусайд** – бастакор. “Чоргоҳ”да бир яхши нақши борлиги, курашда ҳам пешқадам эканлиги, хушсуҳбат киши бўлганлиги таъкидланади.

Қизиғи шундаки, Бобур ижодкор шахси ва у яратган санъат асарларига муносабат билдирар экан, қиёслаш йўлидан бормайди. Яъни ижод намуналари солиштириб таҳлил этилмайди. Шундай бўлса-да, Бобур ҳар бир образ ҳақида батафсил маълумот беришга, ижод намуналарини таҳлил қилишга интилади.

3.3. Аёллар образининг ўрни

“Бобурнома”дек улкан тарихий асарда аёллар образларига таъриф бермаслик, уларнинг иштирокисиз асар ёзишнинг иложи йўқ эди. Шу сабабли Бобур теурий маликалар, уларнинг канизаклари, қизлари тўғрисида жуда кўп тўхталган. Уларга алоҳида таъриф-тавсиф берган. Улар, асосан, маълумот берилаётган шахснинг “Хавотин ва сарори” деган банди таркибида келтирилади. Асарда жами 72 аёл образини учратишимиз мумкин. Муаллиф уларнинг баъзиларига батафсил тўхталса, айримлари ҳақида қисқагина маълумот бериб ўтади.

Асарда бир хил исмли аёллар образи кўп учрайди. Масалан, Оқбегим исмли 3 киши:

1. Оқбегим – Солиҳа Султонбегим;
2. Оқбегим – Султон Абусаъид мирзонинг қизи;
3. Оқбегим – Султон Ҳусайн мирзонинг қизи;

Бикабегим исмли 3 киши:

1. Бикабегим – Бобур мирзонинг синглиси;
2. Бикабегим – Султон Маҳмуд мирзонинг қизи;
3. Бикабегим – Султон Ҳусайн мирзонинг қизи;

Хонзодабегим номи билан 6 киши:

1. Хонзодабегим – Султон Масъуд мирзонинг қизи;
2. Хонзодабегим – Султон Маҳмуднинг қизи;
3. Хонзодабегим – Умаршайхнинг қизи, Бобурнинг опаси;
4. Хонзодабегим – Мир Бузург Тирмизийнинг қизи;

5. Хонзодабегим – Султон Маҳмуд мирзонинг хотини;
6. Хонзодабегим Тирмизий – Султон Аҳмад мирзонинг хотини;
7. Хонзодахоним – Музаффар мирзонинг харами;

Қарокўзбегим исмли 3 киши:

1. Қарокўзбегим – Умаршайх мирзонинг харами;
2. Қарокўзбегим – Робиа Султонбегим (Руқия Султонбегим);
3. Қарокўзбегим – Муҳаммад Қосим Арлотнинг қизи;

Маъсума Султонбегим исмли 2 киши:

1. Маъсума Султонбегим – Бобурнинг қизи;
2. Маъсума Султонбегим – Султон Аҳмад Мирзонинг қизи исми

тилга олинади.

Аёллар образини икки йўналишда таҳлил қилдик. Яъни:

1. Темурий маликалар, яъни темурийлар хонадонига мансуб аёллар: Поянда Султонбегим, Кичикбегим, Бикабегим, Хонзодабегим, Шаҳрибонубегим, Оқбегим кабиларни киритиш мумкин.

Темурий маликалар каторида энг кўп тилга олингани Поянда Султонбегимдир. **Поянда Султонбегим** Абусаъид мирзонинг қизи бўлиб, асарда 12 ўринда учрайди. Илк бор Султон Маҳмуд мирзо ҳақида маълумот берилаётганда тилга олинади. Бунда Хусайн мирзонинг Ҳайдар мирзо отлиқ ўғли ҳақида гапирила туриб унинг онаси Поянда Султонбегим эканлиги, Поянда Султонбегим эса Абусаид мирзонинг қизи эканлиги айтилади. Кейинги 2 ўринда ҳам Ҳайдар мирзо муносабати билан тилга олинади. Кейинги ўринда эса Хусайн мирзо ҳақида маълумот бераётганида тилга олади. Бунда Поянда Султонбегимнинг тўрт қизи борлиги уларнинг каттаси Оқбегим эканлиги айтилади. Кейинги тасвирда эса қуйидаги маълумотни беради: *“Иккинчи қиз Кичикбегим эди. Султон Масъуд мирзо мойил эди, ҳар неча саъй қилди, Поянда Султонбегим қисқа мулоҳаза қилиб бермади. Сўнгра Саййид отанинг насли Мулло Хожасага чиқариб эди. Учунчи қизи Бикабегимни ва тўртунчи қизи Оғабегимни сингили Робиа*

Султонбегимнинг ўғлонлари Бобур мирзо била Султон Мурод мирзога бериб эди¹¹⁷”. Кейинги тасвирда Поянда Султонбегимнинг Ҳусайн Бойқарога хотин бўлгани ва унинг Ироққа боргани ва Ироқта ғарибликда вафот этганлиги айтади. Навбатдаги тасвирда Поянда Султонбегимни амма дея тилга олади ва унинг уйида бўлганлигини қайд этади. Кейинги ўрин Бобурнинг Султон Аҳмад мирзонинг кичик қизи Ҳабиба Султонбегимга кўнгли бўлгани ва шу муносабат билан Поянда Султонбегимни совчилик ишларига ундаши билан тилга олинади. Бу ўринда Бобур Поянда Султонбегимни “ака” деб аташини айтиб ўтади. Бу жуда муҳим ва ноодатий ҳолатдир. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, Бобур замонида аёл кишиларга нисбатан ҳам шундай мурожаат шакли қўлланилган экан.

Демак, Бобур берган маълумотларни шундай умумлаштириш мумкин. Поянда Султонбегим теурий маликалардан бири. Султон Ҳусайн Бойқаронинг хотини. Бобур мирзонинг аммаси. 4 қиз ва Ҳайдар мирзонинг онаси. Ироқда вафот этган. Эътиборли теурий маликалардан бири бўлгани учун ҳам Бобур у билан кўришаётганида “юкунуб кўруш”ганини айтади.

Шоҳ Султонбегим – Умаршайх мирзонинг онаси, Бобурнинг улуғ онаси. Асарнинг 2 ўрнида бу образга тўхталинади. Дастлаб, Умаршайх мирзонинг вафоти муносабати билан, аза расмини бажо келтириш учун Ахсидан Жаҳонгир мирзо ва аҳли харам билан биргаликда Андижонга келиш тасвири берилади. Бу ўринда Бобур: *“Мирзонинг онаси Султонбегим...”* – дея муносабат билдиради. Кейинги тасвирда эса, *“...отамнинг онаси менинг улуғ онам Шоҳ Султонбегим Андижондин келди¹¹⁸”* – дея хабар беради. Бу тасвирда эса Бобур Улуғ онам дея мурожаат этади.

¹¹⁷ Ўша асар. 130-б.

¹¹⁸ Ўша асар. 43-б.

Хонзодабегим (Умаршайхнинг қизи, Бобурнинг опаси) – асарда 3 марта тилга олинади. Дастлаб, Умаршайх мирзо авлоди ҳақида гап кетганда. Бобур бу ўринда бори қизлардан улуғ дея таъриф беради. Сўнг бир онадан туғилганликларини ва ораларида 5 ёш фарқ борлигини айтиб ўтади. Сўнг Сарипулдаги жанг тафсилоти ва унда опаси Хонзодабегимнинг Шайбонийхон қўлига тушиб қолганини афсус билан қайд этади. Хуррамшоҳ отли ўғли борлиги ва Шайбонийхон унга Балх вилоятини топширганлигини қайд этади. Шайбонийхон ўлимидан бир-икки йил сўнг тангри раҳматига боргани айтилади. Шоҳ Исмоил Шайбонийхонни мағлуб этгач, Хонзода бегимни Қундуз сари элтадилар ва ака-сингил 10 йил ўтгандан кейингина учрашадилар. “Бобурнома”да келтирилишича, бегим ва унинг ёнидагилар Бобурни танимаганлар. Бобур мирзо отини айтгачгина таниганлар.

Хукмрон табақага мансуб бўлмаган аёллар образи: Умид оғача, Зухрабеги оға, Латиф Султон оғача, Минглибий оғача, Попо оғача, Беги Султон оғача, Тун Султон, Оға Султон ва бошқалар. Бу образлар асарда ғума ва ғунчачи номи билан тилга олинади. Эътибор билан қарасак, уларнинг исмларида ҳам бунга ишора бор: оға, оғача.

Умид оғача. Умаршайх мирзонинг ғунчачиси. Носир мирзонинг онаси. Асарда икки бора тилга олинади. Бобур отаси Умаршайх мирзонинг авлодлари ҳақида гапира туриб, Носир мирзо ҳақида тўхтайди ва унинг онаси ғунчачи эканлиги, исми Умид ва андижонлик эканлигини таъкидлайди. Иккинчи тасвир Умаршайх мирзонинг хотинлари, аҳли аёллари ҳақида гап кетганда учрайди. Ундаги маълумотга қараганда, Умид оғача Умаршайх мирзо вафотидан олдин бу дунёни тарк этган.

Зухрабеги оға хусусида асарнинг 3 ўрнида маълумот келтирилади. Бирида унинг ғума эканлиги ва Султон Али мирзонинг онаси эканлиги таъкидланса, яна бирида Султон Маҳмуд мирзонинг мўътабар ғумаси эканлиги, бир ўғил ва бир қизнинг онаси эканлиги таъкидланади. Шу ўринда Султон Маҳмуд мирзо бу ғумасига Султон Абусаид мирзо

тириклигида уйланганлиги ҳам айтиб ўтилади. Бобурнинг бу аёлга бўлган муносабати куйидаги тасвирларда аниқ ифодаланади: *“Султон Али мирзонинг онаси Зухрабеги оға билмаслигидин ва беақллигидин маҳфий Шайбонийхонга киши йиборур, бу мазмун билаким, Шайбонийхон ани олур бўлса, ўғли Шайбонийхонга Самарқандни бергай. Отасининг вилоятини олгондин сўнг Султон Али мирзога бергай”*¹¹⁹. Биргина “беақллигидин” сўзи билан Зухрабеги оға шахсига ўз муносабатини билдирган-қўйган.

Латиф Султон оғача. Бу образга асарнинг 2 ўрнида маълумот берилади. Султон Ҳусайн мирзонинг ғумаларидан бири. Абулмуҳсин мирзо ва Кепак мирзо (Муҳаммад Муҳсин)ларнинг онаси. Асарда бу образ ҳақида шугина маълумот бор, холос.

Қайси даврда бўлмасин аёл зоти таъриф-тавсиф этиб келинади. “Бобурнома”да ҳам бу ҳолнинг гувоҳи бўламиз. Бобур ҳар бир аёлга баҳо берар экан, уларга мустақил шахс сифатида ёндашади. Уларга хос хусусиятларни аниқлик билан келтиради.

III боб бўйича хулосалар

“Бобурнома”да мингдан ортиқ шахслар тилга олиниб, уларнинг фаолияти, характери, ижоди намуналари таҳлил ҳам этилади. Асар сюжети ва композициясида бу образларнинг ўрни бениҳоя каттадир. Сабаби асар воқеаларининг ҳаракатлантирувчи бўғини бу образлардир. Бобур асарда бирор бир шахс ҳақида тўхталар экан ҳолислик билан муносабат билдиришга ҳаракат қилади. Тўғри, баъзи бир ўринларда ҳукмдорларга хос баланд назар билан билдирилган фикрлар ҳам йўқ эмас. Лекин улар асарнинг илмий ва бадий қимматига путур етказмайди.

Асар сюжети ва композициясида муҳим ўрин тутган жуда кўп тарихий шахсларнинг қиёфалари ва фазилатлари моҳирлик билан ёритилган. Биз ишимиз давомида асардаги тарихий шахслар тимсолларини

¹¹⁹ Ўша асар. 55-б.

ёритишдаги ўзига хослик ва услуб ва уларнинг асар ташкилланишидаги ўрнини ҳукмдорлар, амирлар, вазирлар, дин пешволари, ҳарбий амалдорлар; ижод аҳллари: шоирлар, рассомлар, созандалар; аёллар образлари мисолида аниқлашга уриндик.

Асарда образлар шахсиятини ёритишда бир қатор усуллардан фойдаланилганлиги. Масалан, баъзи бир ўринларда муносабат билдирилаётган одамнинг ахлоқ ва атворини ёритишда воқеа ичида воқеа келтириш усулидан ҳам фойдаланилган. Бундай усул Умаршайх мирзонинг адолати тасвирида келтирилади.

Шунингдек, темурий шахслар сиймосини, уларнинг шакл ва шамойилини мукаммал ёритиш, айрим хатти-ҳаракатларини воқелар жараёнида акс эттириш усули ҳам яққол кўринади. Бу усулни Ҳусайн Бойқаро шахси талқинида кузатдик.

Бобур бирон бир образга тўхталар экан, у ҳақдаги маълумотларни максимал даражада аниқлик билан ифодалашга ҳаракат қилади. Масалан, ҳукмдорлар тасвирида уларнинг ташқи кўринишидан тортиб, қилган ишлари, эгаллаган мулклари, амирлари, вазирлари, шоирлари ва бошқалар ҳақида батафсил маълумот беради. Масалан, Ҳусайн Бойқаро ҳақида маълумот берар экан, унинг ташқи кўриниши – портретини мусаввирона тасвирлайди. 13 марта қилган жангининг тафсилотини келтиради. Амирларидан 36 киши ҳақида батафсил маълумот беради. 11 вазири хусусида алоҳида тўхталади. Шунингдек, Ҳусайн Бойқаро саройида ижод қилган 14 шоир, 3 рассом, 8 мусанниф ва бир қанча мусиқачилар ҳақида маълумот беради. Хуллас, биргина Ҳусайн Бойқаро образи баҳонасида XV-XVI аср Ҳирот ва Мовароуннаҳр ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаёти манзарасини чизади.

“Бобурнома”да тасвирларган ижодкор шахслар ва аёллар образлари ҳақидаги ҳам юқоридаги фикрларни айтиш мумкин.

ХУЛОСАЛАР

“Бобурнома” халқимиз тарихи, ўтмиши, маданияти ва маънавиятини ўзида жам қилган асардир. Бу асар биргина ўзбек адабиёти эмас, умумжаҳон адабиётининг нодир намуналаридандир. Шу сабабли ҳам асарни ўрганиш ва тадқиқ этиш ишлари ҳеч қачон ниҳоясига етмайди.

“Бобурнома” асарининг жаҳон миқёсида эътироф этилишига сабаб асардаги воқеаларнинг тарихий жиҳатдан аниқлигигина эмас, бу мухташам асарнинг таркибланиш жиҳатидан ҳам мустаҳкам асосга қурилганидир.

Бобуршунослик адабиёт ва тарих илмининг муайян соҳаси сифатида жаҳон бўйлаб кенг тарқалган. Бобур ва бобурий, “Бобурнома”даги тарихий шахслар, ижодкорларнинг ҳаёт йўли, инсоний қиёфалари барчада қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Олиб борган изланишларимиз натижаси ўлароқ қуйидаги хулосаларга келдик:

1. “Структурал метод” – таркибий ўрганиш асосига қурилгани учун дастлаб ўзи яхлит бадиий асарнинг таркибий жиҳатларини белгилайди, улар илмий тилда “сатҳ”лар деб юритилади. Сўнгра ўша сатҳларни бир-бири билан боғлаб турган адабий воситалар ўрганилади, ва ниҳоят, ўша қисмларни ўзаро туташтириш жараёнида ёзувчи (адиб) амал қиладиган ижодий қонуниятларни аниқлайди.

2. “Бобурнома” асари структурал таҳлил имкониятларига тўлиқ мос кела оладиган йирик насрий асар, шунингдек, ўзбек бадиий адабиётининг нодир ёдгорлигидир. “Бобурнома”нинг асосий тасвир мавзуи тарихий воқеалар бўлиб, Бобур воқеаларни шунчаки санаб ўтиш ёки улар ҳақида маълумот бериш билан чекланиб қолмайди. У тарихий воқеалар манзарасини, тарихий шахсларнинг ташқи ва ички қиёфасини моҳирона тасвирлаб, ёрқин ва ажойиб табиат лавҳаларини бетакрор бўёқлар билан ифодалаб беради. Шунингдек, муаллиф мароқли ва жозибали бадиий услуб билан турли хил саргузаштларни, ривоят ва латифаларни ҳикоя қилади, халқ ҳажвиёти, мақоллари ва таъбирлари, шеърый парчалар билан ўз

асарини безайди. У турли хилдаги бадиий услуб ва тил воситаларидан ўринли фойдаланади.

3. “Бобурнома”даги воқеалар турли вазиятларда ва зиддиятлар орқали ривожланиб боради. Улар бир-бири билан ана шу воқеаларда бевосита иштирок этган Бобур сиймоси орқали боғланади, ўзига хос кульминация ва ечим касб этади. Мана шу хусусиятлари билан “Бобурнома” китобхонни завқ ва хаяжонга солади, уни ўзига бутунлай мафтун этади.

4. “Бобурнома” эпик турнинг мемуар жанрига мансуб асардир. Композицион пухталиқ, ўткир сюжет, кучли характерлар, бадиий бўёқнинг сержило экани китобхонни ўзига жалб этади. Сюжет йўналишдаги воқеа ичига воқеа киритиш, воқеани қизиқ жойида тўхтатиб, бошқа воқеалар тафсилотларини бериш, сюжет тараққиётини пухта далиллаш сингари фазилятлар ибратлидир. “Бобурнома” тарихий фактлар асосида бадиий сюжет яратишнинг ибратли намунасидир. Асарда жуда кўп тимсоллар берилган бўлиб, муаллиф уларнинг кўпларини характер даражасига олиб чиқиб, мукаммал тасвирлайди.

5. “Бобурнома” сюжети жуда мураккаб, бир неча тармоққа эга. “Бобурнома”да воқеалар мантиғи етакчилик қилади. Сабаби асар саргузашт характерида. Асар тарихий мазмунда бўлгани сабабли ҳаётитайёр сюжетлар асосида яратилган. Шу сабабли ҳам бу асар реалистик наслнинг энг етук намунаси сифатида баҳоланган. Умаршайх мирзо, Бойсунқур мирзо, Султонали мирзо, Шайбонийхон ҳаёти воқелари, шунингдек, Хуросонда Ҳусайн Бойқаро ўғиллари билан кечган воқеалар ёзилажак асар учун тайёр ҳаётитай сюжет эди. Бобур асарни ёзиш давомида бу воқеларни бирин-кетин кўз олдидан ўтказади. Воқелар занжири шу қадар мустаҳкамки, ундаги бирон бир ҳалқа узилса, воқелар ифодасида ноаниқлик пайдо бўлади. Шу сабабли бирон бир йил воқеаларини ҳам ташлаб кетиб бўлмайди. Мисол учун қаҳрамон Бобурнинг нима сабабдан

Ҳиндистон томонга отлангани воқеаларини билиш учун, унинг Фарғона ва Кобулда кечган ҳаёти воқеалари билан танишиш зарур бўлади.

6. Асар воқеалари кетма-кет содир бўлганлиги учун хроникал сюжет дея оламиз. Асарда сюжет унсурларидан ҳисобланган экспозициянинг ўрни жуда аҳамиятли. Деярли ҳар бир воқеа олдидан муаллиф батафсил тушунтириш беради. Хусусан, Андижон, Самарқанд ва унинг атрофи, Хуросон, Кобул, Ҳиндистон мамлакатлари тасвири фикримнинг далилидир. Биламизки, бадиий асар сюжетида тугун алоҳида аҳамиятга эга. Тугун ўқувчини асарнинг ичкарисига етаклайди. “Бобурнома” воқеалар шу даражада жадалки, буни асардаги тугунлар сонининг кўплиги билан изоҳлаш мумкин. Сабаби бош қаҳрамон, яъни ҳикояси қаҳрамон ҳаёти ҳамиша алғов-далғовларга тўла бўлган. Асардаги биринчи тугун Умаршайх мирзонинг ўлими. Айнан шу воқеа туфайли асарга Бобур шахси кириб келади. Унинг алғов-далғовларга тўла ҳаёти айнан шу воқеа сабаб бошланади. Унинг ҳукмдорлик фаолияти билан боғлиқ ходисалардан воқеалар ривожланиб боради. Дастлаб, Самарқандга интилиш, шу интилиш сабаб Андижондан айрилиш, сўнг ҳар икки юртдан ҳам маҳрум бўлиб, Кобул, Ҳинд мамлакатларига юз буриш булар воқеалар занжирининг асосини ташкил қилади.

7. Асар воқеаларини кузатиш жараёнида бир нечта кулминацион нуқталарни кўриш мумкин. Хусусан, Бобурнинг ўлимдан қолиш лавҳаси. Бу жуда кўп бор юз беради. Шунингдек, асарда портрет ва пейзажнинг ўрни ниҳоятда катта. Бу асарнинг бадиийлигини таминлайдиган жиҳатлардандир. “Бобурнома”да 6 образнинг мукамал портрети берилади.

8. П.Қодиров томонидан “роман-эпопея” деб номланган “Бобурнома” 3 катта қисмдан иборат.

Биринчи қисм Фарғона деб номланиб, бу қисмда асар воқеалари тасвирланган 10 бўлим келтирилади. Бу қисм воқеалари 1494 йил, яъни Бобурнинг тахтга чиқиши билан бошланиб, 1503 йил, яъни Фарғона

вилоятида сарсон-саргардонликдаги ҳаёт тасвири билан якунланади. Кўринадикки, бу қисм воқеалари муаллиф-қаҳрамон ҳаётининг 9 йилини қамраб олади.

Иккинчи қисм Кобул деб номланиб, бу қисмдаги воқеалар 7 бўлимда тасвирланади. Кобул вилояти тасвири билан бошланган воқеалар Ҳиндистон сафарига отланган қаҳрамон орзуси билан якунланади ва 1503-1520 йил воқеалари тасвирини ўзида акс эттиради. Бу муаллиф-қаҳрамон Бобур ҳаётининг 17 йилини қамраб олади.

Асарнинг якуний қисми Ҳиндустон деб номланиб, бу қисмидаги воқеалар эса 5 бўлимда баён этилади. Бу қисм орадаги воқеалар тасвирида узилишлар бўлганлиги сабабли 1525 йил воқеалари тасвирдан бошланади. ва 1529 йил воқеалари тасвири билан якунланади. Бу муаллиф-қаҳрамон Бобур ҳаётининг атиги йилини қамраб олади.

Ҳар бир бўлимда келтирилган воқеалар асосий қаҳрамон Бобур сиймоси орқали туташади.

9. Шунингдек, асар композициясида, муаллиф-қаҳрамон томонидан киритилган ижод намуналари, мақоллар, мактублар, туш тасвири ва ички нутқлар ҳам алоҳида ўринга эга.

10. “Бобурнома”да мингдан ортиқ шахслар тилга олиниб, уларнинг фаолияти, характери, ижоди намуналари таҳлил ҳам этилади. асар сюжети ва композициясида бу образларнинг ўрни бениҳоя каттадир. Сабаби асар воқеаларининг ҳаракатлантирувчи бўғини бу образлардир. Бобур асарда бирор бир шахс ҳақида тўхталар экан холислик билан муносабат билдиришга ҳаракат қилади. Тўғри, баъзи бир ўринларда ҳукмдорларга хос баланд назар билан билдирилган фикрлар ҳам йўқ эмас. Лекин улар асарнинг илмий ва бадий қимматига путур етказмайди.

11. Асар сюжети ва композициясида муҳим ўрин тутган жуда кўп тарихий шахсларнинг қиёфалари ва фазилатлари моҳирлик билан ёритилган. Биз ишимиз давомида асардаги тарихий шахслар тимсолларини ёритишдаги ўзига хослик ва услуб ва уларнинг асар ташкилланишидаги

ўрнини ҳукмдорлар, амирлар, вазирлар, дин пешволари, ҳарбий амалдорлар; ижод аҳллари: шоирлар, рассомлар, созандалар; аёллар образлари мисолида аниқлашга уриндик.

12. Асарда образлар шахсиятини ёритишда бир қатор усуллардан фойдаланилганлигини аниқладик. Масалан, баъзи бир ўринларда муносабат билдирилаётган одамнинг ахлоқ ва атворини ёритишда воқеа ичида воқеа келтириш усулидан ҳам фойдаланилган. Бундай усул Умаршайх мирзонинг адолати тасвирида келтирилади.

13. Шунингдек, темурий шахслар сиймосини, уларнинг шакл ва шамойилини мукаммал ёритиш, айрим хатти-ҳаракатларини воқелар жараёнида акс эттириш усули ҳам яққол кўринади. Бу усулни Ҳусайн Бойқаро шахси талқинида кузатдик.

14. Бобур бирон бир образга тўхталар экан, у ҳақдаги маълумотларни максимал даражада аниқлик билан ифодалашга ҳаракат қилади. Масалан, ҳукмдорлар тасвирида уларнинг ташқи кўринишидан тортиб, қилган ишлари, эгаллаган мулклари, амирлари, вазирлари, шоирлари ва бошқалар ҳақида батафсил маълумот беради. Масалан, Ҳусайн Бойқаро ҳақида маълумот берар экан, унинг ташқи кўриниши – портретини мусаввирона тасвирлайди. 13 марта қилган жангининг тафсилотини келтиради. Амирларидан 36 киши ҳақида батафсил маълумот беради. 11 вазири хусусида алоҳида тўхталади. Шунингдек, Ҳусайн Бойқаро саройида ижод қилган 14 шоир, 3 рассом, 8 мусанниф ва бир қанча мусиқачилар ҳақида маълумот беради. Хуллас, биргина Ҳусайн Бойқаро образи баҳонасида XV-XVI аср Ҳирот ва Мовароуннаҳр ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаёти манзарасини чизади.

15. “Бобурнома”да тасвирларган ижодкор шахслар ва аёллар образлари ҳақидаги ҳам юқоридаги фикрларни айтиш мумкин.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, “Бобурнома”нинг сюжет ва композицион таркибини структурал метод асосида таҳлил қилиш орқали ундаги асосий тимсоллар, уларнинг асар сюжетидаги ўрни ва

композициясининг муаллифнинг асосий ғоясидан келиб чиқиб ташкиллангани аниқланди. Структурал метод асосида ушбу асарнинг бошқа поэтик жиҳатлари, яъни бадиий нутқ ва услубий жиҳатларини ҳам ўрганиш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Матн ва манбалар

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”. –Т.: Юлдузча, 1990.
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”. –Т.: “Шарқ” НМАК, 2002.
3. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома” (В.Раҳмонов ва К.Муллахўжаева табдили). –Т.: “Шарқ” НМАК, 2008.

II. Илмий-методик адабиётлар

4. Абдуғафуров А. Навоий ва Бобур (Буюк бешлик сабоклари) – Т., 1998.
5. Абдуллаева М. “Бобурнома” ва “Шажараи турк”нинг қиёсий поэтикаси. –Т., 2002. 68-б.
6. Баевский В.С. Структурализм // Литературный энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1987. – с. 426-427
7. Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика / Пер. с фр., вступ. ст. и коммент. Г.К. Косикова. – М.: Прогресс, 1989. – с. 417, 515.
8. Бартольд В. В. История культуры мусульманства. – С.Петербург. 1918. 2397651
9. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2002.
10. Бобур ва бобурийлар библиографияси. Нашрга тайёрловчи, жамлаб тузувчи ва муаллиф Шокирхон Шодмонхўжа ўғли Рустамхўжаев. – Т.: “Mumtoz so'z”, 2013.
11. Болтабоев Ҳ. “Теранлик”. / Адабиётимиз фахри китобида. –Т., 2007. 202-214-б.
12. Болтабоев Ҳ. Адабиётшунослик ва структурал методлар. Ўқув-услубий мажмуа. –Т., 2012.
13. Болтабоев Ҳ. Мумтоз сўз қадри. –Т.: Адолат, 2004.

14. Болтабоев Ҳ. Адабиётшунослик ва структурал методлар // Янги педагогик технологиялар ва касб маҳоратини ошириш муаммолари. –Т.: Университет, 2002.

15. Воҳидов Р. Биз билган ва билмаган Бобур. – Т., 2001

16. Ғайбуллоҳ ас-Салом, Неъматуллоҳ Отажон. Жаҳонгашта “Бобурнома”. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1996.

17. Ёқубов Ҳ. Бобир. – Т., 1941;

18. Жалилов С. Бобир ва Юлий Цезар. (Қиёсий ҳаётнома). -Т.: "Янги аср авлоди". -2001. -320

19. Зоҳидов В. Ўзбек адабиёти тарихидан – Т., 1961.

20. Иброҳимов А. “Бобурнома” – буюк асар. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.

21. Иброҳимов А. Бобурийлар мероси. – Т., 1993. “Бобурнома” буюк асар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000 .

22. Интервью с Жаком Деррида // Arbor Mundi / Мировое древо, 1992. Вып. 1. – М.: Мировое Древо, РГГУ ИВГИ. - с. 74.

23. Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. –Т., 2012.

24. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. 19-б.

25. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. – Т., 1996. 158-б.

26. Қудратуллаев Ҳ. “Бобурнома” жаҳон кезади. –Т., 1984.

27. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. –Т.: “Akademnashr”, 2010.

28. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004.

29. Лотман Ю.М. О поэтах и поэзии: Анализ поэтического текста / Ю.М. Лотман; М.Л. Гаспаров. – СПб.: Искусство–СПб, 1996.

30. Лотман Ю.М. Структура художественного текста // Лотман Ю.М. Об искусстве. – СПб.: “Искусство – СПб”, 1998.

31. Мелетинский Е. М. Возникновение и ранние формы словесного искусства // История всемирной литературы. Т. 1. – М.: “Наука”, 1983. - С.29

32. Новейший философский словарь. Постмодернизм. – М., 2007. С.636.

33. Нуриддинов М . Бобурийлар сулоласи. – Т.: “Фан”, 1974.

34. Расулов А. Бадийлик безавол янгилик. – Т., 2007.

35. Султон Иззат. Адабиёт назарияси. – Т.: “Ўқитувчи”, 1980.

36. Султонов Х.Бобурийнома: Маърифий роман. –Т.: “Шарқ”, 1997.

37. Умуров Ҳ. Адабиётшунослик назарияси. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004.

38. Ўзбек адабиёти хрестоматияси. 2 том. Тузувчи Олим Шарафиддинов. – Т., 1945;

39. Фитрат. Адабиёт қоидалари. – Т., 1995.

40. Ҳасанов Х. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг географик мероси. – Т., 1966;

41. Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисоласи” асари. – Т., “Фан”, 1971.

42. Холмонова З. “Бобурнома” лексикаси. – Т.: “Фан”, 2007.

43. Холмонова З. “Бобурнома”нинг айрим лексик хусусиятлари. – Т., 2003.

44. Хўжаева Л. “Бобурнома”да Темур ва темурийлар тавсифи. – Китобида: Андижонда Соҳибқиронни хотирлаб: Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб 1995 йил 9 декабрда Андижонда ўтказилган илмий-назарий анжуман материаллари. Илмий-оммабоп нашр. Масъул муҳаррир: Р.Т.Шамсутдинов. – Андижон.: 1996. 72-75-б.

45. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳон маданиятида тутган ўрни. Халқаро конференция материаллари. –Т.: 2013, июн.

III. Вақтли матбуот материаллари

46. Дадаева Л. Бобурий маликаларнинг бадий тасвири: (П.Қодировнинг “Ҳумоюн ва Акбар” романи талқинида) // Маърифат. 2009. 13-июн.

47. Ёқубов. И. Структурал поэтика имкониятлари. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2006. №3.

48. Жалилов С. “Бобирнома”да пейзаж. // Шарқ юлдузи. 1961. №3. 126-133-б.

49. Жалилов С. Тушдаги башоратлар: (Бобур тушлари ҳақида) // Андижоннома. 1993. 13 феврал.

50. Жўраева Ҳ. Бобур Ҳусайний ҳақида: (“Бобурнома”да шоҳ ва шоир Ҳусайн Бойқаро ҳақида ёзганлари хусусида). // Ўзбек тили ва адабиёти. 2008. № 6. 87-89-б.

51. Ибрагимова О. “Бобурнома”даги унвон ва мансаб номлари: ([Илм. Аҳборот]) // Ўзбек тили ва адабиёти. 2008. №4. 105-107-б.

52. Иброгимова О. “Бобурнома”даги ижтимоий сиёсий атамаларнинг лексик семантик хусусиятлари. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2009. №4.

53. Иброҳимов А. “Бобурнома”нинг Ўзбекистонда ўрганилиши. // Тошкент оқшоми. 2000. 4-декабр.

54. Қахрамонов Қ. Адабий танқидда структурал метод талқини. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2009. №5.

55. Қудратуллаев Ҳ. “Бобурнома” ва тарих.// Тафаккур. 2001. №6.

56. Қудратуллаев Ҳ. Бобур мактублари – ҳаёт ва ибрат дарси: (Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти, ижоди, шахс ва замонга муносабати ҳақида). // Моҳият. 2009. -№7. -13 феврал.–Б. 5.

57. Қудратуллаев Ҳ. Насрий асарлар тарихи ва жанрий муаммолар. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2000. №4.

58. Қудратуллаев Ҳ. Султонлар кечмиши аёллар тақдирида: (Бобурнинг “Бобурнома” асарида хотин-қизларга берган баҳоси) // Маърифат. 2004. 14 феврал.

59. Мелиев С. Структурализм ва структур таҳлил ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2008. №2.
60. Мелиев С. Янги талқин // Шарқ юлдузи. 2010. №4.
61. Норхўжаева М. Бадиий матн таснифи. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2013, №3, 93-96 б.
62. Раҳмонов В. “Бобурнома” тўғрисида. // Республика. 2000. 17-ноябр.
63. Сайдалиев Т. Бобур асарларининг хорижий тиллардаги таржималари тарихидан // Адабий мерос. 1998. №1-2. 61-63-б.
64. Тўраев Д. Бадиий асарда воқеа ва характер мантиғи. Ўзбек тили ва адабиёти. 2013, №3, 39-44 б.
65. Хайриддин С. Тошга битилган “Бобурнома”. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1993. 23-июл
66. Ҳаққул И. Бадиий матн ва таҳлил муаммолари. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2009. №1.
67. Ҳасанов С. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асари хусусида. // Postda. 2006. 11-феврал.
68. Холбеков М. Матн, интерматн, интерматнлилик. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2013, №6, 32-39 б.
69. Холбеков М. Ролан Барт ва структур адабиётшунослик. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2013, №2, 23-34 б.
70. Хўжаев Т. Бобур шеърятининг айрим ўзига хос хусусиятлари. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2013, №3, 49-52 б.
71. Шайхзода М. Бобир ва Навоий // Қизил Ўзбекистон, 26 декабр, 1940
72. Шайхзода М. Заҳириддин Бобир // Гулистон. 1940. №1.

IV. Диссертация ва авторефератлар

73. Азимжонова С. А. Ферганский удел Омара-Шейха и Бабура (в XV и начале XVI вв). Канд. дисс. – Т., 1949; Государство Бабура в Кабуле и Индии. Докт. дисс. – Т., 1969.

74. Алиев С. Бобир лирикаси. Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Т., 1948.

75. Атаджанов Н. Художественный перевод и научное комментирование (на материалах “Бабурнаме”) Дисс. канд. фил. наук. – Т., 1978.

76. Джамалов С. О художественных особенностях “Бабурнаме”. Дисс. канд. фил. наук. – Т., 1961.

77. Дўстхўжаева Н. Сехрли эртактарнинг структурал таҳлили. Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Т., 1998.

78. Каримов Б. “XX аср ўзбек адабиётида талқин муаммоси (қодирийшунослик мисолида)”. // Филол. фанлари д-ри ... дисс. – Т., 2002.

79. Кудратуллаев Х. "Бобурнома"нинг тарихий-адабий ва услубий таҳлили. (Навоий, Бобур, Хондамир ва Восифий насрининг қиёсий таҳлили). Автореферат. –Т.: -1998. -45 б. // Филол. фанлари д-ри ... дисс. - Т., 1998. 355-б.

80. Расулов А. “Ҳозирги ўзбек танқидчилигида талқин ва таҳлил муаммоси”. Филол. фанлари д-ри ... дисс. – Т., 2002.

81. Ходжаева А. Проблеми перевода: Характер, стиль и интерпретация текста “Бабурнаме”. Дисс. канд. фил. наук. Т., 1986;

82. Шукруллаева С. Воссоздание художественного своеобразия “Бабурнаме” в его английских переводах. Дисс. канд. фил. наук. – Т., 1989.